

ISSN 2181-9521

№ 9-son, 2025



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси  
Одил судлов академияси

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДҒОРОВ  
Убайдулла МИНҒБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод ИСРОИЛОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Собир ХОЛБАЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

### Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси: 1317**

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.09.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1950.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

# МУНДАРИЖА

4

КУН МАВЗУСИ

ЯНГИ АКАДЕМИЯ, ЯНГИ ҚАДАМ, ЯНГИЧА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

6

MODERN TRENDS OF TRAINING JUDGES IN NEW UZBEKISTAN

8

АКАДЕМИЯ ПРАВОСУДИЯ: СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ИНВЕСТИЦИЯ  
В БУДУЩЕЕ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ

11

СУДЬЯ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТУБДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

12

СУД ҲОКИМИЯТИДА ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА  
АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

13

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ ТАРИХИДА ЯНГИ АКАДЕМИЯ:  
БОШ МАҚСАД – ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР  
КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

14

МИЛЛИЙ СУД ТИЗИМИДА СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ  
ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

15

ЯНГИ ТИЗИМ ИМКОНияТЛАРИ

16

NEW STAGES OF REFORMING THE JUDICIAL-LEGAL  
SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

18

ДУАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД  
К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СУДЕЙ

20

СУД ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ:  
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

21

ҲАЛОЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ОДИЛ  
СУДЛОВНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

22

ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА

23

ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ – ЯНГИ  
ЎЗБЕКИСТОН СУДЪЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ  
ЯНГИЧА МЕЗОНЛАРИ

24

СУДЪЯЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ  
МУҲИМ БОСҚИЧИ

25

АДОЛАТ САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

26

ОРЗУЛАР АМАЛГА ОШГАН КУН

ПРОЦЕСС

29

ЦИФРОВОЙ СУД: БУДУЩЕЕ РЯДОМ

30

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ  
СУДИДА ҚҲРИШДА ЙЎЛ ҚҲЙИЛАДИГАН АЙРИМ  
ХАТОЛАР ТАҲЛИЛИ

32

ҚИЗИЛ БИОТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИДА ТОВАР  
БЕЛГИЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

34

ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФАЛАРИ

ҒАРБДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД  
КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА  
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪСИРИ

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ

36

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НИКОҲДАН АЖРАТИШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР ЕЧИМИ

38

СУДЪЯ МИНБАРИ

РАҚАМЛИ ДУНЁ, РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН,  
РАҚАМЛИ СУД

39

ЭКСТЕРРИТОРИАЛ ТАРТИБДА  
МУРОЖААТ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

40

СУД ТОМОНИДАН АНИҚЛАНГАН  
ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

41

ТАЪЛИМ-АМАЛИЁТ УЗВИЙЛИГИНИ  
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

42

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
МУҲИМ ОМИЛИ

43

ОҚЛОВ ҲУКМЛАРИ – ОДИЛ  
СУДЛОВНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

44

СОВҒА ВА БОШҚА ТУРДАГИ  
МУКОФОТЛАРНИ ОЛИШГА ҚҲЙИЛГАН  
АНТИКОРРУПЦИОН ТАҚИҚЛАР

46

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ  
БЎШЛИҚЛАР, МУАММО ВА ЕЧИМ

48

"ВИЖДОН ЙЎҚОЛГАН ТУН:  
КИМ АДОЛАТ ҚҲРИҚЧИСИ?"

ТАДҚИҚОТ

49

ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИДА ЖИНОЯТГА  
ПРОВОКАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

52

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА  
НОРАСМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ЛАТЕНТ ҲОЛАТЛАР

54

КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИ  
МОНИТОРИНГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

56

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

58

ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ

60

XIV-XVIII АСРЛАРДА ҲУҚУҚ ВА  
ДИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

ЭЪТИРОФ

62

ШАРАФЛИ ЙЎЛ МАШАҚҚАТЛАРИ

63

УСТОЗ ҲАЁТИ – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ



**Холмўмин  
ЁДГОРОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Судьялар олий  
кенгаши раиси

# ЯНГИ АКАДЕМИЯ, ҚАДАМ, ЧА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

**Қонун устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини қуришда-  
ги муҳим шартлардан бири бу – самарали фаолият юритадиган  
одил суд тизимини яратишдир.**

**Ана шу муҳим назариядан келиб чиқиб, суд ҳокимиятининг чина-  
кам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли  
ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини  
ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш Янги Ўзбекистон давлат  
сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.**

Ўтган қисқа давр мобайнида судларнинг том маъ-  
нода мустақиллигини таъминлаш, уни ташкилий-  
институционал нуқтаи назаридан тубдан такомил-  
лаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар  
амалга оширилди.

2016 – 2025 йиллар давомида фақатгина суд ти-  
зимида оид 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
қабул қилинди.

Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки,  
одил судлов ўз-ўзидан таъминланмайди. Бунинг учун  
судьялар корпусининг юксак салоҳияти, хусусан би-  
лим ва тафаккури кенглиги, маънавий-ахлоқий фази-  
латлари талаб даражасига эгалиги ўта муҳим аҳамият  
касб этади.

Юқори билим ва амалий кўникмага эга ҳалол ва  
пок судья кадрларни тайёрлаш жамиятда инсон ман-  
фаатларига йўналтирилган адолатни ўрнатишга хиз-  
мат қилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси  
Президенти томонидан 2025 йил 21 август куни им-  
золанган “Одил судлов соҳасида юқори малакали  
кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллашти-  
риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фар-  
монининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республика-  
си Одил судлов академиясининг ташкил этилиши суд  
tizimini замонавий ва салоҳиятли кадрлар билан  
таъминлашда янги даврни бошлаб бериши, шубҳасиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, давлатимиз  
раҳбарининг юқорида айтиб ўтилган Фармони авва-  
ло, суд тизимида замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва  
юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини ша-  
кллантириш орқали пировард натижада жамиятда қо-  
нун устуворлиги ва адолатни ўрнатишга қаратилгани  
билан ўта аҳамиятлидир. Фармонда судья кадрларни  
тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, одил судлов-  
нинг асосий мақсадлари бўлган ижтимоий адолат,  
қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари кафолатини  
янада юқори даражага кўтариш бўйича тизимли чо-  
ра-тадбирлар белгиланган. Зеро, судьяларнинг чуқур  
билим ва кўникмалар ҳамда илғор хорижий мамла-  
катлар тажрибасига эга бўлиши бевосита уларнинг  
касбий салоҳиятини оширади. Энг муҳими, юқори

касбий малакага эга бўлган судья одил судловни  
амалга оширишда адолат, қонун ва инсон ҳуқуқлари  
устуворлиги тамойилларини таъминлашга хизмат қи-  
лади.

Судьялар фуқаролик, жиноят, маъмурий ёки иқти-  
содий ишларни кўришда ҳақиқий ҳолатни аниқлаши  
ва амалдаги қонунлар асосида ҳуқуқий баҳо бериши,  
ўз қарорининг нафақат қонуний ва асослантирилган-  
лигига, балки адолатлилигига ҳам эътиборли бўлиши  
шарт. Ана шунда, фуқароларимиз жамиятимизда адо-  
лат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилади ва  
суд чинакам адолат кўрғонига айланади. Қайси тоифа  
иш бўлмасин, агарда у қонуний, асосланган ва адо-  
латли тарзда ҳал этилса, жабрланувчи ва судланувчи,  
даъвогар ва жавобгарнинг ҳаққи бир-биротида қолиб  
кетмайди ва бу адолатнинг амалда кўриниши бўлади.

Судьянинг фаолияти инсон ва жамият тақдири  
билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, бу ўта оғир ва  
масъулиятли вазифа бўлиб, жамиятда адолат қарор  
топишида аввало судьянинг ҳаёт тарзи, ҳалол ва  
поклиги муҳимдир. Шунингдек, унинг билим савияси  
юқори бўлиши лозим. Бежиз, давлатимиз раҳбари  
мустақил ва профессионал судьялар корпусини таш-  
кил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмаяпти.  
Судья қачонки мустақил бўлса, билим ва тажрибаси  
етарли бўлса, шундагина у холис бўлади ва қонун  
устуворлиги таъминланади.

Судья – ўз фаолиятини амалга оширишда  
Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради, айби  
йўқни оқлайди, айби борга жазо тайинлайди ёхуд  
мол-мулк низосини, оилавий низони ҳал этади. Хул-  
лас, судьялик вазифасини бажариш ниҳоятда катта  
масъулиятни талаб этади. Такрор бўлсада, яна айти-  
шимиз керакки, судьянинг хато қилишга ҳаққи йўқ,  
у ҳар қандай ишни қонуний ва адолатли ҳал этишда  
ўзини вояга етказган, билим ва мартаба берган халқи  
ҳамда қонун олдидаги шахсий жавобгарлиги ва  
масъуллигини доимо ёдда тутиши зарур.

Судьялар олий мактаби негизида Одил судлов  
академиясининг ташкил этилганлиги суд тизимини  
салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш борасидаги

узлуксиз ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, Судьялар олий кенгашига суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва судья кадрларни тайёрлаш бора-сида янада катта масъулият юклайди.

**Юксак мақсадларни кўзлаб янгидан ташкил этилган Академияда таълим жараёнлари “устоз-шогирд” анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.**

Фармонда мазкур даргоҳда ўқиш истагида бўлган даъвогарлар учун бир қатор имконият ва талаблар қўйилди. Хусусан, олти ойлик ўқув курсларга қабул қилинган шахсларнинг эгаллаган лавозимлари бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойида лавозимидан озод қилинади ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади. Шунингдек, уларнинг касбий қайта тайёрлаш курсларига кириши учун Судьялар олий кенгаши томонидан ҳар бирининг бенуқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилиги бўйича касбига муносиблиги ўрганилади.

Фармоннинг ниҳоятда муҳим жиҳатларидан яна бири бу – курсга қабул қилишда, яъни танловда психологик тестнинг киритилганлиги бўлди.

Чунки, амалиётдан маълумки, судьянинг фақатгина тегишли ҳуқуқий билимларга эга бўлиб қолмасдан, ҳар қандай руҳий вазиятларга бардошли, эмоционал барқарор ва ички адолат ҳиссига эга бўлиши ҳам муҳим саналади. Психологик тест айнан бўлажак судьянинг ана шу жиҳатларини очиб беради.

Бундан ташқари, кириш синовлари қаторига чет тиллари бўйича қўйилган синовлар эса бўлажак судьяларнинг халқаро ҳуқуқий жараёнларда қатнашишга тайёргарлигини, бир сўз билан айтганда замон билан бақамти юришига лойиқ ёки нолойқлигини аниқлаб беради.

**Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, бу йилги қабул жараёнлари мутлақо янги талаблар ва янги тенденциялар асосида, шаффоф, очиқ, ошкора тарзда ўтказилди:**

*биринчидан*, талабгорларни дастлабки суҳбатдан ўтказиш учун жуда нуфузли комиссия ташкил

этилди. Комиссия аъзолари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд ва Олий суднинг катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган судьялари, машҳур ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, суд фахрийлари жой олишди;

*иккинчидан*, суҳбат ўтказилаётган аудиториядаги ҳолат, яъни талабгорнинг суҳбати тўлиқ ташқарида суҳбатга киришни кутиб турган талабгорларга тўғридан-тўғри намойиш этиб турилганлиги талабгорларда ҳеч қандай шубҳа ва гумонлар пайдо бўлмаслигини таъминлади.

Имтиҳон жараёнлари бўлажак судьяда ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзини тута билиш, суд жараёнларида юз бериши мумкин бўлган турли вазиятларга оқилона баҳо бериш ва қийин вазиятлардан чиқиб кетиш кўникмасини ҳосил қилди, деб айтиш мумкин.

Энди Одил судлов академиясида, касбий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария – амалиёт – имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилади.

Аввало, имитация тўғрисида тўхталар эканмиз, назаримизда, бу тамойил асосида машғулот ўтказиш ўзининг жуда катта ижобий самарасини беради. Бунда бўлажак судья машғулотлар давомида ҳар бир суд процесси иштирокчилари, яъни судья, прокурор, судланувчи, даъвогар, жавобгар, гувоҳ, эксперт, таржимон, мутахассис кабилар ролида имитациялар орқали қайта-қайта чиқишлар қилади, процесс иштирокчилари билан мулоқотга киришади ва ҳақозо. Натижада у касбий кўникмаларини академиянинг ўзида таълим олиш жараёнидаёқ шакллантиради.

Бундан ташқари, Фармонда таълим жараёнининг деонтологик усулда амалга оширилиши белгиланиши ҳужжатнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Деонтологик таълим жараёнида судьяликка номзодлар судьялик вазифасида ишлашда дуч келадиган, судья ҳуқуқий баҳо бериши лозим бўладиган жараёнларни бевосита бориб кўради, иштирок этади ёки кузатади. Бу ҳам номзодни судьялик касбига тайёрлашда ўта муҳим омиллардан бири шубҳасиз.

Суд тизими учун кадрлар тайёрлайдиган асосий муассаса — Одил судлов академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратура дастури асосида ўқитиш ташкил этилади. Бу босқичда ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида амалга оширилади. Академияга қабул қилишда номзодларнинг муайян тоифаларига бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги ташкил этилган Одил судлов академияси ўқув жараёнини юксак даражага олиб чиқиб, миллий суд тизимини халқаро стандартларга яқинлаштиришда, малакали ва маънавий етук судьялар корпусини тайёрлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.





**Dilshod ARIPOV,**  
Doctor of Science,  
professor

## MODERN TRENDS OF TRAINING JUDGES IN NEW UZBEKISTAN

*The elevated spirituality, necessary knowledge and qualifications of judges are the deposit to ensuring fair justice, one of the effective factors in achieving this - is the regularly enhancement of professional knowledge and skills of judges and judicial candidates, as well as assuring their strict adherence to established ethical rules. Indeed, it is doubtful that judges with a low level of legal knowledge and professional skills can make lawful and fair decisions. Therefore, legal norms impose high requirements on judges, stipulating that they must possess the necessary knowledge and skills.*

In this regard, for the first time in the history of our country, by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 6, 2019, the Supreme School of Judges was established, specializing in the professional training courses for future judges, advanced training courses for current judges and candidates for judges. Over the past period, this educational and research institution, achieving certain successes, has organized professional training court employees, and retraining for leadership positions.

In the new Uzbekistan, improving the quality and effectiveness of fair justice, further strengthening citizens' trust in the courts has been defined as one of the main directions of state policy, which in turn, led to necessitates bringing the judicial training system in line with international standards and raising the quality of education to a new level. Consequently, the past six years of experience have revealed a number of problems hindering the formation of a professional judicial corps and ensuring the integration of the educational process with practice. From this point of view, the Decree of the President of our country "On Measures for the

Fundamental Improvement of the System, Training Highly Qualified Personnel in the Sphere of Justice" provides a practical solution to these problems and an important document aimed at further improving the training of highly qualified legal personnel for the judicial system based on international standards.

First of all, according to the Decree, the Academy of Justice of the Republic of Uzbekistan was created on the basis of the Supreme School of Judges under the Supreme Judicial Council, and its legal status and authority were enhanced. Consequently, in most foreign countries, in particular, in Germany, the Czech Republic, Turkey, Croatia, and Kazakhstan, this institution operates in the form of an academy. Moreover, the Academy is defined not only as an educational institution, but also as a research institution, which means that the educational process is built on the basis of science, and training sessions are conducted based on the results of scientifically based research.

The Decree provides for the introduction of a completely new system of retraining courses for candidates of judges. Because the previously existing course for training candidates for judicial positions was tied to the master's program, it prevented the training course from being conducted in a special way, specializing in the training of judges. Now, abandoning the master's degree format will allow for the intensive organization of a special course for the training of judges exclusively on the basis of necessary training sessions.

Furthermore, the Academy's independent adoption of curricula and programs related to the organization of this course, in agreement with the Supreme Judicial Council and the High Court, will significantly increase its effectiveness. In particular, the retraining course of candidates for judicial positions is organized based on the principle of "theory - practice - imitation," and the skills of applying legislation are fully formed in the students due to the consolidation of theoretical knowledge on each topic in judicial practice.



In addition, the Decree provides for conducting practical classes in a deontological style in order to develop the practical skills of future judges and ensure their in-depth study of the activities of organizations with which they will work in direct cooperation in the future. This ensures the further enhancement of practical knowledge as a result of students' directly participating in the activities of law enforcement agencies, the advocacy, and institutions of judicial expertise.

An important rule regarding the regularity of professional qualification improvement for all judges was established with the Decree. In the past, as a result of the absence such a requirement, some judges have repeatedly improved their qualifications, while others have not yet received a single qualification upgrade. Now, based on the work experience of all judges, a differentiated system advanced training courses is being introduced.

Moreover, in order to standardize law enforcement practice and eliminate shortcomings in the consideration of complex categories of cases, it is planned to organize short-term courses on topics determined by the High Court. This procedure is significant because it allows for the immediate resolution of specific disputes and issues concerning judges. Consequently, in almost all European countries, judges are trained in professional development courses in this manner.

In the adopted Decree, special attention is paid to the issue of increasing the scientific potential of judges. Consequently, there are a number of systemic problems in the application of law in the administration of justice, ensuring unified judicial practice, improving existing legislation,



which create the need for fundamental scientific research aimed at their elimination and improving the judicial sphere as a whole. At the same time, although most judges and court employees have sufficient practical experience and potential, the lack of a master's degree seriously hinders them from conducting scientific research as independent researchers.

In the adopted Decree, special attention is paid to the issue of increasing the scientific potential of judges. Consequently, there are a number of systemic problems in the application of law in the administration of justice, ensuring unified judicial practice, improving existing legislation, which create the need for fundamental scientific research aimed at their elimination and improving the judicial sphere as a whole. At the same time, although most judges and court employees have sufficient practical experience and potential, the lack of a master's degree seriously hinders them from conducting scientific research as independent researchers. In particular, only about 2.5 percent of the current judges have a degree in law. In this regard, according to the Decree, starting next year, a one-year master's course in the specialty "Judicial Activities" will be organized at the Academy. Taking into account the training of practicing judges and court employees in this course, it was determined that the educational process will be conducted in full-time and evening forms.

This development will serve to significantly increase opportunities for expanding the judiciary with scientifically capable personnel, further introducing scientific approaches into the field, conducting in-depth analysis of judicial practice issues, and finding scientific solutions to these problems.

In conclusion, the implementation of a new system for training judicial personnel will contribute to establishing justice in society and ensuring reliable protection of human rights through the formation of a professional judiciary.





**Фозилжон ОТАХОНОВ,**  
профессор кафедры  
экономики-правовых  
наук Академии пра-  
восудия Республики  
Узбекистан, доктор  
юридических наук

# АКАДЕМИЯ ПРАВОСУДИЯ: СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ИНВЕСТИЦИЯ В БУДУЩЕЕ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ

**АННОТАЦИЯ:** в статье рассматривается создание Академии правосудия Республики Узбекистан как стратегический шаг в реформировании судебной системы и повышении качества подготовки судейского корпуса. Анализируются основные положения Указа Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2025 года № УП-141, раскрываются цели и задачи Академии, а также её роль в формировании независимого, компетентного и этически устойчивого корпуса судей. Особое внимание уделяется внедрению международного опыта, инновационных методов обучения и обеспечению интеграции науки, практики и современных технологий в процесс подготовки будущих судей.

**Ключевые слова.** Судебная реформа, Академия правосудия, подготовка судей, правовое государство, независимость судей, профессиональная этика, международный опыт, инновационные технологии, правосудие.

Судебная система — это не просто орган, разрешающий споры и восстанавливающий справедливость, а фундаментальный институт, обеспечивающий баланс ветвей власти и защиту прав и свобод граждан. Уровень доверия к судебной власти напрямую зависит от профессионализма судей, их независимости, этических качеств и способности обеспечивать законность при принятии решений. Современный мир предъявляет к судейскому корпусу новые требования: глубокие знания права, умение ориентироваться в сложных экономических и технологических процессах, владение цифровыми инструментами и искусственным интеллектом, а главное — безупречная репутация и нравственная устойчивость.

До настоящего времени подготовка судей осуществлялась через Высшую школу судей, которая за годы своей деятельности дала стране немало профессионалов. Однако старый формат перестал отвечать новым задачам. Быстрые изменения в законодательстве, расширение сферы международного сотрудничества, развитие технологий и рост общественных ожиданий потребовали создания принципиально новой модели подготовки кадров. Именно этим и продиктовано решение о создании Академии правосудия на базе Высшей школы судей.

Академия правосудия создана в целях обеспечения исполнения Стратегии “Узбекистан — 2030”, Краткосрочной стратегии повышения на качественно новый уровень судебной системы на 2023–2026 годы и осуществляет свою деятельность на основе Конституции Республики Узбекистан, законов “О судах” и “О Высшем судейском совете Республики Узбекистан”. Поскольку, согласно статье 135 Конституции, “Высший судейский совет Республики Узбекистан является независимым органом судейского сообщества, обеспечивает формирование судейского корпуса, соблюдение конституционного принципа независимости судебной власти”, в развитие конституционных норм в законе “О Высшем

судейском совете” в качестве основной задачи предусмотрено “формирование судейского корпуса путем конкурсного отбора, подготовки, назначения кандидатов на судейские должности из числа наиболее квалифицированных и ответственных специалистов, а также выдвижение рекомендаций для назначения на руководящие судейские должности”.

Важно подчеркнуть, что создание Академии правосудия соответствует международным стандартам организации судебного обучения. Консультативный совет европейских судей (CCJE) подчёркивает, что “всесторонняя и непрерывная подготовка судей является необходимым условием надлежащего исполнения ими своих обязанностей и важнейшей гарантией независимости и беспристрастности судебной власти”. Согласно Основным принципам ООН о независимости судебных органов 1985 года и Европейской хартии о статусе судей 1998 года, профессиональная подготовка судей должна быть предусмотрена законом, а органы, ответственные за неё — независимы от исполнительной власти. Учреждение Академии при Высшем судейском совете, финансируемое государством и действующее автономно, соответствует этим требованиям и зарубежной практике. Таким образом, появление Академии правосудия является своевременным и обоснованным шагом, вытекающим из потребностей национальных реформ и учитывающим передовой зарубежный опыт.

Академия правосудия Республики Узбекистан получила статус специализированного государственного образовательного и научно-исследовательского учреждения, осуществляющего деятельность при Высшем судейском совете. Она призвана стать не просто учебным заведением, а центром, где теория, практика, наука и инновации будут интегрированы в единую систему. Одной из главных идей реформы стало внедрение принципа **“будущего судью обучает судья”** — возрождение традиции “устоз — шогирд”, когда опытные наставники



передают свои знания и профессиональные ценности новым поколениям судей.

Подготовка кандидатов на должности судей будет строиться по новой модели. С октября 2025 года каждый кандидат пройдет шестимесячный курс профессиональной переподготовки в Академии на основе государственного гранта по судебским специализациям. В процессе обучения особое внимание будет уделено не только изучению законодательства, но и практическим навыкам — слушатели будут участвовать в моделировании судебных процессов, осваивать работу с цифровыми технологиями, анализировать реальные судебные решения. Обязательной станет итоговый аттестационный экзамен выпускников с выдачей сертификата, дающего право участвовать в конкурсах на вакантные должности судей. Впервые вводится и механизм ответственности: если выпускник после окончания Академии откажется работать в судебной системе, он обязан будет возместить государству расходы на своё обучение.

Новая Академия внедрит инновационные методы обучения, включая "виртуальные суды" и имитационные процессы в формате дуального образования по принципу "теория – практика – имитация", что позволит максимально приблизить учебный процесс к реальной деятельности судов и других правовых институтов. Предусматривается непосредственное участие слушателей в работе правоохранительных органов, адвокатуры, судебно-экспертных учреждений и других государственных органов, где практические занятия проводятся с применением деонтологического подхода. Особое внимание будет уделяться формированию у слушателей высоких духовных и нравственных качеств, развитию антикоррупционной культуры, а также обеспечению открытости и прозрачности образовательного процесса.

Реформа учитывает и международный опыт. При разработке модели Академии были изучены лучшие практики ведущих стран. Во Франции Национальная школа магистратуры (*École nationale de la magistrature*, г. Бордо) готовит судей по системе, сочетающей фундаментальную теорию и длительную практику в судах. В Германии действует двухступенчатая система подготовки судей: университетское образование, за которым следуют *длительная судебная стажировка (Referendariat)* и *двухступенчатые государственные экзамены (Staatsexamen)*, обеспечивающие высокий уровень профессионализма выпускников. В Японии Судебный учебный и исследовательский институт (*Legal Training and Research Institute*) делает особый упор на этическую подготовку и формирование беспристрастности. В США подготовка и повышение квалификации судей осуществляется через национальные и региональные центры, включая Национальный судебный колледж (*National Judicial College*), предлагающий гибкие и специализированные программы. Особое внимание уделено Испании: здесь Школа судебной власти (*Escuela Judicial*, г. Барселона) сочетает теоретическую подготовку с двухлетней

практикой, уделяя большое внимание этике, психологии и междисциплинарным знаниям.

Международное сотрудничество станет одним из приоритетов Академии правосудия Узбекистана. Планируется организация стажировок для слушателей и преподавателей за рубежом, привлечение иностранных экспертов к учебному процессу, проведение совместных научных исследований. Это позволит внедрить передовые образовательные стандарты, обменяться опытом и обеспечить интеграцию национальной системы подготовки судей в мировое правовое пространство.

Важным направлением станет и постоянное повышение квалификации действующих судей. Раз в два-три года они будут проходить курсы по сложным категориям дел, а также по применению современных технологий, включая искусственный интеллект для анализа судебных решений и прогнозирования правовых рисков. Для тех, кто претендует на руководящие должности, будут организованы специальные программы подготовки. С 2026/2027 учебного года откроется магистратура по специальности "Судебная деятельность", ориентированная на углублённую практическую подготовку кадров.

Значительное внимание уделено и социальным гарантиям для сотрудников Академии. Для преподавателей и научных работников предусмотрены льготы, аналогичные условиям для судей Верховного суда, включая медицинское и пенсионное обеспечение. Создаётся Специальный фонд материального стимулирования, который позволит привлекать к работе лучших специалистов и мотивировать их на проведение научных исследований и разработку новых методик обучения.

Создание Академии правосудия следует рассматривать как стратегическую инвестицию в будущее судебной системы.

От качества подготовки нового поколения судей напрямую зависит успешность судебно-правовой реформы и реализация целей, закреплённых в Конституции и Стратегии "Узбекистан – 2030". При этом можно выделить ряд ключевых направлений влияния Академии правосудия:

Укрепление независимости и профессионализма судей.

Хорошо подготовленный судья, уверенный в своих знаниях и навыках, менее подвержен внешнему давлению и способен принимать решения исключительно на основе закона и внутреннего убеждения. Международные стандарты подчёркивают, что профессиональная подготовка является ключевым условием объективного, беспристрастного и компетентного отправления правосудия, обеспечивая защиту судей от ненадлежащих влияний. Академия, закладывая прочную базу знаний и профессиональной этики, будет формировать корпус судей, способных противостоять коррупционным рискам и административному давлению. Независимость судебной власти определяется не только нормами за-



конодательства, но и внутренними качествами самих судей — принципиальностью, порядочностью, высоким уровнем правовой культуры. Через воспитание этих качеств Академия создаёт фундамент для подлинной независимости судебной системы.

Единообразие стандартов правосудия и преемственность поколений.

Прохождение всеми кандидатами на судейские должности единой системы подготовки обеспечивает выработку общих подходов и ценностей. Академия правосудия станет центром формирования корпоративной культуры судебной власти — уважения к правам человека, следования принципам справедливого суда, приверженности верховенству закона. Выпускники Академии будут представлять собой не разрозненную группу юристов, а сплочённое профессиональное сообщество, разделяющее единые стандарты и идеалы служения правосудию. Это создаст условия для преемственности: молодые судьи, перенимая опыт старших коллег, сохраняют лучшие традиции и одновременно внесут инновационные идеи. Со временем это укрепит доверие общества к судебной системе, поскольку решения судей, прошедших такую подготовку, будут более предсказуемыми, обоснованными и понятными для граждан.

Повышение эффективности судебной системы

Инновационные методы обучения — от “виртуальных судов” до освоения технологий искусственного интеллекта — направлены на подготовку судей, способных эффективно реагировать на вызовы современности. Это позволит ускорить рассмотрение дел, обеспечить грамотное использование электронного судопроизводства и снизить уровень бюрократизма.

Стратегия “Узбекистан – 2030” предусматривает сокращение сроков судопроизводства и разгрузку судов. Академия, обучая будущих судей тайм-менеджменту, медиации и работе с ИТ-системами, фактически формирует управленцев, способных оптимизировать судебные процессы.

В перспективе это приведёт к повышению качества и скорости правосудия, сокращению накопленной нагрузки, внедрению новых форм работы — дистанционных заседаний, примирительных процедур и других инновационных решений. Кроме того, научно-исследовательская деятельность Академии обеспечит аналитическое сопровождение реформ: сбор и обработку статистических данных, выявление системных проблем, подготовку рекомендаций для совершенствования судебной практики.

Социально-экономический эффект и устойчивое развитие.

Независимая и эффективная судебная система является необходимым условием устойчивого развития страны. Эксперты отмечают, что успех судебной реформы способствует привлечению инвестиций, защите бизнеса и укреплению правового государства.

Академия правосудия, готовя высококвалифицированных судей, напрямую влияет на инвестицион-

ный климат: инвесторы и предприниматели доверяют странам, где суды справедливы, а судебные решения прозрачны и предсказуемы. Кроме того, сильные суды становятся надёжной опорой для защиты прав и законных интересов граждан, что способствует укреплению общественной стабильности.

Всё это — ключевые составляющие устойчивого развития, отражённые в стратегических целях Узбекистана к 2030 году. Академия фактически становится драйвером этих процессов, формируя кадровую основу для достижения целей верховенства закона, предусмотренных также в Целях устойчивого развития ООН.

Авторитет Узбекистана на международной арене.

Внедрение международных стандартов в деятельность Академии — через сотрудничество с ENCI, CEPEJ, Европейской сетью судебных школ и другими партнёрами — позволит национальной судебной системе интегрироваться в глобальное профессиональное сообщество.

Выпускники Академии смогут участвовать в международных конференциях, проходить стажировки за рубежом, обмениваться опытом с коллегами из других стран, что повысит престиж судебной системы Узбекистана. Страна, инвестирующая в подготовку своих судей по лучшим международным стандартам, воспринимается как надёжный партнёр, приверженный ценностям правового государства.

В перспективе Академия правосудия может стать региональным центром компетенций — площадкой не только для подготовки национальных и центральноазиатских судейских кадров, но и для распространения идей независимости и справедливости судебной власти в регионе.

Таким образом, Академия правосудия Республики Узбекистан призвана стать стратегическим институтом, который, объединяя национальный опыт и лучшие международные стандарты, будет обеспечивать подготовку независимых и высококвалифицированных судей, способных реализовывать на практике конституционный принцип подлинной независимости судебной власти.

## Список использованной литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан.
2. Закон Республики Узбекистан “О Высшем судебном совете Республики Узбекистан”.
3. Закон Республики Узбекистан “О судах”.
4. Краткосрочная Стратегия поднятия на качественно новый уровень судебной системы на 2023 — 2026 годы, утверждённая Указом Президента Республики Узбекистан от 16 января 2023 года № УП-11.
5. Стратегия “Узбекистан — 2030”, утверждённая Указом Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № УП-158.
6. Указ Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2025 года № УП-141 “О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия”.
7. Консультативный совет европейских судей (CCJE), Мнение № 4 (2003) “О надлежащей первоначальной и последующей подготовке судей национальном и европейском уровнях”.
8. “Назначение судей за рубежом” (аналитический обзор, Беларусь) — данные о системах подготовки судей во Франции, Германии, Австрии //e-sud.by.
9. Legal Training and Research Institute (Япония) — сведения о системе подготовки юридических кадров в Японии //en.wikipedia.org/en.wikipedia.org.

## СУДЬЯ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

*Халқимиз кенг кўламли ва чуқур ислохотлар туфайли барпо этилаётган Янги Ўзбекистонга хос давлатчилигимиз мазмун ва моҳиятини бойитадиган тарихан катта аҳамиятга эга бўлган амалий ишларнинг гувоҳи бўлиб турибди.*



**Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий судининг раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Демократик йўлдан жадал ривожланаётган Янги Ўзбекистоннинг Конституциясида инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган. Шунингдек, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Одил судловни таъминлаш судьялар корпуси салоҳиятига ва уларнинг мустақиллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг шахсан ташаббуслари билан Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини мустақамлаш, бунда судьялар корпусини шакллантириш, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига қатъий риоя этилишини таъминлашга масъул – судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Одил судлов академиясининг ташкил этилиши суд тизимини замонавий ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашда янги даврни бошлаб беради.

Ушбу Фармон одил судлов тизимининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан ижтимоий-сиёсий воқеалик бўлди. Дарҳақиқат, дастлабки босқичда Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда одил судлов сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш мақсадида Судьялар олий кенгаши ва унинг ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилиши жамиятимизда одил судловни таъминлашга қаратилган катта ютуқ бўлган эди.

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлсада, замон талабларидан келиб чиқиб судьяларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурияти вужудга келди. Хусусан, жаҳонда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган, хорижий тилларни биладиган ва халқаро ҳуқуқ нормаларини яхши тушунадиган судьялар корпусини шакллантиришга янгича ёндашув ҳамда илм-фан ва рақамли технологиялар ютуқларини жорий этиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармони билан суд тизимида замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган.

Фармонда судья кадрларни тайёрлаш тизими негизда том маънода одил судловнинг асосий мақсадлари бўлган ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини кафолатлашни

янада юқори даражага кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Зеро, судьяларнинг чуқур билим ва кўникмалар ҳамда илғор хорижий мамлакатлар тажрибасига эга бўлиши бевосита уларнинг касбий салоҳиятини оширади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалиштиришга хизмат қилади. Энг муҳими, юқори касбий малакага эга бўлган судья – одил судловни амалга оширишда адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципларини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Судьялар олий мактаби негизда Одил судлов академиясининг ташкил этилаётганлиги Судьялар олий кенгашига суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва судья кадрларни тайёрлаш борасида янада катта масъулият юклайди.

Айрим хорижий мамлакатлар амалиётида судья кадрларни тайёрлашда ханузгача ижро ҳокимияти ёки бошқа ҳокимият органларининг аралашуви кузатилади. Бу масалада Ўзбекистонда судья кадрларни тайёрлаш жаҳоннинг энг илғор тажрибаси асосида йўлга қўйилганлиги ва бу амалда ўз самарасини бераётганлигини таъкидлаш жоиз.

Судьялар олий мактаби негизда Одил судлов академиясининг ташкил этилиши суд тизимини салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш борасидаги узлуксиз ислохотларнинг мантикий давомидир. Мухтасар қилиб айтганда, судья кадрларни тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш, бу тизимни замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлайдиган масканга айлантириш давлат раҳбарининг кучли сиёсий иродаси маҳсулидир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ва кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланган Президентимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилган Стратегик дастурлар одил судлов тизимини янада демократлаштириш ва такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини аниглади.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг “давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деган сўзлари бевосита Асосий қонунда акс этган энг муҳим – Конституция ва қонуннинг устунлиги конституциявий принципнинг аҳамияти ва ўрнини белгилаб беради.

Давлатимиз раҳбарининг бу каби муҳим фармон ва қарорлари, конституциявий ислохотлар меваси сифатида халқимиз иродаси билан ҳаётимизга тадбиқ этилаётган “шахс – жамият – давлат” конституциявий тамойилига асосланган янги модел миллий қонунчиликка кенг сингдирилаётганидан далолат беради. Айни пайтда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосидаги “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадрлари – энг муҳим қадрият”, деган қонун судлов тизими фаолиятининг негизига жорий этиш, янги мазмундаги конституциявий тузумни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



**Убайдулла МИНГБОЕВ,**  
Ўзбекистон Судьялари  
Ассоциацияси раиси,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган юрист

## СУД ҲОКИМИЯТИДА ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

*Халқаро майдонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам одил судлов тизимини фаолият юритиб келаётганига ўтган йили 100 йил тўлди. Унгача суд ишларини шариат қоидалари асосида иш кўрадиган қозилар юритишган. Мана шу даврнинг қарийб етмиш йили марказдан бошқариладиган собиқ иттифоқ даврига тўғри келиб, мавжуд қонунларда биз ўзбекларнинг тарихий тараққиёти, миллий қадриятлари, умумжамият манфаатлари, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла-тўқис акс эттирилмаган эди. Шукр-ки, тўқсонинчи йилларнинг бошида миллий мустақилликка эришдик. Шундан сўнгра, халқчил, инсонпарвар ҳамда адолатни барқарор таъминлай оладиган миллий қонунларимизни ярата бошладик.*

Бироқ, шунда ҳам, судьялик лавозимлариға номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлаб оладиган, керак бўлса тайёрлайдиган, лавозимға тайинлайдиган, раҳбар судьялик лавозимлариға тавсия этадиган бирор-бир идора йўқ эди. Худди шунингдек, судьяларни тайёрлаб берадиган, уларнинг малакасини оширадиган таълим муассасаси ҳам мавжуд эмас эди.

Шахсан мен учун судьяларнинг мустақиллиги принципиға мувофиқ судьялар корпусини шакллантирадиган Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши орзу эди. Шу билан биргаликда кўп йиллардан буюн суд тизими учун таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашға қаратилган “Одил судлов академияси”ни ташкил этилишини ҳам хоҳлар эдим. Буни қарангки, орзуим давлатимиз раҳбарининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони орқали ушладиган бўлди. Юртимизда биринчи маротаба Судьялар олий мактаби негизида “Одил судлов академияси” ташкил этилди.

Умуман олганда Академияни ташкил этиш кун тартибида бор эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти тарихда биринчи маротаба 2017 йилнинг 13 июнь куни судьялар билан суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларға бағишланган очиқ мулоқот ўтказган эди. Ушанда давлат раҳбарининг судьяларни касбға тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришға қаратилган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақида билдирган таклифи қўллаб-қувватланган эди.

Қайд этиш лозимки, суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш мақсадида қабул қилинган Фармонда судьяларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Академия фаолиятини ташкил этиш ва унда самарали малака ошириш ва ўқитишнинг янгича услубларини татбиқ этиш асосий мақсад эканлиги эътироф этилди. Суд-ҳуқуқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш мақсадида суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларға эға юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишға алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, судьялик лавозимлариға номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлашнинг янги босқичға олиб чиқиш устувор йўналишлардан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

Мен амалиётчи оқсоқоллардан бири сифатида суд тизимида очиклик ва шаффофлики таъминланишида таъсирчан механизмлар жорий этилишини олқишлайман. Академияда бўлажак судьяларни мустақил, холис ва беғараз, қонунға таянган ҳолда адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришға қаратилган интерфол

ўқитиш услублари татбиқ этилишини бугунги куннинг талаби деб билламан. Чунки, Президентимизнинг адолат, адолат, яна бир бора адолат деган гапларини чуқур англаб етган ҳолда, айниқса Фармонда кўрсатилган одил судловни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббусларини амалға оширишда камарбаста бўлиши керак. Академияда таҳсил олаётган ёшларимиз, малакасини ошираётган судьяларимиз қатъиятли бўлиб, суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлашда фидойилик кўрсатиши лозим. Бунинг учун улар тартиб интизом билан масъулиятни сезиб ишлаши ва амалда ҳам шуни кўрсата билиши керак.

Академиянинг ташкил этилишидаги қувонарли яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндиликда судьялик лавозимига суд ихтисосликлари бўйича номзодларни тайёрлаш аввалгидек бир йилда эмас, балки олти ойлик курслар орқали амалға ошириладиган бўлди. Ўзи шундоқ ҳам ўттиз тўрт ёшға тўлган, етти йиллик меҳнат стажига эға бўлган олий маълумотли ҳуқуқшуноснинг қайтадан яна бир йил ўқишға жалб этилиши жараёнининг чўзилишиға сабаб бўлар, бу эса, олис ҳудудлардан келиб таҳсил олаётган айрим тингловчиларға бир оз қийинчиликлар туғдирар эди.

Хурсанд қиладиган яна бир томони таълим жараёни устоз-шогирд аёнана асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилиға мувофиқ ташкил этилаётганидир. Бугун, ҳам назарий илми мукамал эгаллаган, ҳам амалиётни ўзида мужассамлаштирган маҳоратли ўқитувчидан таҳсил олган бўлажак судья олти ойдан сўнг судьялик лавозимига тайинланса ҳеч қачон қийинчиликларға дучор бўлмаслиги табиий. Сабаби, у ўз вақтида амалиётчи устозларидан ҳар бир фактға қонунни қаердан топиб қандай қўллаи олишни мукамал даражада ўзлаштирган бўлади.

Бундан ташқари, яна ҳам яхши бўлгани суд фаолияти мутахассислиги бўйича 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичида ўқув жараёнининг кундузги таълим шаклиға кечки таълим шаклининг ҳам қўшилгани бўлди. Давлат органлари ва ташкилотларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган, аммо, магистратура босқичида ўқишни истовчилар кечки дастурлар орқали ўқиш имкониятиға эға бўлишди. Бу каби имкониятдан унумли фойдаланиш албатта ўз самарасини беради деб ўйлайман.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисға йўллаган Мурожаатномасида “Суд оstonасиға қадам қўйган инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганиға ишонч ҳосил қилиши керак” деган эди. Ўйлайманки, академияда таҳсил олган ёш ҳуқуқшунослар суд ҳоқимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини сақлаш муқаддас бурч эканлигини англаб етадилар. Бунинг учун улардан соҳаға оид билимларни мукамал эгаллашларини, мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштиришларини талаб қоламан. Шу билан биргаликда, соҳада хизмат қилиб келаётган касбдошларимни қонун устуворлигини таъминлаш борасида қатъият билан адолатни барқарорлаштиришда ва ҳар қандай ноҳўя ҳаракатларға нисбатан муросасиз бўлишға чақираман.

# ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ ТАРИХИДА ЯНГИ АКАДЕМИЯ: БОШ МАҚСАД – ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Бугунги кунда жуда кўплаб замонавий демократик давлатларда ҳокимиятнинг мустақил, ниҳоятда муҳим тармоғи ҳисобланадиган суд органларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини энг самарали ғимоя қилиш воситаси сифатида қаралади.**



**Акмал САИДОВ,**  
академик

БМТ томонидан глобал дунёни яхши томонга ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқилган Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг "Тинчлик, адолат ва самарали бошқарув"ни такомиллаштиришга бағишланган 16-мақсадида "барча инсонлар учун одил судловдан кенг фойдаланиш бўйича тенг, муносиб шароит ва имкониятларни яратиш" вазифаси қўйилганлиги замирида ҳам улкан маъно ётади.

Дарҳақиқат, энг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига киришни стратегик мақсад қилиб белгиланган Янги Ўзбекистонда ҳам одил судловни тўлақонли амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Кейинги қарийб ўн йилга яқин давр мобайнида Республикамизда инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг қонуний механизми сифатида одил судлов фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш, айниқса судьяларнинг салоҳиятини юксалтириш, адолатли, қонуний қарор чиқаришга қодир судьялар корпусини шакллантириш борасида мутлақо янги сифат босқичига ўтилди.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2025 йил 21 август куни имзоланган "Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-141-сон фармонининг қабул қилиниши бу соҳада янги бир даврни бошлаб берди.

Ушбу тарихий аҳамиятга эга бўлган Фармоннинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, суд соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги механизмини устувор мақсади этиб аввало, ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

иккинчидан, судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш, бўлажак судьяларда мустақил, ҳолис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

учинчидан, уларда юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларни шакллантириш, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш; тўртинчидан, замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш;

бешинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқув жараёни сифатини оширишга қаратилган идоралараро тажриба алмашиш, хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2025 йил 1 октябрдан бошлаб Академиянинг Судьялик лавозимларида номзодларни тайёрлаш олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахсларнинг эгаллаган лавозимлари бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойида лавозимидан озод қилинади ва уларга судья ёрдამчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади. Шунингдек, уларнинг касбий қай-

та тайёрлаш курсларига кириши учун Судьялар олий кенгаши томонидан ҳар бирининг бeнуқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилиги бўйича касбига муносиблиги ўрганилади. Албатта, соҳага малакали кадрлар тайёрлаш тизими шу тариқа давом эттирилса, бу ёндашув ўзини оқлайди.

Бундан ташқари, ҳужжатда касбга қайта тайёрлаш курсларида суд мажлисларини реал вақт режимда кузатиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконини берувчи "виртуал суд" машғулотлари жорий этилиши назарда тутилган. Шунингдек, ҳужжат талабига кўра, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилади. Зотан, бўлажак судьяга суд мажлисларини кузатган ҳолда судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконияти яратилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг ниҳоятда муҳим жиҳатларидан яна бири, бу — курсга қабул қилишда, яъни танловда психологик тестнинг киритилганлиги бўлди. Психологик тест бўлажак судьянинг ҳар хил вазиятларга тайёргарлигини, бардошлилигини аниқлаб беради.

Бундан ташқари, қабул имтиҳонларида чет тиллари бўйича синовнинг киритилганлиги эса судьяларнинг халқаро ҳуқуқий жараёнларда қатнашишга тайёргарлигини, қолаверса, чет эл адабиётларидан қай йўсинда самарали фойдалана олиш имкониятларини аниқлаб беради.

Ҳужжат талабига мувофиқ, якуний аттестация имтиҳони натижаларига кўра, курсни тамомлаган битирувчилар аризасига асосан бўш судьялик лавозимларига ўтказиладиган танловларда иштирок этади. Касбий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда "назария – амалиёт – имитация" тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилади.

Бундан ташқари, дуал таълимнинг моҳияти кенг, яъни бу тизим билим олувчига таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини беради. Бунда уларга мазкур муассасалардан устоз бириктирилади. Асосий мақсад – бўлажак судьяларга суд тизими учун малакали ҳамда замонавий касбий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва касбни эгаллашга кенг имконият яратишдан иборатдир. Бугунги кунда ушбу тизим Германия, Австрия, Швейцария ва Корея Республикаси каби мамлакатларда жуда катта ўрин эгаллайди.

Касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар деонтологик услубда ўтказилади. Бунда тингловчилар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатūra, суд-экспертиза ҳамда бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланади.

Касбий қайта тайёрлаш курслари якунига етгач, Судьялар олий кенгаши раҳбарлигида ташкил этиладиган идоралараро комиссия томонидан якуний аттестация имтиҳони ўтказилади ҳамда ундан муваффақиятли ўтган битирувчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади. Ва улар аризасига асосан бўш судьялик лавозимларига ўтказиладиган танловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланган фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш ҳар томонлама юксак салоҳиятли, Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар талабларига тўла жавоб берадиган судьялар корпусининг вужудга келиш имкониятини оширади.



**Алишер МАРДИЕВ,**  
I-даражали Давлат адлия  
маслаҳатчиси, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган юрист.

## МИЛЛИЙ СУД ТИЗИМИДА СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

*Ҳар бир давлатнинг қудрати, аввало, унда барча итоат этадиган тартиб-интизом ўрнатилгани, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мавжудлиги ва уларга изчил амал қилиш каби қатор мезонлар билан баҳоланади.*

Қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин, очик фуқаролик жамияти шароитида том маънодаги мустақил суд институтининг ўрни ва роли жуда муҳим. Табиийки, суд ҳокимиятининг амалда ҳақиқий суд бўлиши энг аввало судьялик лавозимига ҳар томонлама муносиб, юксак интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Ўз касбини ардоқловчи, билимли, тажрибали, фидойи ва садоқатли кадрлар ҳар қандай соҳада ҳам муваффақият гаровидир. Хусусан, одил судловни таъминлашга худди шундай кадрлар жуда зарур.

Тўғри, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган судьялар корпуси ҳақида илқ фикрлар билдириш мумкин. Лекин жуда кўп натижаларга эриштириш орқали эришиляпти.

Янги Ўзбекистонда одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш зарурияти мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилангани, бунда ўз навбатида, судья кадрларни тайёрлаш тизимини бу борадаги илғор халқаро андозаларга мослаштириш, таълим сифатини янги босқичга кўтаришни тақоза этади.

Айтмоқчиманки, соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш орқали суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 21 август кунини имзоланган “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон фармонининг қабул қилиниши Янги Ўзбекистонда суд тизими учун кадрлар тайёрлашнинг тубдан такомиллаштирилишига ҳуқуқий асос бўлди.

Фармонга кўра, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилди. Суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантириш Фармоннинг асосий мақсадидир.

Судьялар олий мактаби негизда Академия ташкил этилишини катта ва муҳим янгилик, деб ҳисоблайман. Академия Судьялар олий кенгаши ҳузурида фаолият юритувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган иктисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Унга Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ректор тайинланиши ўқув муассасасининг юксак нуфузини таъминлайди.

Бу ерда малакали профессор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилади. Ўқув ишлари билан бирга илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга бутунлай янгича ёндашув белгиланди.

Айниқса, судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, юқоридаги фармоннинг ижросини талаб даражасида таъминлаш учун, аввало, судья ва суд ходимлари зарур кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Академияда таълим жараёни “Устоз-шогирд” анъанаси асосида йўлга қўйилиши менга жуда маъқул бўлди. Устоз-шогирдлик масаласи ҳар қандай замон ва маконда ўзини тўла оқлаган. Устоз отангдек улуг, деган ибора бежиз айтилмаган, ахир. Ота фарзандни дунёга келтирса, устоз муайян касб маҳоратини шакллантиради, унинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Устоз кўрган шогирдлар ўз касбини тезроқ, осонроқ ва теранроқ ўрганади, нисбатан камроқ хато қилади. Шу ўринда, Академияга ишга жалб этилган судьяларнинг ишлаган вақти судьялик стажига қўшилишини оқилона ечим деб биламан.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилиши, қабул қилиш психология, чет тиллари ва суд ихтисослиги бўйича тест синовларини ўтказиш ҳамда ёзма имтиҳон ва якка тартибдаги суҳбатдан иборат танлов орқали амалга оширилиши ўта жиддий жараён бўлиши билан адолатли усул ҳамдир.

Академияда судья ва суд аппарати ходимларининг мажбурий малакасини ошириш тартиби жорий этилади. Бу тартиб мукамал ишлаб чиқилганлиги эътиборга молик.

Шу билан бирга, фаолият самарадорлиги рейтингининг паст кўрсаткичларига эга судьялар навбатдан ташқари малака ошириши, Олий суд томонидан белгиланадиган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича малака ошириш курслари ташкил этилиши, туман (шаҳар) ва вилоят судларининг тегишли раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларнинг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Комил ишонч билан айта оламаники, ушбу Фармон мамлакатимизда судьяларни тайёрлашнинг мутлақо янги даврини бошлаб берди. Президентимизнинг соҳага катта эътибор бераётганлиги бу фармонлар ижроси учун талаб этиладиган меҳнат ва катта маблағлар ижросида қафолат бўлишига ва унинг натижалари тезда кўзга ташланишига ишонаман.

Тизимнинг оғир синовли даврларининг гувоҳи сифатида соҳага бундай катта эътибор учун ҳамкасблар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

# ЯНГИ ТИЗИМ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Одил судлов тизими, аввало, юқори малакали ва виждонли судья кадрлар корпуси билан таъминлангандагина самарали фаолият юрита олади.**

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 августдаги "Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шу мақсадга қаратилган.

Президент фармони суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштиришга йўл очди.

Бу фармон таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган тарихий ҳужжат, десак муболаға бўлмайди.

– Судьялар олий мактаби фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилгани фармоннинг энг муҳим қисмидир.

Академия суд тизими учун кадрлар тайёрлайдиган асосий муассасага айлантирилди. Таълим жараёнида "устоз-шогирд" анъанаси, яъни "бўлажак судьяни судья ўқитади" тамойили жорий этилди.

Бу – амалда тажрибали судьяларни ва фахрий судьяларни жалб этган ҳолда ёш кадрларга билим ва кўникмалар бериш механизми демак.

Ушбу курслар давлат гранти асосида, суд ихтисосликлари, яъни жиноят, иқтисодий, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқ

йўналишлари бўйича ташкил этилади. Курсга қабул қилинган тингловчилар асосий иш жойи бўйича озод қилиниб (лавозими сақланган ҳолда) тўлиқ ўқишга жалб этилади ва уларга ҳар ой судья ёрдамчиси ойлик иш ҳақи миқдорида стипендия тўланади.

Бунинг аҳамияти шундаки, судьяликка номзодлар учун яратилган мазкур тизим уларни молиявий ва ижтимоий жиҳатдан кафолатланган ҳолда чуқур касбий тайёргарликдан ўтказиш имконини бериб, суд тизими учун юқори малакали ва мустақил фикрлайдиган кадрлар захирасини таъминлайди.

Бундай амалиёт Германия ва АҚШ каби давлатларда ҳам қўлланилади. Судьяликка номзодлар тайёргарлик даврида давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Чунки бу вазифа улардан бутун диққат-эътиборни талаб қилади.

Қабул жараёни янгича ёндашув асосида амалга оширилади. Аввало, Судьялар олий кенгаши томонидан номзодларнинг бениқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилиги бўйича касбига муносиблиги ўрганилади. Номзодлар психологик тестдан ўтади, чет тиллари ва суд ихтисослиги бўйича тест синовларини топширади, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги идоралараро комиссия томонидан ёзма имтиҳон ва яқка тартибдаги суҳбатдан ўтадилар.

Танловда муваффақият қозonganлар курсга қабул қилиниб, ўқишни муваффақиятли тугатгач, тегишли сертификат олади. Ушбу сертификат эгалари кейинчалик бўш судьялик лавозимлари танловларида иштирок этади.

Бу жараёнда психологик тестнинг киритилиши жуда муҳим. Чунки судья нафақат ҳуқуқий билимга, балки стрессга чидамлилиқ, эмоционал барқарорлик ва ички адолат ҳиссига эга бўлиши шарт. Чет тиллари бўйича синов эса судьяларнинг халқаро ҳуқуқий жараёнларда қатнашишга тайёргарлигини оширади. Шунга ўхшаш танлов тажрибаси Қозоғистон ва Латвияда ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг ижобий натижасини бераётгани эътироф этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фармонда белгиланган чора-тадбирлар орқали судья кадрларини тайёрлаш жараёни бир йўла бир нечта муҳим йўналишда тубдан янгиланди: кадрларни танлашда шаффоф ва холис механизмларнинг жорий этилиши, касбий тайёргарликнинг молиявий-ижтимоий кафолатлар билан таъминланиши, таълим жараёнида назария, амалиёт ва инновацион технологияларнинг узвий уйғунлашуви ҳамда деонтологик ёндашув асосида амалий кўникмаларнинг мустаҳкамланиши шулар жумласидандир.

Бундай комплекс моделнинг амалиётга татбиқ этилиши, аввало, юртимизда судьялар корпусининг янги авлоди – билимли, ҳалол, мустақил фикрлайдиган ва замонавий ҳуқуқий ёндашувларга эга кадрларни шакллантириш имконини яратади. Шу орқали одил судлов тизими нафақат ҳуқуқий давлатнинг, балки демократик жамиятнинг пойдевори сифатида янада мустаҳкамланади.

**Хусан КАЮМОВ,**

жиноят ишлари бўйича

Гулистон шаҳар судининг тергов судьяси.

*Ер юзида ҳаёлининг бир  
четида отаюрт тимсоли  
яшамайдиган бирорта ин-  
сон бормикан? У  
болалик пайтингда сар-  
пойчан соҳилларини бе-  
армон кезиб чиққан ўжар  
дарё бўлиши мумкин...  
Кўпинча дарё ёқасидаги  
кўлмакда вақ-вақ қилади-  
ган бақаларнинг товушини  
соғинасан, баъзан  
осойишта овул тинчлиги-  
ни бузиб вовуллайдиган ит  
товушини қўмсаб қоласан...  
Мухтор ШОХОНОВ*

# NEW STAGES OF REFORMING THE JUDICIAL-LEGAL SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**ABSTRACT:** *this article analyzes more advanced forms of the system for training, retraining, and advanced training of judges based on the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-141 dated August 21, 2025, "On Measures for the Fundamental Improvement of the System for Training Highly Qualified Personnel in the Sphere of Justice." This specialized higher educational and scientific institution - the Academy of Justice - will introduce six-month professional retraining courses for candidates for judicial positions based on state grants, as well as innovative methods such as testing, psychological assessment, "theory-practice-imitation" principles, and virtual court sessions. Special attention was also paid to measures such as a plan for advanced training courses for acting judges and court staff, special training of managerial personnel, and organization of master's programs at the academy. The article discusses the impact of the implementation of PD-141 on the judicial-legal system, the degree of its compliance with the principles of justice, and the problems of forming a professional judicial corps and ways to solve them.*

**Keywords:** *Academy of Justice; professional retraining courses; advanced training; master's program; virtual court; Presidential Decree No. PD-141; candidates for judicial positions; judicial and legal reforms.*

## Introduction

In recent years, fundamental reforms have been implemented in the judicial-legal sphere of the Republic of Uzbekistan. The priority areas of these reforms are ensuring the rule of law, strengthening the true independence of the judiciary, and improving the justice system in accordance with world standards. To this end, on August 21, 2025, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-141 "On Measures for the Fundamental Improvement of the System for Training Highly Qualified Personnel in the Sphere of Justice" was adopted.

This Decree was adopted in accordance with the priority tasks defined in the "Uzbekistan - 2030" Strategy, in particular, strategic goals such as ensuring the rule of law, guaranteeing the reliable protection of human rights and freedoms, and developing the judicial system in accordance with modern requirements. The Decree also prioritizes the formation of the judicial corps by ensuring the continuity of education, science, and practice, improving the qualifications of personnel, and introducing modern information technologies and artificial intelligence into judicial practice.

The Presidential Decree defines the improvement of training highly qualified legal personnel for the judicial system based on international standards, the formation of a professional judicial corps by ensuring the continuity of education, science, and practice as a priority goal. In particular, it is planned to develop in future judges the skills of independent and objective decision-making by training candidates for judicial positions, improving the qualifications of judges and court staff, retraining personnel for leadership positions, as well as introducing interactive methods into the educational process. The decree also includes developing effective mechanisms to combat corruption and ensure openness and transparency in the educational process, as well as developing the skills of judges and court staff in using modern information technologies and artificial intelligence.

These priorities are manifested in harmony with the goals defined in the "Uzbekistan - 2030" Strategy. In particular, in part 4.2 of the Strategy, ensuring the supremacy of the Constitution and laws, defining the reliable protection of human rights and freedoms as the main criterion of judicial and legal reforms is specifically noted. The strategy also defines such tasks as reducing the practice of imposing punishment in the form of imprisonment from 30 to 20 percent, increasing the possibility of performing some procedural actions remotely by at least two times, establishing effective judicial control over the activities of state bodies and officials, and fully introducing the principles of self-government of judges into the judicial system.

At the same time, the strategy defines specific target indicators, such as scoring 0.64 points on the Rule of Law Index of the "World Justice Project" and achieving 61.5 points in the Rule of Law direction for the Quality Indicators of Governance, which provide for the development of the judicial system in accordance with international criteria. The implementation of these tasks, in turn, depends on the system of training highly qualified personnel. In this regard, the Presidential Decree specifically emphasizes the need to bring personnel training to a qualitatively new level, study international experience, and implement advanced training programs.

The relationship between the Decree and the Strategy is manifested in the fact that while the Strategy defines general goals and objectives in the judicial-legal sphere, the Decree indicates the institutional and organizational mechanisms for implementing these tasks. For example, the strategy defines such goals as the widespread introduction of electronic document management, the digitalization of law enforcement activities, and the Decree sets the task of forming the skills of judges and court staff in the use of information technologies and artificial intelligence.

## Fundamental reform of the activities of the Higher School of Judges

By the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 21, 2025, No. PD-141, in order to introduce a completely new system for improving the qualifications of judges and training highly qualified personnel, the creation of the Academy of Justice of the Republic of Uzbekistan on the basis of the Sudyalar Higher School is envisaged.

The establishment of the Academy is an important step in bringing the system of training judges in line with international standards. The new institution will operate on the principle of "the judge trains the future judge," ensuring a harmonious combination of education and practice. This will allow us to revive the mentor-student tradition and convey to the younger generation the unique cultural and spiritual values of the judicial profession.

The Academy operates as a specialized state educational and research institution under the High Judicial Council with the status of a legal entity and is the legal successor to the High School of Judges in all its rights and obligations. The Academy is headed by a rector appointed by the President, and the status of the rector in terms of material support and working conditions is equivalent to the status of the Deputy Chairman of the Supreme Court.

At the same time, the Vice-Rectors of the Academy are appointed by the Rector in agreement with the Chairman of the High Judicial Council.



The teaching staff and employees working at the Academy are provided with wages, medical and transportation support, as well as other benefits established for Supreme Court judges and court staff. This expands the possibilities of combining scientific potential and practical experience in the educational process.

According to the decree, judges and persons equated to them, who are employed at the Academy, retain the conditions of judicial experience, benefits, medical and pension provision. Also, the period of their work at the Academy is included in the judge's experience. These measures will serve to widely involve highly qualified specialists in the educational process, ensure their social protection, and enhance the prestige of the industry.

The Chairman of the High Judicial Council is personally responsible for the effective organization of the Academy's activities. Also, the competence of the Chairman of the High Judicial Council included the right to award special ranks and class ranks to Academy employees.

The establishment of the Academy of Justice of the Republic of Uzbekistan is expected to bring the judicial system to a new professional, organizational, and scientific level, significantly improve the qualifications and professional culture of the judicial corps, and most importantly, strengthen the mechanisms for ensuring the rule of law and protecting human rights in the country.

At the suggestion of the High Judicial Council, the Supreme Court, the Ministry of Justice, and the Ministry of Higher Education, Science, and Innovation, the Academy of Justice was established on the basis of the Higher School of Judges. The Academy operates as a specialized state educational and research institution with the status of a legal entity under the High Judicial Council and is the legal successor to the High School of Judges. It has been determined that the academy's educational process will be organized according to the principle of "the judge trains the future judge" in accordance with the traditions of "mentor-student." The Rector of the Academy is appointed and dismissed by the President of the Republic of Uzbekistan upon the recommendation of the Chairman of the High Judicial Council. The working conditions, material incentives, medical and transport support of the rector are equated to the level of a Supreme Court Deputy Chairman. The Vice-Rectors of the Academy are also appointed and dismissed by the Rector in agreement with the Chairman of the High Judicial Council. The conditions of remuneration, material incentives, medical and transport support established for judges and employees of the apparatus of the Supreme Court apply to the teaching staff and employees of the Academy.

Another important aspect of the decree is the fundamental improvement of the system for training candidates for judicial positions. Starting October 1, 2025, candidates for judicial positions will be trained at the Academy's six-month professional retraining courses based on a state grant. During the training period, students are released from their main workplace and receive a stipend equal to the monthly salary of a judge's assistant. The admission process includes several stages: testing in psychology, foreign language, and judicial specialization, written examination, and individual interview. To ensure transparency in this process, testing will be conducted by the Knowledge and Skills Assessment Agency. At the same time, the High Judicial Council separately studies the integrity and professional reputation of candidates.

Professional retraining courses are organized in the form of dual training based on the principle of "theory - practice - imitation." Students will gain practical skills by undergoing internships in law enforcement agencies, advocacy, and forensic institutions. Also, classes on "virtual vessels" and lessons on the use of artificial intelligence technologies will be organized at the courses. Graduates who successfully pass the final assessment receive a certificate and the right to participate in competitions for vacant judicial positions. However, individuals who failed to complete the course

successfully or withdrew from the position of judge are required to return their scholarships received during their studies to the state budget.

The Academy will also become a center for improving the qualifications of judges and court staff. According to the decree, judges appointed for a five-year term must undergo advanced training every two years, judges appointed for a ten-year term must undergo advanced training every three years, and judges appointed for an indefinite term must undergo advanced training every three years. It is envisaged to introduce extraordinary advanced training courses for judges with low performance indicators. Employees of the court apparatus will undergo training at refresher courses once every two years. Judges who are in the reserve for leadership positions will also be required to undergo special courses lasting up to two months. Only those who successfully complete such courses can be appointed to leadership positions in courts. The processes of professional development of judges include not only theoretical but also practical exercises. In particular, it is planned to organize special courses on complex cases, create opportunities for real-time observation and analysis of court proceedings. This serves to improve practical skills.

The decree defines the introduction of master's programs at the Academy as another important step. Starting from the 2026/2027 academic year, a practical master's program will be organized in the field of "Judicial Activity." Training is carried out in full-time and evening forms and lasts one year. Graduates are awarded a state-recognized diploma. Admission parameters are approved annually by the High Judicial Council, and training is organized on a paid-contract basis. This will serve to ensure quality and competition in the training of judicial personnel.

In conclusion, it can be said that the Decree has fundamentally improved the system of training, retraining, and advanced training of judges. The establishment of the Academy of Justice, the use of modern tools such as virtual court and artificial intelligence in retraining courses, new procedures for improving the qualifications of judges, and the introduction of a practical master's program will undoubtedly raise the professional training of the judicial corps to a higher level. These reforms are aimed at improving the quality of justice, strengthening the independence of the judiciary, and strengthening citizens' trust in the court.

**Munisa RAYIMOVA,**

*Lecturer of Tashkent State University of Law  
The University of Sydney graduate*

## Reference list:

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия," No УП-141, 21.08.2025 г.
2. Стратегия "Узбекистан - 2030," Раздел IV "Обеспечение верховенства закона, организация государственного управления на службе народа," Часть 4.2.
3. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия," No УП-141, 21.08.2025 г.
4. Стратегия "Узбекистан - 2030," Раздел IV "Обеспечение верховенства закона, организация государственного управления на службе народа," Часть 4.2.
5. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия," No УП-141, 21.08.2025 г.
6. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия," No УП-141, 21.08.2025 г.
7. Abdullayeva, M. Sudyalarning kasbiy tayyorgarligi va malakasini oshirishning huquqiy asoslari // "Huquq va jamiyat" jurnali. – 2024. – №3. – B. 45–52.
8. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия," No УП-141, 21.08.2025 г.

# ДУАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СУДЕЙ

*В условиях стремительно меняющегося рынка труда и растущих требований к квалификации работников традиционные формы обучения всё чаще дополняются или заменяются инновационными моделями. Одной из таких моделей является дуальное образование — система подготовки кадров, сочетающая теоретическое обучение в учебных заведениях с практической работой на предприятиях.*

Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, неоднократно высказываясь в своих выступлениях о необходимости повышения уровня образования путём внедрения в систему обучения современных инновационных методов и технологий, указывал: “Теперь надо расширять дуальное образование и быстрее применять полученные знания на практике”.

Дуальное образование — это форма обучения, при которой студент одновременно проходит теоретическую подготовку в образовательной организации (школе, колледже, вузе) и получает практический опыт на базе компании или производства. Такой подход широко распространён в Германии, Австрии, Швейцарии, Российской Федерации, а в последние годы активно внедряется и в других странах, включая Республику Узбекистан.

В условиях цифровизации, технологических изменений и дефицита квалифицированных кадров, дуальное образование становится всё более актуальным. Государства начинают создавать нормативную базу, стимулируют участие бизнеса в образовательном процессе, а учебные заведения пересматривают свои программы в пользу гибкости и практичности. Исходя из этого постановлением Кабинета министров Республики Узбекистан от 25 января 2025 года утверждено “Положение о порядке организации дуального обучения в системе высшего образования”, в котором определены цели и основные задачи дуального обучения.

Целями дуального обучения в системе высшего образования установлены: укрепление теоретических знаний студентов; формирование у студентов практических навыков по изучаемому направлению подготовки (специальности); организация изучения студентами производственного (а также организационно-управленческого) опыта на предприятиях, независимо от их организационно-правовой формы; развитие профессиональных и творческих интересов студентов; обеспечение выпускников необходимыми практическими навыками и компетенциями для работы с современной техникой и технологиями; повышение конкурентоспособности студентов за счёт обучения на базе высшего учебного заведения и предприятия, а также внедрения

новых образовательных технологий в учебный процесс вуза.

Основными задачами дуального обучения в системе высшего образования являются: подготовка специалистов в соответствии с потребностями рынка труда, отраслей экономики и перспективами их развития; совершенствование социального партнёрства; обеспечение гибкости содержания и структуры образовательных программ вуза; создание достаточных условий для прохождения студентами профессиональной практики в производственной среде; предоставление студентам возможностей совмещать обучение и работу.

Следует отметить, что профессиональная подготовка судей не входит в программу обучения высших учебных заведений, в связи с чем указанное постановление Кабинета министров Республики Узбекистан не распространялось на обучение в Высшей школе судей при Высшем судебном совете Республики Узбекистан.

Указом Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2025 года “О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров в сфере правосудия” на базе Высшей школы судей при Высшем судебном совете Республики Узбекистан образована Академия правосудия Республики Узбекистан.

Указом Президента Республики Узбекистан установлено коренное совершенствование системы переподготовки судей, согласно которой:

курсы профессиональной переподготовки организируются в форме дуального образования на основе принципа “теория — практика-имитация” с обеспечением тесной связи навыков применения законодательства с практикой;

в целях формирования у слушателей курсов профессиональной переподготовки практических навыков практические занятия проводятся с использованием деонтологического метода. При этом обеспечивается непосредственное участие слушателей в деятельности соответствующих правоохранительных органов, адвокатуры, судебно-экспертных, прочих государственных органов и учреждений;

на курсах профессиональной переподготовки внедряются занятия “виртуальный суд”, предоставляющие



возможность наблюдения за судебными заседаниями в режиме реального времени и анализа процессуальных действий судьи, а также организовываются учебные занятия по использованию технологий искусственного интеллекта;

лица, получившие сертификат об успешном окончании курсов профессиональной переподготовки, на основании заявления принимают участие в проводимых конкурсах на вакантные должности судей.

Приоритетными целями внедрения новой системы подготовки квалифицированных кадров в судебно-правовой сфере определены:

создание системы подготовки всесторонне развитых, обладающих современными знаниями и необходимыми профессиональными навыками высококвалифицированных кадров для судебной системы;

внедрение программ, направленных на подготовку кандидатов на должности судей, повышение квалификации судей и работников аппарата судов, переподготовку судей, состоящих в резерве для назначения на руководящие должности, формирование профессиональной культуры судей у обучающихся;

применение в образовательном процессе интерактивных методов обучения, направленных на развитие у будущих судей профессиональных навыков самостоятельного, объективного, беспристрастного и справедливого ведения производства, опираясь только на закон;

внедрение действенных механизмов формирования высоких духовных и нравственных качеств у слушателей и студентов, противодействия коррупции, обеспечения открытости и прозрачности в образовательном процессе;

формирование у кандидатов на должности судей, судей и работников аппарата судов навыков применения на практике современных информационных технологий и возможностей искусственного интеллекта;

разработку научно обоснованных рекомендаций по научно-методическому обеспечению деятельности судов, проведению фундаментальных, прикладных и инновационных исследований, а также совершенствованию законодательства в судебно-правовой сфере;

межведомственный обмен опытом, направленным на повышение качества учебного процесса, а также установление эффективного сотрудничества с зарубежными образовательными и научно-исследовательскими организациями, специализированными на подготовке кадров юристов для судебной системы, в том числе подготовке кандидатов на должности судей и повышении квалификации судей.

В целях организации профессиональной переподготовки в форме дуального образования на основе принципа "теория - практика - имитация" с обеспечением тесной связи навыков применения законодательства с практикой и внедрения деонтологического метода практических занятий с обеспечением непосредственного участия слушателей в деятельности соответствующих правоохранительных органов, адвокатуры, су-

дебно-экспертных, прочих государственных органов и учреждений, вновь образованная Академия правосудия Республики Узбекистан разработала программы обучения слушателей курсов с учётом их специализации по каждому направлению судейской деятельности. Программа дуального обучения основана на том, что слушатели получают не только знания, но и навыки, которые требуются на конкретном рабочем месте. Это снижает разрыв между теорией и практикой, который часто наблюдается в традиционной системе образования.

Кроме того, дуальная система обучения содержит определённые требования к слушателям. Обучающиеся должны быть более организованными, так как совмещение теории и практики требует высокой самоотдачи.

С учётом этого, разработанная Академией правосудия программа обучения обеспечивает высокую мотивацию обучающихся. Будучи вовлечёнными в реальные процессы отправления правосудия, слушатели лучше понимают значимость получаемых знаний, а также быстрее осваивают профессиональные навыки. Работа в коллективе, соблюдение трудовой дисциплины, навыки коммуникации и ответственности - всё это также формируется в процессе реальной деятельности.

Необходимость тесного сотрудничества между Академией правосудия и соответствующими организациями, деятельность которых непосредственно связаны с отправлением правосудия, требует согласования с ними учебных программ, расписания, стандартов качества. В связи с этим на основании разработанных Академией правосудия учебных программ составлены расписания занятий на курсах подготовки на должности судей на весь шестимесячный срок обучения, в которых максимально синхронизированы темы теоретических занятий с практическими занятиями в соответствующих органах и учреждениях с указанием конкретных должностных лиц, ответственных за проведение практических занятий. Предварительная конкретизация и синхронизация указанных вопросов между Академией правосудия и соответствующими органами и учреждениями способствует эффективному осуществлению организации профессиональной переподготовки в форме дуального образования на основе принципа "теория - практика - имитация".

Дуальное обучение — это эффективный инструмент профессиональной подготовки судей, отвечающий современным формам образования. Оно требует усилий со стороны всех участников процесса, но в результате формирует квалифицированные кадры, готовые к реальной работе с первого дня после выпуска. В современных условиях именно такой подход может стать залогом успешной подготовки высококвалифицированных судейских кадров и совершенствования судебной системы

**Мухаматали НАЗАРОВ,**  
доктор философии по юридическим наукам, доцент



# СУД ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

*XXI асрда рақамлаштириш жараёнлари давлат бошқарувининг барча соҳаларига кириб келди. Айниқса, суд тизимида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятлари кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 21 августида қабул қилинган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда моддий-техника таъминотини яхшилашга оид миллий суд ислохотлари жараёнида янги босқични бошлаб берди.*

Фармоннинг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилар эканмиз, суд тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект (СИ) технологияларини жорий этиш орқали мамлакатимизда одил судловнинг янги даражасига чиқишни мақсад қилган. Унда куйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

- «Рақамли суд» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш, бу орқали суд жараёнларининг барча босқичларини рақамли платформага ўтказиш;
- суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан тўлиқ воз кечиш ва электрон тизимга ўтиш;
- суд жараёнларини сунъий интеллект ёрдамида автоматлаштириш, жумладан, суд харажатларини ҳисоблаш, баённома тайёрлаш, ҳужжат лойиҳаларини шакллантириш;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун интерактив электрон хизматларни кенгайтириш, масалан, онлайн аризаларни топшириш ва суд қарорларини масофавий кўриш;
- Судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш орқали уларнинг янги технологияларга мослашишини таъминлаш;
- Иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш, бу эса ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради.

Ушбу вазифаларнинг ижроси суд тизимининг умумий самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Сунъий интеллект технологияларининг судлар фаолиятига жорий этилиши туфайли суд муҳокамасининг тахминий натижасини башорат қилиш орқали тарафларга ўз ҳолатини олдиндан баҳолаш имконияти берилади, иш жараёнида ортиқча қоғозбозликка барҳам берилади, бу эса вақт ва ресурсларни тежашга олиб келади, шунингдек, реал вақтда суд баённомаларининг тайёрланиши суд жараёнининг тезлашувини таъминлайди ва суд ҳужжатларини автоматик шакллантириш имконияти қонунийлик ва самарадорликка олиб келади.

Фармонда белгиланган чоралар суд адолатини таъминлашда инсон омили таъсирини камайтириш, бюрократик тўсиқларни йўқотиш ва шаффофликни кучайтиришга хизмат қилади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида сунъий интеллект ва рақамли технологияларни суд тизимига жорий этиш амалиёти аллақачон муваффақиятли ишламоқда. Масалан, Хитойда интернет-судлар тижорат низоларини масофавий кўришда катта самара беряпти. Сунъий интеллект ёрдамида ҳужжатларни автоматик таҳлил қилиш ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш амалга оширилмоқда. Эстонияда электрон адлия тизими орқали фуқаролар суд жараёнини тўлиқ

онлайн кузатиши мумкин, бу шаффофликнинг юқори даражасини таъминлайди. Сингапурда эса сунъий интеллект алгоритмлари суд харажатларини ҳисоблаш ва низоларнинг тахминий натижаларини башорат қилишда фойдаланилади.

Ўзбекистонда ҳам мазкур тажрибалардан келиб чиқиб, миллий ҳуқуқий тизимга мослаштирилган “Рақамли суд” концепциясининг жорий этилиши аҳоли учун қулайлик яратади. Масалан, хорижий тажриба асосида онлайн суд муҳокамаларини ташкил қилиш фуқароларнинг вақти ва сарф-харажатларини тежашга имкон беради, шунингдек, пандемия каби ҳолатларда суд фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди.

Шу билан бирга суд тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш суд жараёнларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш масалаларида, сунъий интеллект қарорларининг ҳуқуқий кучини белгилаш, яъни сунъий интеллект томонидан тайёрланган ҳужжатларнинг қонуний ҳолатини аниқлаш ҳамда судьялар ва ходимларнинг рақамли технологияларга тайёргарлиги ва техник инфратузилмани замонавий даражада ташкил қилиш масалаларида қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Истиқболда ушбу муаммоларни ҳал этиш орқали суд тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одил судловнинг шаффоф ва самарали бўлишини таъминлаш мумкин. Масалан, киберхавфсизлик тизимларини кучайтириш ва ҳуқуқий нормаларни янгилаш орқали сунъий интеллектнинг амалий аҳамиятини ошириш мумкин. Бу жараён мамлакатимизнинг рақамли трансформациясини тезлаштиради ва глобал стандартларга мослаштиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, суд тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш Ўзбекистонда қонунийлик ва адолатни таъминлашда сифат жиҳатидан янги босқич ҳисобланади. Фармон орқали белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятини кенгайтиради, суд жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, мазкур жараён қонун устуворлиги таъминлини амалда таъминлаш ва демократик ҳуқуқий давлат куришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу Фармон “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг муҳим қисми сифатида мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимини замонавийлаштиришга хизмат қилади ва фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди.

**Ситора АБДУЛКОСИМОВА,**

*Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича  
Янгийул туманлараро суди судьяси.*

# ҲАЛОЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

**Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли фармони билан мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор Одил судлов академияси ташкил этилди.**

Одил судлов академиясида ўқув жараёнларини ташкил қилиш бўйича бир қанча устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий ўқув йилидан бошлаб бўлажак судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услублари таълим жараёнига татбиқ этилади.

Замонавий таълим назарияси шуни кўрсатадики, касбий малака ва кўникмаларни самарали шакллантириш учун оддий маъруза ёки назарий билимлар етарли эмас. Шу боис Академияда интерфаол методлар, яъни баҳс-мунозаралар, ҳолат таҳлили, суд жараёнларини имитация қилиш амалиёти, реал ҳаёт мисоллар асосида мустақил қарор қабул қилиш машғулоти, суд этикаси ва қонун устуворлигини англатувчи психологик-тренинг дастурлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда.

Бу ёндашув судьялик фаолиятида ниҳоятда зарур бўлган холислик, қонунийлик ва адолатли қарор қабул қилиш каби касбий фазилатларни шакллантиришга амалий таъсир кўрсатади.

Халқаро тажрибага тўхталадиган бўлсак, дунё амалиётида ҳам судьялар тайёрлаш жараёнида интерфаол услублар устувор ҳисобланади. Масалан, Франциядаги Миллий судьялар мактабида талабалар суд жараёнларини реал муҳитда ўрганиб, ўзлари суд жараёнларини уюштириш орқали ўз касбий малакасини мустаҳкамлайди.

АҚШ Федерал судьялар марказида судьялар мунтазам равишда ҳолат таҳлили ва амалиётга яқин машғулотларда қатнашади.

Япония Судьялар тайёрлов институтида талабалар нафақат назария, балки икки йил давомида амалий

интерфаол машғулотларда иштирок этиб, кейин судья сифатида фаолият бошлайди.

Бу тажрибалар Одил судлов академиясида йўлга қўйилаётган интерфаол таълим жараёнлари тўғри йўналишда эканини тасдиқлайди. Шундай экан Академияда интерфаол ўқитиш услубларини жорий этиш судьялар тайёрлашнинг сифатини оширади қонун устуворлигини таъминлайди, суд жараёнларида шаффофлик ва холисликни кучайтиради. Бу эса, мамлакатимизда суд тизими фуқароларнинг ишончига сазовор бўладиган, адолатли ва замонавий механизм сифатида ривожланишига хизмат қилади.

Фармонда белгиланган навбатдаги устувор вазифа бу — тингловчи ва талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш ҳисобланади.

Судьялик фаолияти фақатгина ҳуқуқий билимлар билан эмас, балки фуқаролик масъулияти, ҳалоллик ва беғаразлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, судьянинг шахсий хулқи ва маънавий фазилатлари адолатли судловнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу фазилатлар судьянинг қарор қабул қилиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, жамиятда суд ҳокимиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Шу боис, Академия таълим дастурларида нафақат ҳуқуқий билим бериш, балки ахлоқий етуклик ва инсоний қадриятларга садоқатни шакллантиришга қаратилган махсус интерфаол машғулотлар, тренинглар ва имитацияларни жорий қилмоқда.

Бундан ташқари, Академиядаги таълим жараёнида коррупцияга қарши курашга қаратилган махсус модуллар, ахлоқий ишлар таҳлили ва амалий машғулотлар ташкил этилиши орқали бўлажак судьяларда коррупцияга қарши шахсий иммунитет, ҳалоллик ва масъулият туйғуси шакллантирилади. Бу тажрибалар халқаро амалиётдаги замонавий стандартлар билан уйғун ҳолда миллий тизимга жорий этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги ташкил этилган Одил судлов академияси миллий суд тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш, малакали ва маънавий етук судьялар авлодини тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Жонибек БОБОЕВ,**

Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро  
маъмурий суди раиси.





# ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА

**ОДИЛ СУДЛОВ – жамият ва давлат ҳаётида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишнинг энг муҳим кафолати ҳисобланади. Шу боис суд институтига барча демократик давлатларда ва жамиятларда ҳокимиятнинг мустақил ва ниҳоятда муҳим тармоғи деб қаралади.**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфатларини суд органлари орқали таъминлаш Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, сўнгги 9 йил ичида суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Пировардида суд органлари ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам моҳият эътиборига кўра ҳам тубдан ўзгарди ва суд тизимида бир қатор янги тузилмалар вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони янги жамиятда амалга оширилаётган суд ислохотларининг мантиқий давоми сифатида суд тизими учун кадрлар тайёрлашнинг тубдан такомиллаштирилишига ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу Фармонга мувофиқ суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар, хусусан профессионал судьялар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилди.

Фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан миллий суд тизимимизда юксак салоҳиятли судьялар тайёрлашнинг аниқ мақсади ва механизмларини белгилаб бериш баробарида, унинг мутлақо янги бир даврини бошлаб берди;

иккинчидан, суд тизими учун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги демократик ислохотларга тўла жавоб берадиган юқори малакали судьялар тайёрлашнинг халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш имконини оширди;

учинчидан, замонавий суд таълимини, хусусан бунда илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришнинг янги тенденцияларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтди.

Фармонда белгиланган устувор вазифалар қаторидаги – судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масаласи бугунги трансформациялашув ва шиддатли глобаллашув жараёнларида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Айни пайтдаги амалиёт ва илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, рақамли ечимлар суд жараёнларининг тезкорлиги ва шаффофлигини оширади, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтиради.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 21 август куни имзоланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сонли Фармонда белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Мазкур Фармонда асосий мақсад сифатида белгиланган “суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш, “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш”, “фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контентларнинг электрон реестрини юритиш”, “судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш” сингари вазифалар ижросини таъминлаш ҳар жиҳатдан соат сайин тез ўзгараётган, шиддатли тус олаётган янги бир даврда, суд органлари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш имкониятини оширади.

Сўнгги йилларда сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш нафақат суд тизимида, балки барча соҳаларда ва бутун дунё миқёсида ҳам ҳар бир соҳа фаолиятини такомиллаштириш, бугунги кунга уйғунлаштириш борасида ниҳоятда муҳим янгилик ҳисобланади. Бундан одил судлов тизимида кенг фойдаланиш суд органлари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида келтириб ўтилган 2 та Фармонда назарда тутилган муҳим вазифалар биринчидан, Янги Ўзбекистон суд тизими учун одил судлов соҳасида юқори малакали, ҳар томонлама етук судья кадрлар тайёрлаш тизимининг тубдан такомиллаштирилишига ҳуқуқий асос бўлса, иккинчидан судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, рақамлаштириш ишларини изчил давом эттириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш имконини оширишга хизмат қилади.

**Хуршид УМАРОВ,**

жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг тергов судьяси.



# ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СУДЬЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИЧА МЕЗОНЛАРИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор Одил судлов академияси ташкил этилди.**

Одил судлов академиясида ўқув жараёнларини ташкил қилиш бўйича бир қанча устувор вазифалар белгиланган. Судьялик фаолиятимдан келиб чиқиб айтишим керакки, фармонда назарда тутилган “таълим жараёни устоз-шогирд анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” таъмоилига мувофиқ амалга оширилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, судьяликдек ўта масъулиятли вазифани бажаришнинг машаққатларини уни бошидан ўтказган инсонгина теран тушунади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб бўлажак судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услублари таълим жараёнига татбиқ этилиши амалиёт учун катта натижа бериши, шубҳасиздир.

Фармонда назарда тутилганидек, судья ва суд аппарати ходимларининг мажбурий малакасини оширишнинг қуйидаги янги тартиби жорий этилмоқда, унга кўра. беш йил муддатга тайинланган судьялар – ҳар икки йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган, ўн йил муддатга тайинланган судьялар – ҳар уч йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган, Олий суд судьялари, суд раислари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, муддатсиз даврга тайинланган судьялар – ҳар уч йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган, фаолият самарадорлиги рейтингининг паст кўрсаткичларига эга судьялар – навбатдан ташқари икки ҳафтадан кам бўлмаган, суд аппарати ходимлари (судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудирлари) – ҳар икки йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқитилади. Шу билан бирга амалдаги судьялар учун Олий суд томонидан белгиланадиган мурраккаб тоифадаги ишлар бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади, суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш Олий суднинг буюртмаси асосида режали, шунингдек, уларнинг хоҳишига кўра ихтиёрий амалга оширилади.

Шунингдек, туман (шаҳар) ва вилоят судларининг тегишли раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьялар давомийлиги икки ойгача бўлган раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитиладилар. Уларнинг ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб туради. Туман (шаҳар) ва вилоят судларида тегишли раҳбарлик лавозимларига, қоида тариқасида, фақат раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган судьялар тайинланадилар.

Бу эса, мамлакатимизда суд тизими фуқароларнинг ишончига сазовор бўладиган, адолатли ва замонавий механизм сифатида ривожланишига хизмат қилади.

**Бой бўлиш учун  
кўп нарсани қурбон  
қилиш керак: ҳа-  
ловат, саломат-  
лик, гоҳо балки  
виждонни ҳам...  
Йўқ, менинг бунга  
қурбим келмайди,  
мен унчалик ба-  
давлат эмасман.**

**Асқад МУХТОР**

**Нурбек РАХИМОВ,**

жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди раиси.



# СУДЬЯЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қўламдаги суд ислохотлари чуқур мантиқий изчилликка асосланганлиги ва бир-бирини тўлдириб бораётганлиги билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этмоқда.**

Бундан қарийб 10 йил олдин қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда суд тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш орқали суд органлари фаолиятини Янги Ўзбекистон, янги жамият талабларига мослаштириш ва шу тарика янги суд тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 21 август куни имзоланган “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармонининг қабул қилиниши юқорида айтиб ўтганимиз суд ислохотларининг мантиқий давоми сифатида Янги Ўзбекистонда суд тизими учун судья кадрларни тайёрлашнинг мутлақо янги бир босқичини бошлаб берди.

Мазкур Фармон билан айна пайтгача Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, унинг негизида Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида биринчи марта Одил судлов академияси ташкил этилди.

Фармонда алоҳида белгиланганидек, Академия Судьялар олий кенгаши ҳузурида фаолият юритувчи судьяларни ҳамда судлар аппаратлари ходимларини тайёрлашга ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган мамлакатимиздаги ягона давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Ва ушбу даргоҳда таълим жараёни “устоз-шогирд” анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Фармонга кўра, шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ 2025 йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилади.

Мана шу курсларга қабул қилинган мутахассисларнинг эгаллаган лавозимлари бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойида лавозимидан озод қилинадилар ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади, шунингдек уларнинг касбий қайта тайёрлаш курсларига киришлари учун Судьялар олий кенгаши томонидан уларнинг ҳар бирининг бенуқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилиги бўйича касбига муносиблиги ўрганилади.

Курсга қабул қилиш қуйдагилардан иборат танлов асосида амалга оширилади:

- психология,
- чет тиллари;
- суд ихтисослиги бўйича тест синовлари;
- ёзма имтиҳон;
- якка тартибдаги суҳбат.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда илк бор Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул жараёнлари янги талаблар асосида, жуда талабчанлик руҳида ўтди. Синов жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка ҳам етказилиб турилди. Бу эса синов жараёнларида очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик принципларига тўлақонли риоя қилинганлигига далил бўлади.

Таъкидлаб ўтилганидек, синов имтиҳонларининг барча босқичлари ташкил этилишида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга ҳамда инсон омили таъсирини йўқотишга янада кенгроқ эътибор қаратилди. Яъни, ҳар бир имтиҳон жараёнини ҳар қандай фуқаро бевосита кузатиб бориш имконияти яратилди.

Жумладан,

- идоралараро комиссия томонидан ўтказилаётган якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жараёнини барча номзодлар алоҳида махсус катта экран орқали ҳам эшитиб, ҳам кўриб туриш имкони берилди;

- тест синовлари Академия буюртмасига биноан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан амалга оширилди ва ушбу жараён You Tube ижтимоий тармоғи орқали онлайн трансляция қилинди;

- ёзма имтиҳон учун иншо мавзулари номзодлар томонидан шахсан танлаб олинди ва ёзма имтиҳон жараёни ҳам You Tube ижтимоий тармоғи орқали онлайн трансляция қилинди.

Бундан ташқари, номзодлар ўзаро бир-бирларининг синов имтиҳонларидан қандай натижаларга эга бўлганлигини кўриб, кузатиб бориши учун ҳар бир синов босқичи натижалари синов имтиҳони ўтказилган куннинг ўзида Одил судлов академиясининг расмий телеграм каналида эълон қилиб борилди.

Бундай янги талаблар асосида танлаб олинган бўлажак судьяларга энди Академияда янги ва замонавий ўқитиш усуллари, хусусан суд мажлисларини реал вақт режимида кузатиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконини берувчи “виртуал суд” машғулотлари жорий этилиши назарда тутилган, шунингдек ҳужжат талабига кўра, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилади. Зеро, бўлажак судья суд мажлисларини кузатган ҳолда унга судьянинг процессуал ҳаракатларини таълил қилиш имконияти яратилмоқда.

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, Академиянинг Касбий қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган мутахассислар юксак салоҳиятли, тафаккури кенг, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам талаб даражасида бир сўз билан айтганда, етук судьялар бўлиб етишади.

**Бегенч ЭШҚУВАТОВ,**

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси.



**Асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўргонига” айлантиришдан иборатдир<sup>1</sup>.**

**Ш.Мирзиёев**

## АДОЛАТ САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

**Судлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари учун ҳуқуқий ҳимоянинг таъсирчан воситаларини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини бузувчиларни жавобгарликка тортиш, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ ҳар қандай шахсга нисбатан ишнинг судда адолатли кўриб чиқилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.**

Суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантириш мақсадида, жорий йилнинг 21 август куни “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон имзоланди.

Хусусан, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Бу тарихий ўзгариш билан бир қаторда академиянинг янги штат бирликлари тасдиқланди, ўқув жараёнлари учун замонавий моддий-техника базаси яратилиши белгиланди, кадрлар тайёрлашда илмий-тадқиқот ва амалий фаолият уйғунлиги таъминланганлигини кўриш мумкин.

Фармонда белгиланган “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойили, аввало, судьялик касбининг ўзига хос табиатига тўлиқ мос

келади. Чунки судьялик — бу назарий билимларнинг ўзигина эмас, балки ҳаётий тажриба, одамлар тақдирига дахлдор масъулиятни ҳис қилиш, ҳаётий вазиятларда қонунни адолат мезонларига асослашиб қўллаш маҳорати ҳамдир. Айнан шу жиҳатлар кутубхонада ўқиб ёки лекция эшитибгина эгалланмайди, балки тажрибали судья билан бирга ишлаш жараёнида юзага чиқади.

Тингловчилар академияда таҳсил олиш жараёнида нафақат назарий билимларни мустаҳкамлайдилар, балки устоз судьянинг шахсий тажрибаларидан амалий билимларини чуқурлаштириш имкони бўлади. Масалан, суд жараёнида томонларнинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, муросага қақариш ёки суд мажлисидаги мураккаб вазиятларни адолатли йўл билан ҳал этиш каби кўпгина нарсаларни фақат тажриба орқали ўрганиш мумкин.

Бу тизимнинг энг катта самараси — келгусида судьяларимиз томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам қонуний, ҳам адолатли бўлишини таъминлашидир. Чунки қонунни билганнинг ўзи етарли эмас, уни адолат мезонлари билан уйғун ҳолда татбиқ этиш зарур. Шу боис устоз-шогирд анъанаси ёш судьяларнинг қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Суд тизимида ишонч масаласи жамият учун жуда муҳим. Фуқаро судга мурожаат қилганда, унинг адолат топишига ишонса — бу давлатнинг нуфузини кўтарувчи асосий омиллардан бирига айланади. Устоз-шогирд тизими амалга оширилиши эса айнан шу ишонч кучайтиради, чунки тажрибали судьялар тўплаган билим ва инсоний қадриятлар авлоддан-авлодга узатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу тамойил нафақат ўқув жараёнининг бир усули, балки давлат сиёсатининг узоқни кўзлаб қўйилган стратегик йўналиши сифатида қаралиши мумкин. Чунки у судьялар корпусини барқарор равишда кучайтириш, касбий меросни сақлаш ва энг муҳими, судья шахсиятининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, Президентимиз томонидан қабул қилинган мазкур фармон тизимда изчил татбиқ этилаётган одил судловни таъминлаш бўйича кенг қўламли ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланиб, судьяликка муносиб номзодларни танлаш, судьяларнинг малакасини ошириш жараёнининг янги босқичга кўтарилишига, юртимизда юқори малакали, ҳалол ва адолатли судьялар корпусини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб қўйилган аниқ мақсадли йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг изчил давом эттирилишига хизмат қилади.

**Акмал АКРАМОВ,**

фуқаролик ишлари бўйича Қумқўргон туманлараро судининг судьяси.

*Бизнинг дилхун ва шавкатли асримизда фараҳли ўтмишни қайтаришнинг сира иложиси йўқ. Магистрат арзандаларидан бўлмиш амалдор санъаткорлардан нолиб, афсус, билан гапирди. Улар ҳанузгача Майданакда нобуд бўлган 2 миллион шахидга муносиб ёдгорлик яратмаган эмишлар. “Бухенвальдда, Освенцимда ва бошқа жойларда аллақачон ёдгорликлар қўйилган дейишади. Бизда эса, бу ҳали хаёлга ҳам келгани йўқ”.*

**Ўлжас СУЛАЙМОНОВ**

# ОРЗУЛАР АМАЛГА ОШГАН КУН

*Жорий йил август ойининг сўнги ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди.*

*Кириш синовлари тўрт босқичдан, яъни психологик тест, чет тиллари (инглиз, француз ва немис тили) ва суд ихтисослиги бўйича тест синовларидан ҳамда Судьялар олий кенгаши томонидан ташкил этилган идоралараро комиссия томонидан ўтказилган ёзма имтиҳон ва якка тартибдаги суҳбатдан иборат бўлди.*

*Психологик тест Кенгашнинг “Психологик тест” ахборот тизимида ташкил этилиб, натижаси психолог мутахассислар томонидан баҳоланди ва талабгорнинг шахси кўрсатилмаган ҳолда текширилди.*

*Ихтисослик фани юзасидан тест синовлари саволлари суд йўналишлари (фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий йўналишлар) бўйича тузилди.*

*Ҳуқуқий мавзудаги иншо мавзулари олдиндан қабул комиссияси томонидан кенгаш ва академиянинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинди.*

*Камида 50 тадан иборат мавзулар ичидан талабгорлар иштирокида танланган 3 та мавзу бўйича иншо ёзилди. Ҳар бир мавзу юзасидан иншо 10 баллгача баҳоланди.*

*Суҳбат талабгорнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан, юриспруденцияга хос таълимотлар ва қоидалардан ҳамда ихтисосликка оид қонунчиликдан хабардорлигини, шунингдек унинг маънавий-маърифий дунёқараши доирасини аниқлаш мақсадида ўтказилди.*

*Ихтисослик фанидан тест синовлари давлат тилида бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги иншо ва суҳбат ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида ёзилишига шароит яратилди.*

*Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 29 августдаги қарори билан Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига 2025/2026 ўқув йили учун умумий қабул квотаси 164 та қилиб белгиланди. Шундан:*

*Жиноят ҳуқуқи йўналиши бўйича: 62 та;*

*Фуқаролик ҳуқуқи йўналиши бўйича: 60 та;*

*Иқтисодий ҳуқуқ йўналиши бўйича: 20 та;*

*Маъмурий ҳуқуқ йўналиши бўйича: 22 та.*

*Бундан ташқари юқоридагиларга қўшимча равишда, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан ҳужжат тақдим қилган талабгорлар учун ҳар бир йўналиш бўйича қўшимча 1 тадан жами 12 та ҳудудий квота ҳамда хотин-қизлар учун ҳар бир йўналиш бўйича қўшимча 3 тадан (жами 12 та) квота белгиланди.*

*Қуйида имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларнинг кечинмаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

**Расул БАҲОДИРОВ,**  
Одил судлов академиясининг жиноят ҳуқуқи йўналиши бўйича тингловчиси:



— Менда судья бўлиш истаги ёшлигимдан буён бўлган. Шунинг учун мен ҳам олий таълимда ўқишни якунлаганимдан сўнг ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларида — жумладан адлия тизимида, адвокатура ва ФХДЁ органларида ҳамда Мажбурий ижро бюросида ишладим. Керакли билим ва кўникмаларга эга бўлгач 2023 йил сентябрь ойидан ҳозирга қадар Сирдарё вилоят судининг судья катта ёрдамчиси вазифасида ишлаб келганман.

Шу йил судьяликдек шарафли касбни эгаллаш учун ҳужжатларимни вилоят судининг Малака ҳайъатига топширдим.

Ниҳоят 2025 йил 25 август куни биринчи имтиҳонни топшириш учун Одил судлов академияси биносида барча талабгорлар жам бўлдик. Бирин-кетин синовларни муваффақият билан топширдим ва натижаларни кута бошладим.

Энг ҳаяжонли онлар, яъни имтиҳоннинг барча натижалари эълон қилинган кун ҳам келди ва қабул қилинганлар рўйхатида 9-ўринда кириш синовларидан муваффақиятли ўтганимни кўрдим.

Бу кун бутун умр эсдан чиқмайдиган лаҳза сифатида ёдимда қолди. Бу нафақат менинг балки ота-онам, устозларим, дўстларим ва ҳамкасбларимнинг ютуғи деб биламан. Ота-онам ва устозларимни дуолари билан шу кунларга етишдим.

Судьянинг қалбида тозалик бўлмаса, қонун ҳеч қачон адолатга хизмат қилмайди. Судьялик — шарафли, лекин машаққатли касб. У жамиятнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мен бу касбни танлаш орқали нафақат шахсий орзуларимни рўёбга чиқармоқчиман, балки халқим, юртим олдидаги бурчни адо этишни, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашни мақсад қилганман. Мен учун судьялик — фақат касб эмас, балки ҳаётимнинг мазмунидир. Бундан кейин ана шу шарафли касбни эгаллаш учун бор кучим билан илм олишга ҳаракат қиламан.



**Искандар  
САДРИДДИНОВ,**

*Одил судлов академиясининг  
маъмурий ҳуқуқ йўналиши  
бўйича тингловчиси:*

— Одил судлов академиясига кириш имтиҳонлари очиклик ва шаффофлик асосида ўтказилди. Ҳар бир босқичда адолат мезонлари устувор бўлиб, номзоднинг назарий билимлари билан

бирга касбий тафаккури ва шахсий салоҳияти ҳам инобатга олинди.

Айниқса, ёзма имтиҳон иншо мен учун алоҳида аҳамият касб этди. Бу босқичда номзоддан ҳуқуқий билим билан бир қаторда, муаммони мустақил таҳлил қилиш, ҳуқуқий нуқтаи назардан ечим таклиф этиш, фикрни тиниқ ва мантиқий тарзда баён қилиш талаб қилинди. Бу эса билимни чуқурроқ намоён этиш ва ҳуқуқий масалаларга ҳолис ёндашиш салоҳиятини кўрсатиш имконини яратди.

Синовларга тайёргарлик жараёнида менда шаклланган кўникмалар тўғридан-тўғри суд тизимидаги фаолият билан боғлиқ, десам муболаға бўлмайди. Судья катта ёрдамчиси вазибаларини бажариш давомида турли хил мазмундаги низоларга оид суд жараёнларида иштирок этиш, процессуал суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари ва ҳуқуқий хулосалар устидаги амалий фаолият менда ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш салоҳияти, масъулият, касбий ёндашув ва пухта билим асосларини янада мустаҳкамлади.

Шу боис, назарий билим ҳамда кўникмалар билан бирга суд тизимидаги амалий тажрибанинг ҳам мазкур синовлардан муваффақиятли ўтишимда ҳал қилувчи аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Одил судлов академиясида таҳсил олиш мен учун фақат шахсий ривожланиш эмас, балки юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек юксак ва масъулиятли вазибаларга тайёргарлик жараёнидир. Академияда эгалланадиган билимлар — бу келажакда фақатгина касбий фаолият учун эмас, балки фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг тақдирига ва фаолиятига дахлдор қарорлар қабул қилишда тўғри ва ҳолис ёндашиш учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Менинг мақсадим — Академияда олинadиган билим ва кўникмаларни самарали ва тўлиқ ўзлаштириб, келгусида одил, ҳалол ва халқ ишончини қозонадиган судья сифатида Ватанимизга хизмат қилишдир.

Бугунги ислохотлар — бу шунчаки ташкилий ўзгаришлар эмас. Улар мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган изчил сиёсатнинг амалий ифодасидир. Одил судлов академияси эса бу йўлда нафақат таълим маскани, балки адолатли жамият пойдеворини барпо этадиган юксак малакали судьялар тайёрлаш марказига айланиши шубҳасиз.

**Озода  
ШАМСИДДИНОВА,**

*Одил судлов академиясининг фуқаролик  
ҳуқуқи йўналиши бўйича  
тингловчиси:*

— Ўзбекистон тарихида биринчи марта ташкил қилинган мазкур академиянинг касбий қайта тайёрлаш курсига кириш имтиҳонларида

мен ҳам иштирок этдим ва натижаларга кўра кириш синовларидан муваффақиятли ўтиб Академиянинг илк қалдирғочларидан бирига айландим.

Ёшлиқдан ҳуқуқшуносликка бўлган орзу сабабли мактаб давридаёқ тарих, ҳуқуқ, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Фан олимпиадаларида иштирок этдим. Тошкент юридик коллежини ҳам имтиёзли диплом билан тугатиб, Тошкент давлат юридик институтининг бакалавр ва магистратура босқичларида аъло баҳоларга ўқидим.

Шундан сўнг, турли ташкилотларда ўз соҳам бўйича ишладим. Амалиётда тажриба орттирдим. Олиб борган илмий изланишларим натижасида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлдим.

Шу вақтгача эришган ютуқларимга қарамай менда судья бўлиш орзуси тинчлик бермас эди. Шу мақсадда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига киришга тайёргарлик кўра бошладим.

Тўрт босқичда ўтган синовларда катта ҳаяжон билан иштирок этдим ва Одил судлов академияси тингловчилигига қабул қилиндим.

Судьялик — бу нафақат касб, балки юксак масъулият, адолат ва қонун устуворлигига садоқат билан хизмат қилишнинг тимсолидир. Бу йўл ўқиш, изланиш, тинимсиз ҳаракат, ҳалоллик ва юксак ахлоқий фазилатларга асосланади.

Судьялик касби доимий ўқиш ва изланишни талаб этади. Судья нафақат амалдаги қонунчиликни чуқур билиши, балки унинг доимий янгиланиб бораётган нормаларидан хабардор бўлиши керак. Академияда таълим “назария — амалиёт-имитация” тамойили асосида олиб борилади, бу эса бўлажак судьяларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.



**Севара БЕГМАТОВА,**

*Одил судлов академиясининг  
иқтисодий ҳуқуқ  
йўналиши бўйича  
тингловчиси:*

— Ҳаётда инсон йўлида турли синовлар учрайди. Айрим синовлар оддий, кундалик турмуш билан боғлиқ бўлса,

баъзилари инсонни ўзининг ички оламига қарашга, унинг етуклик даражасини баҳолашга мажбур қилади. Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига кириш имтиҳонлари учун ўтказилган имтиҳон мен учун ана шундай синовлардан бири бўлди. Бу жараён менга фақат билимларимни эмас, балки шахсий дунёқарашимни, ҳаётий тажрибамни ҳам синовдан ўтказиш имконини берди.

Танловнинг ҳар бир босқичи ўз ҳаётий рамзига эга эди. Суҳбат босқичи менга ҳаётимдаги ҳар бир мулоқотнинг қимматини эслатди. Чунки инсоннинг ички қиёфаси унинг сўзида, муомаласида, юз ифодасида намоён бўлади. Суҳбат жараёнидаги очиклик ва шаффофлик эса жамиятимизда адолатга интилиш борлигини яна бир бор англатди.

Иншо ёзиш босқичи эса қалбимга энг яқини бўлди. Судья маънавияти ҳақида фикр юритар эканман, мен идеал судья образини тасаввур қилдим. У – фақат қонунларга суяниб қолган оддий амалдор эмас, балки жамиятнинг инсоф ва адолатга бўлган эҳтиёжини юрагида ҳис этадиган шахс. Мана шу образ орқали мен англадимки, судья бўлиш фақат касб эмас, балки жамият олдидаги маънавий бурчдир.

Мутахассислик ва чет тилидан тест эса мени ўз устимдаги меҳнат самарасини баҳолашга ундади. Илм – бу инсоннинг энг ишончли қаноти. Агар инсон илм билан қурооланса, у ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олади. IELTS сертификати орқали топган кўникмаларим менга яна бир бор шундан далолат берди: билимга сарфланган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди.

Психологик тест эса бошқалардан фарқли равишда, мени ўзимга яқинлаштирди. Чунки, инсон ҳаётдаги кўпгина қарорларни фақат ақл билан эмас, балки қалб, тажриба ва ҳис-туйғулари билан ҳам қабул қилади. Саволларга жавоб берган пайтда англадимки, инсоннинг энг катта бойлиги – унинг ички барқарорлиги ва ўзини англаш қобилиятидир.

Бу тажриба мен учун нафақат имтиҳон, балки ҳаётий дарс бўлди. Чунки, ҳар бир босқичда мен ўзим ҳақимда кўпроқ нарсани кашф этдим: сўзларимдаги ишончни, фикрларимдаги мустақилликни, қалбимдаги инсофга бўлган садоқатни.

Танлов жараёнидаги талабгорларни кузатиб, мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдимки, юртимизда адолатга интилаётган, билимга чанқоқ, мустақил фикрлайдиган авлод вояга етмоқда. Уларнинг юзида келажакнинг нурини, огоҳ қадамларида эса Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кўрдим.

Шу маънода, ушбу танлов менинг шахсий ҳаёт йўлимда муҳим чорраҳа бўлди. У мендан фақат билим эмас, балки маънавият, масъулият ва адолатга садоқат талаб қилди. Мен эса бу тажрибани ҳаётимнинг навбатдаги босқичига йўл очган нурли синов сифатида қабул қиламан. Чунки, инсоннинг камолот йўли фақат билим билан эмас, балки руҳий етуклик ва маънавий қимматлар билан тўлдирилгандагина ҳақиқий қийматга эга бўлади.



**Зафар АМИРОВ,**

*Одил судлов академияси “Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

— Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилади. Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади. Шунингдек, касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади.

Академияда таълим жараёни “устоз-шогирд” анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилади.

Бу эса устоз судьянинг шахсий тажрибаларидан амалий билимларини чуқурлаштириш имкони демак. Масалан, суд жараёнида томонларнинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, муроасага чақириш ёки суд мажлисидаги мураккаб вазиятларни адолатли йўл билан ҳал этиш каби кўпгина нарсаларни фақат тажриба орқали ўрганиш мумкин.

Академия таълимининг энг катта самараси — келгусида судьяларимиз томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам қонуний, ҳам адолатли бўлишини таъминлашидир. Чунки қонунни билишнинг ўзи кифоя қилмайди, уни адолат мезонлари билан уйғун ҳолда қўлай олиш энг асосий муддаодир. Шу боис устоз-шогирд анъанаси ёш судьяларнинг қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу академиянинг ташкил этилиши тизимда изчил татбиқ этилаётган одил судловни таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланиб судьяликка муносиб номзодларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш жараёнларининг янги босқичга кўтарилишига, юртимизда юқори малакали, ҳалол ва адолатли судьялар корпусини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб қуйилган аниқ мақсадли йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг изчил давом эттирилишига хизмат қилади.

# ЦИФРОВОЙ СУД: БУДУЩЕЕ РЯДОМ

*Современное развитие информационно-коммуникационных технологий объективно затрагивает все сферы общественной жизни, включая правосудие. Указом Президента Республики Узбекистан УП-140 от 21 августа 2025 года "О дополнительных мерах по повышению уровня доступа к правосудию путем внедрения технологий искусственного интеллекта в деятельность судов, а также улучшению материально-технического обеспечения судебной системы" в Узбекистане планируется цифровизация судебных процессов, внедрение ИИ для прогнозирования исхода дел, а также оптимизация структуры экономических судов. Концепция "Цифровой суд" представляет собой стратегическое направление модернизации судебной системы, предполагающее внедрение искусственного интеллекта (ИИ) и цифровых сервисов для оптимизации судебной деятельности. В обществе подобные инициативы воспринимаются неоднозначно: часть специалистов видит в них новые возможности для повышения эффективности правосудия, другая часть — риски, связанные с заменой человеческого разума алгоритмом.*

Вместе с тем важно подчеркнуть, что "Цифровой суд" не означает передачу функций правосудия искусственному интеллекту. Его суть заключается в использовании технологий исключительно как вспомогательного инструмента, способного облегчить работу судей, адвокатов и участников процесса.

Ключевым элементом в концепции "Цифровой суд" является прогнозирование исхода судебного разбирательства. Это не означает, что ИИ будет решать исход определённого дела. В данном контексте ИИ осуществляет обработку информации, проводит анализ действий: например, судебной практики, законодательства, правоприменительных тенденций.

На основе анализа формируется прогноз вероятного исхода дела и примерных расходов на процесс.

Такой инструмент позволяет сторонам адекватно оценить перспективы и взвешенно принимать решение о подаче иска.

При этом важно понимать и помнить, что окончательное решение по делу принимает судья, который несёт ответственность за его законность, справедливость и обоснованность.

Также "Цифровой суд" подразумевает автоматическое формирование проектов судебных актов. А именно, системы ИИ могут подготавливать проекты судебных актов.

Данная функция экономит время и снижает нагрузку на судей, позволяя сосредоточиться на сущности спора.

Несмотря на очевидные преимущества, реализация концепции "Цифровой суд" сопряжена с рядом существенных рисков и вызовов, требующих тщательного анализа и правового регулирования.

Возникает вопрос: не будут ли граждане воспринимать алгоритмический прогноз как гарантию исхода дела. Между тем судебное решение всегда индивидуально и зависит от множества факторов, включая оценку доказательств.

Кроме того, особое внимание требует конфиденциальность и защита данных, то есть обработка больших массивов персональной и коммерческой информации требует надёжных гарантий её защиты.

Особенно важно отметить, что есть необходимость сохранения роли судьи как основного субъекта правосудия, ИИ не должен подменять судью в вынесении решений, поскольку только человек способен обеспечить баланс между буквой закона и принципами справедливости.

А также, необходимо повышать уровень цифровой грамотности участников процесса.

В целом, можно сделать вывод, что концепция "Цифровой суд" — это не механическая замена судей алгоритмами, а современный этап эволюции правосудия. Искусственный интеллект призван выполнять вспомогательные задачи: прогнозировать перспективы, упрощать документооборот, готовить проекты актов. Однако, исключительное право вершить правосудие остаётся за судьёй, который оценивает доказательства, применяет право и выносит решение.

Таким образом, цифровизация судебной системы должна рассматриваться как инструмент повышения её эффективности и прозрачности, но при сохранении фундаментальных принципов: независимости суда, состязательности процесса и верховенства права.

## Внедрение концепции "Цифровой суд" позволит:

- повысить доступность правосудия за счёт онлайн-сервисов и снижения бюрократических барьеров;
- экономить время и ресурсы сторон;
- унифицировать судебную практику;
- обеспечить прозрачность и открытость процесса для граждан и организаций.

**Нозима ЗАХИДОВА,**  
управляющий АФ "Lawtax Litigation".

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА КЎРИШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН АЙРИМ ХАТОЛАР ТАҲЛИЛИ

**АННОТАЦИЯ:** мақолада жиноят ишларини биринчи инстанция судида кўриш жараёнида йўл қўйиладиган айрим процессуал ва моддий ҳуқуқий хатолар таҳлил қилинган. Муаллиф суд амалиётида учрайдиган типик камчиликлар — далилларни нотўғри баҳолаш, процессуал қоидабузарлик, суд қарорларини асослашдаги нуқсонлар ва айблов ҳамда Ҳимоя томонларининг ҳуқуқларини таъминлашдаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратган. Мақолада амалдаги қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти таҳлил қилиниб, хатоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган. Ушбу таҳлил жиноят судлови самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли Ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** суд, прокуратура, тергов, хато, процессуал, статистика, адолат, ҳуқуқ, қадр-қиммат, айбсиз.

Жиноят ишларини судда кўриб чиқиш - суд адолатини амалга оширишнинг энг масъулиятли ва мураккаб босқичларидан биридир. Айниқса, биринчи инстанция суди - айбланувчи шахс тақдири ҳал этиладиган дастлабки ва асосий поғона ҳисобланади. Шу боис, ушбу босқичда йўл қўйиладиган хатолар айбсиз шахсни жазолаш ёки айбдорни оқлаш билан чекланиб қолмасдан, умумий адолат тизимига бўлган ишончга ҳам путур етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайти маълумотига кўра 2024 йилда 77 995 шахсга нисбатан 61 481 жиноят иши кўрилган. Шундан 723 нафар шахс оқланган, 61 502 нафар шахслар судланган<sup>1</sup> яъни, жазо тайинланиб ҳукм чиқарилган ёки шартли ҳукм қилинган. 14 991 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган ёки қайта малакаланган.

Мазкур маълумотлардан кўринадики, 14991 нафар шахснинг адолатли судловга бўлган ҳуқуқи бузилган, бу шахслар уч ой суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида сўроқ қилинган, юзлаштирилган, гувоҳлантирилган, айб эълон қилинган ва бошқа тергов ҳаракатлари олиб борилган. Натижада эса, айбсиз бўлиб чиқаяпти ёки бошқа айб қўйилаяпти.

Айбсиз шахснинг айбдор деб топилиши ҳар қандай демократик жамиятда суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончни сўндиради. Адолат тамойилларига кўра, ҳар қандай шахс унинг айбсизлиги суд орқали қонуний ва асосли тарзда исботланмагунча, айбсиз ҳисобланади. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни<sup>3</sup>, Жиноят-процессуал кодекс<sup>4</sup> ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро норма<sup>5</sup>ларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Бироқ амалиётда айрим ҳолатларда далиллар етарли эмаслиги ёки тергов жараёнидаги процессуал камчиликлар туфайли айбсиз шахслар ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилиб, айбдор деб топилиши мумкин. Бу каби ҳолатларда нафақат шахснинг эркинлик ҳуқуқига, балки унинг шаъни, қадр-қиммати, оилавий ва ижтимоий ҳаётига ҳам жиддий зиён етади.

Масалан, шахс далиллар етарлича текширилмасдан, гувоҳлик кўрсатмалари билан бир томонлама баҳолашиб, айбдор деб топилса, бу инсоннинг адолатли судлов, ўзини Ҳимоя қилиш ҳуқуқи, ҳамда айбсизлик презумпцияси каби асосий конституциявий ҳуқуқлари бузилади.

Шунингдек, 2024 йилда биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

Апелляция тартибида 11 992 нафар шахсга нисбатан 8 740 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 482 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар

бекор қилиниб, 2598 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Ёки кассация тартибида 4 497 нафар шахсга нисбатан 4 025 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 322 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилинган ва 1001 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Тафтиш тартибида 5 993 нафар шахсга нисбатан 5 048 та жиноят иши кўриб чиқилган ва 172 нафар шахсга нисбатан қуйи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 700 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибида 1 269 нафар шахсга нисбатан 1 103 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 163 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилинган ва 281 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган<sup>6</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган 1139 нафар шахсга нисбатан бекор қилинган ва 4580 нафар шахсга нисбатан ўзгартирилган ҳукмлар бўйича жиноят ишларининг барчаси юқорида айтганимиздек биринчи инстанция судларида кўриб чиқилган ишлар ҳисобланади. Шу 1139 нафар ноҳақ айбланган шахснинг орқасида оиласи, фарзандлари ва ота-оналари турибди. Бу инсонлар руҳиятига етказилган маънавий зарар ва азоб-уқубат шунчалик чуқурки, унинг аниқ ўлчови йўқ — бу баҳолаб бўлмас азобдир.

Суд адолатини таъминлашда биринчи инстанция судларининг ўрни муҳимдир. Чунки айнан мазкур босқичда иш юритиш жараёнида фактлар ўрганилади, далиллар баҳоланади ва якуний қарор қабул қилинади. Биринчи инстанция судларида йўл қўйиладиган процессуал ёки моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ҳолатлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига, адолатсиз суд қарорларининг қабул қилинишига олиб келиши аниқ. Шу боис, ушбу хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўриш долзарб аҳамият касб этади.

Суд қарорларининг бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки қўшимча тергов ҳаракатларини олиб бориш учун прокурорга (ЖКнинг 416-417-моддаларига кўра) қайтарилишига қуйидаги процессуал қоида бузишлар, хато ва камчиликлар сабаб бўлади:

**1. Процессуал қоидаларга риоя этмаслик:** масалан, айбланувчининг Ҳимоя ҳуқуқи тўлиқ таъминланмасдан суд муҳокамаси олиб борилса ёки Ҳимоячи иштирок этмасдан суд жараёни ўтказилса, бу айбланувчининг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлигини билдиради. Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари<sup>7</sup> талабига мувофиқ ҳар бир айбланувчи Ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқнинг таъминланмаслиги чиқарилган ҳукм бекор қилинишига асос бўлади.



**2. Иsobтлаш стандартларига риоя қилмаслик:** масалан, суд томонидан далиллар етарли даражада текширилмасдан ва баҳоланмасдан ҳукм чиқарилиши ёки гумон остидаги шахснинг айбини тасдиқловчи аниқ, ишончли ва қонуний далилларсиз суд қарори қабул қилиниши. Бунинг ҳуқуқий таҳлили сифатида жиноят ишини кўриб чиқишда "айби исботланмаган шахс оқланади" деган қоида амал қилади. Иsobтлаш юки айблов томонга юклатилган. Агар шубҳалар бартараф этилмаса — шубҳа айбланувчи фойдасига талқин қилинади.

**3. Судлов тартибини бузиш:** Суд жараёнида ҳолислик таъминланмаслиги ёки тарафларнинг сўзи тингланмасдан қарор қабул қилиниши. Очiq суд муҳокамаси, тарафларнинг тенглиги ва ҳолис суд — судловнинг асосий принципларидир. Агар тарафлар ўз фикр ва далилларини эркин баён эта олмасалар, суд адолати бузилади.

**4. Қонуний далиллар ўрнига норасмий маълумотлардан фойдаланиш:** Суд томонидан шубҳали ва қонуний тарзда йиғилмаган далиллар, яъни номақбул далиллар асосида ҳукм чиқарилиши (масалан, процессуал расмийлаштирилмаган гувоҳ сўроғи ёки қонуний асосларсиз олинган аудиоёзувлар, воқеа жойини кўздан кечириш, далилий ашёларнинг этибордан четда қолиши ва ҳ.к.). Фақат процессуал талабларга риоя қилинган ҳолда йиғилган далилларгина суд муҳокамасида қўлланилиши мумкин. Бошқача ҳолатда номақбул далил айбловни тасдиқлаш учун асос қилиб олинганда ҳукм бекор қилинади ёки иш қайта кўриб чиқилади.

Масалан: Жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига кўра, А. ҳамда Х. Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисмининг "и" банди билан 3 йил озодликини чеклаш жазосига судланган. Апелляция инстанцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг ажрими билан ҳам суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. ва Х кечки соат 22:30ларда Ю. билан ўртасида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида уни уриб, ўртача оғир даражадаги тан-жароҳати етказган деб айб қўйилган<sup>8</sup>.

Ваҳоланки, марказий тиббиёт бирлашмаси ва "D" клиникасининг касаллик тарихи кўчирмасида ҳам Ю.да курак суяги синиши билан боғлиқ тан жароҳати мавжудлиги кўрсатилмаган. Воқеа содир бўлганидан 10 кун ўтганидан сўнг, хусусий клиникада МРТ текширувидан ўтказилганда, Ю.га "ўнг курак суяги бўйинчаси пастки қисмининг ёпик майдаланиб қисман синиши" ташхиси қўйилган. Эксперт биргина ушбу тиббий маълумотномани экспертиза учун асос сифатида олиб, Ю.га ўртача оғирликда тан жароҳати етказилгани ҳақида хулоса берган ҳамда хулосасида Ю. ушбу тан жароҳатини зинадан йиқилганда олганини кўрсатган.

Бироқ, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳолат содир бўлган жойда зина борлиги қайд этилмаган бўлиб, зина борлигини кўрсатуви бирор-бир далил аниқланмаган.

Тафтиш инстанцияси судида жабрланувчи Ю. ҳам воқеа содир бўлган жойда ҳақиқатдан зина бўлмагани, тан жароҳатини айнан жанжалда олганини аниқ айта олмаслиги, чунки у ушбу воқеа содир бўлганидан сўнг футбол ўйнагани ва ўйин жараёнида йиқилгани сабабли ушбу тан жароҳатини ўшанда олган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида кўрсатув берган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази мутахассиси фикрида, тиббий экспертиза жараёнида қонун талаблари ва экспертизаларни ўтказиш юзасидан амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 01.06.2012 йилдаги "Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд тиббий аниқлаш қоидалари" талабларига риоя қилинмагани қайд этилган.

Бундай ҳолатда судга оид тиббий экспертизанинг хулосасини асосли, жиноят содир этганини тасдиқловчи далил сифатида ишончли

ва мақбул деб бўлмайди. Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ҳукмига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, А. ва Х. Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисмининг "и" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилиб, оқланган.

Мазкур жиноят ишининг батафсилроқ келтирилишига сабаб, эътибор берадиган бўлсак мазкур ҳолат бўйича жиноят иши биринчи инстанциядан то тафтиш инстанциясида кўрилиб шахс оқлангунга қадар бир йилу ўн ой вақт ўтган. Шу вақт давомида икки нафар шахснинг ҳуқуқи, эркинлиги, манфаати, шаъни, кадр-қиммати поймол бўлган деб ҳисоблашга асос етарли. Бундай мисолларни юқорида келтирилган 1139 нафар шахснинг жиноят иши бўйича ҳам келтириш мумкин.

**5. Жиноят квалификациясидаги хатолар:** Айбланувчининг қилган ҳаракати енгил жиноят бўлса-да, оғир жиноят сифатида баҳоланиши ёки аксинча. Жиноят кодексида ҳар бир ҳаракатнинг ҳуқуқий тавсифи (квалификацияси) аниқ белгиланган. Нотўғри квалификация — жазонинг мутаносиб бўлмаслигига ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

Бундай ҳолларда жабрланган шахс суд орқали давлатдан реабилитация талаб қилиш, маънавий ва моддий зарар учун компенсация олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, жиноят иши қайта кўриб чиқирилиши, адолат қарор топиши ва айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция судларида йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун қуйидаги чоралар тавсия этилади:

1. Судьяларнинг малакасини ошириш, биринчи навбатда, уларнинг ҳуқуқий билимларини мунтазам равишда янгиллаб бориш ва замонавий қонунчиликдаги ўзгаришлар билан таништириш муҳим.

2. Суд амалиётининг ягона тизимини таъминлаш. Амалдаги суд қарорлари бир хилда ва изчил қўлланилиши лозим. Бундай ёндашув адолат принципларига хизмат қилади.

3. Суд процессида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш. Бу жараён суд пайтида шаффофликни ошириб хатолар эҳтимолини камайтиради.

4. Ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш. Электрон судлов тизимларидан фойдаланиш орқали процессуал хатолар ва инсон омили таъсирини камайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак биринчи инстанция судларида йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш — суд ҳокимиятига бўлган ишончли мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу борадаги ислохотлар изчил ва тизимли тарзда олиб борилиши, ҳар бир судья, ҳар бир суд органи ўз масъулиятини тўла англаб етиши лозим. Шу сабабли, судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва адвокатлар ўз вазифаларини виждонан ва қонун доирасида бажаришлари шарт. Адолат — бу фақат қарор эмас, балки жараённинг ўзидир.

**Хушвақт ҚУРБОНОВА,**

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайти <https://stat.sud.uz/criminal>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Адолат. Т-2023. 28-модда Б-17.
3. <https://lex.uz/docs/55349235536858>
4. <https://www.lex.uz/acts/111460>
5. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайти <https://stat.sud.uz/criminal>
7. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
8. Суднинг электрон база маълумотларидан.

# ҚИЗИЛ БИОТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

*Биотехнология соҳасининг ривожланиши XXI аср иқтисодий ва ижтимоий трансформациясининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу соҳа тирик организмлар ва уларнинг биологик жараёнларидан фойдаланиб инсон ҳаётини яхшилаш, иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилиш мақсадида янги маҳсулот ва технологиялар яратишга қаратилган фан, технология ва ишлаб чиқаришни бирлаштирадиган замонавий соҳа ҳисобланади. Ўз навбатида, замонавий биотехнология соҳаси бир нечта йўналишларга бўлинади: оқ биотехнология (саноат биотехнологияси), яшил биотехнология (қишлоқ хўжалиги биотехнологияси) ва қизил биотехнология (тиббиёт ва фармацевтика биотехнологияси). Ушбу ҳар бир йўналиш юқори этик ва ҳуқуқий масъулият талаб этади.*

Асосий замонавий биотехнология йўналишларидан бири ҳисобланган қизил биотехнология – тирик организмлар ва уларнинг биологик жараёнларидан инсонлар ва ҳайвонлар учун тиббий маҳсулотлар, дорилар, диагностика воситалари ва терапевтик усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тармоғи ҳисобланади. Бу соҳанинг интердисциплинар характери уни бошқа биотехнология йўналишларидан ажратиб туради ва товар белгилари нуктаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади, чунки бу ерда интеллектуал мулк ҳуқуқлари нафақат тижорат манфаатларини, балки инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳам ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Биотехнологиянинг умумий таърифида кўрсатилган иқтисодий ривожланиш мақсади қизил биотехнологияда айниқса яққол намоён бўлади. Маълумотларга кўра, 2024 йилда глобал қизил биотехнология бозори ҳажми 546,59 миллиард долларни ташкил этган ва 2030 йилга келиб 997,74 миллиард долларга етиши башорат қилинмоқда<sup>1</sup>. Бу бозор 10,5% йиллик ўсиш суръатига эга.

Ушбу соҳанинг юқори иқтисодий потенциали унинг интердисциплинар характеридан келиб чиқади - фан, технология ва ишлаб чиқаришнинг интеграллаштирилиб, инсон ҳаётини яхшилаш мақсадида инновацион маҳсулотлар яратилади. Тадқиқотларга кўра, қизил биотехнология компаниялари йилига катта ҳажмдаги R&D (research and development-тадқиқот ва ривожланиш) инвестицияларини киритади<sup>2</sup>. Бу катта инвестициялар интеллектуал мулк, жумладан товар белгилари ҳимоясининг аҳамиятини янада оширади, чунки компаниялар ўзларининг илмий ютуқларини ва инновацияларини, хусусан брендларини ҳимоя қилишга муҳтож саналади.

Жаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти товар белгисини товарлар ёки хизматлар манбаини кўрсатувчи ва бир корхонанинг товарларини бошқа корхона маҳсулотларидан фарқлаш имконини берувчи белги деб таърифлайди<sup>2</sup>. Бу таъриф қизил биотехнология маҳсулотлари учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Қизил биотехнология контекстида товар белгилари нафақат тижорат идентификатори, балки бемор хавфсизлигини таъминловчи муҳим восита вазифасини бажаради. Зеро, бир хил ёки ўхшаш кимёвий таркибга эга бўлган маҳсулотларни фарқлаш зарур бўлади.

TRIPS битимининг 15-моддаси товар белгиларининг асосий стандартларини белгилайди<sup>3</sup>. Бу моддага кўра, ҳар қандай белги ёки белгилар комбинацияси, агар у товарлар ва хизматларни фарқлаш қобилиятига эга бўлса, товар белгиси сифатида рўйхатга олиниш ҳуқуқига эга. Ушбу стандартлар барча ЖСТ (Жаҳон Савдо Ташкилоти) аъзо давлатлари учун мажбурий бўлиб, қизил биотехнология маҳсулотлари учун халқаро ҳимоя асосини яратади.

Қизил биотехнология маҳсулотлари учун товар белгиларининг энг муҳим функцияси хавфсизликни таъминлашдир. Бу биотехно-

логиянинг умумий таърифида кўрсатилган юқори этик ва ҳуқуқий масъулият талабининг бевосита натижаси ҳисобланади. Тирик организмлардан олинган ва мураккаб молекуляр тузилмага эга бўлган биологик маҳсулотлар нотўғри идентификация қилинганда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ЖССТ маълумотларига кўра, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда ҳар йили тахминан 2.6 миллион бемор тиббий хатоликлар (масалан, нотўғри диагностика ёки дори танлаш ёхуд доза хатолари) туфайли ҳалок бўлади<sup>4</sup>. Бундай хатоликларнинг катта қисми дори билан боғлиқ хатоликлар бўлиб, бунда дорилар номлари ўхшашлиги (look-alike/sound-alike) каби тизимли камчиликлар ҳам муҳим омил сифатида қайд этилади.

Look-alike sound-alike муаммоси қизил биотехнологияда жиддий хавф туғдиради. Маълумотларга кўра, ўхшаш номларга эга дорилар тиббий хатоларнинг 25% ини келтириб чиқаради<sup>5</sup>.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан бошқариладиган Халқаро умумий номлар (International Nonproprietary Names (INN)) тизими қизил биотехнология товар белгиларига махсус чекловлар қўяди. INN номлари билан ўхшашлик товар белгиларининг рад этилишига олиб келади. Биологик маҳсулотлар учун ҳар йили 120-150 га яқин янги ном тасдиқланади<sup>6</sup>. Бу номлар билан ўхшашликдан қочиш қизил биотехнология компаниялари учун муҳим қийинчилик яратади.

АҚШда 1946-йилдан бери амал қилаётган Ланҳам қонуни биотехнология товар белгилари учун кучли ҳимояни таъминлайди. Қонуннинг 43(a)-моддаси нотўғри тиббий рекламага қарши ҳимоя механизмларини белгилайди<sup>7</sup>.

АҚШнинг Озиқ-овқат ва дори-дармонлари агентлиги (FDA) кўрсатмасига кўра, янги биологик маҳсулот номлари хавфсизлик ва самарадорлик мезонларига жавоб бериши керак<sup>8</sup>.

2010 йилда қабул қилинган Биологик препаратлар нархлари рақобати ва инновация қонуни (BPCIА) биосимиляр дори воситалари учун махсус тартиб-таомилларни белгилаб берди, жумладан, қисқартирилган лицензиялаш жараёнини жорий этди. Кейинчалик FDA кўрсатмаларига биноан биосимилярнинг номлари оригинал биологик дори воситаларидан фарқланиши учун алоҳида идентификатор кўшилиши кераклиги белгиланди.

Европа Иттифоқида 2017 йилда қабул қилинган “Европа Иттифоқи савдо белгилари тўғрисидаги қоидалар” (2017/1001) ягона товар белгиси тизимини тартибга солди. Регламентнинг 7-моддаси эса рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг умумий асосларини (масалан, тавсифловчи, чалғитувчи ёки одоб-ахлоққа зид белгилар) белгилайди<sup>9</sup>. Биотехнология соҳасида ҳам бу қоидалар умумий тартибда қўлланилади.

Европанинг Марказлаштирилган тартиб орқали кўриб чиқилган инсон учун мўлжалланган дори воситаларининг номларини қабул қилиш тўғрисидаги йўриқнома ҳужжати биотехнология маҳсулотларининг номланиши учун аниқ мезонларни белгилайди<sup>10</sup>. Ушбу кўрсатмага кўра, дори номлари:

- Терапевтик даъво ёки таъсирни кўрсатмаслиги керак.
- Бошқа дорилар номи билан чалкашмаслиги керак (look-alike/sound-alike).
- Доза, фармацевтик шакл ёки маъмурий йўл ҳақида нотўғри тасаввур уйғотмаслиги керак.

Япония фармацевтика ва тиббий асбоблар агентлиги (PMDA) биотехнология маҳсулотларининг номланиши учун қатъий талаблар қўяди. 2021 йилда қабул қилинган Фармацевтика маҳсулотларини номлаш қоидаларига кўра, биологик маҳсулотлар учун алоҳида идентификаторлар ишлатилиши шарт<sup>11</sup>.

Хитойнинг Миллий тиббий маҳсулотлар маъмурияти (НММА) эса 2020 йилда Биологик маҳсулотларни номлаш бўйича йўриқномалар қабул қилиб, биосимилар маҳсулотлар номланишига оид алоҳида тартиб белгилади<sup>12</sup>.

Патент муддатларининг тугаши билан биосимилар дори воситаларининг бозорга чиқиши янги бренд/товар белгиси билан боғлиқ стратегик масалаларни юзага келтиради, чунки истеъмолчилар ва шифокорлар дори алмаштириш жараёнида чалкашликка дучор бўлиши мумкин. Илмий таҳлилларга кўра, биосимилар маҳсулотлар одатда оригинал биологик дориларга нисбатан 20–30 % га арзонроқ нархларда сотилади<sup>13</sup>.

FDA маълумотларига кўра, АҚШда 2025 йил баҳорига келиб тахминан 72 биосимилар дори воситаси тасдиқланган<sup>14</sup>. FDA номлаш қўлланмиси биосимиларларга ҳар бир маҳсулот учун ноёб тўрт ҳарфли суффикс берилишини талаб қилади. Бу суффикслар бренд идентификация жараёнида айниқса товар белгилари учун янги мураккабликларни юзага келтиради<sup>15</sup>.

FDA томонидан рухсат берилган янги дориларнинг тахминан 33–35 фоизи идентификациялаштирилган, биомаркер кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ташкил этган. Бу тенденция идентификациялаштирилган тиббиёт ва биотехнология соҳасида ривожланаётган инновацион брендлар ҳамда номлаш стратегиялари бўйича талабни оширмоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллект асосидаги рақамли соғлиқни сақлаш платформалари (масалан, IBM Watson Health, Google DeepMind Health) бренд яратиш стратегиялари ва товар белгиларини танлашда янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонуни товар белгиларининг умумий қоидаларини белгилайди. Бироқ, биотехнология соҳасининг айнан талаблари қонунчиликда етарли даражада акс этмаган. Хусусан, товар белгилари ҳимояси халқаро стандартларга тўлиқ мос келмайди ва биотехнологиянинг интердисциплинар характери ҳамда юқори этик масъулият талаблари миллий қонунчилигимизда тўлиқ акс этмаган.

Шу боис, юқоридаги хорижий тажриба таҳлили ва ўрганишлардан келиб чиқиб, маҳаллий қизил биотехнология соҳасини шакллантириш учун асосий қуйидаги тақлифларни илгари сурамыз:

1. АҚШ ва Европа тажрибасидан келиб чиқиб, бевосита қизил биотехнология соҳасида товар белгилари бўйича қатъий қоидаларни миллий қонунчиликка киритиш ва фаол назоратни амалга ошириш;

2. ЖССТ нинг INN тизими билан интеграцияни таъминлаш;

3. LASA муаммоларини олдини олиш механизмларини жорий этиш;

4. FDA, EMA стандартлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қизил биотехнология соҳасида товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси биотехнологиянинг барча жиҳатлари, хусусан интердисциплинар ёндашувни, юқори этик масъулиятни, инсон ҳаётини яхшилаш мақсадини ва тирик организмларнинг мураккаб биологик жараёнларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак бўлган мураккаб ва кўп қиррали масала ҳисобланади.

Ушбу соҳада товар белгилари нафақат тижорат брендларини ҳимоя қилиш воситаси, балки биотехнологиянинг жамият эҳтиёжларини қондириш ва инсон ҳаётини яхшилаш вазибаларини бажариш учун бемор хавфсизлиги ва тиббий инновацияларни рағбатлантириш механизми вазибасини бажаради.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қизил биотехнология товар белгиларини самарали тартибга солиш учун махсус қонунчилик базаси, тартибга солиш механизмлари ва халқаро стандартлар билан интеграциялаш талаб этилади. Ўз навбатида Ўзбекистон учун ҳам ушбу соҳада қонунчилик базасини такомиллаштириш ва биотехнологиянинг замонавий талабларга мослаштиришнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

**Сардор МАМАНАЗАРОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети Инглиз ҳуқуқи ва Европа Иттифоқи ҳуқуқи кафедраси мудири, PhD.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Grand View Research (2025) Red Biotechnology Market Size, Share & Trends Analysis Report By Product, By End Use ... Forecasts, 2025–2030. San Francisco: Grand View Research. Available at: <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/red-biotechnology-market-report>
2. World Intellectual Property Organization (WIPO) (n.d.) Trademarks. Geneva: WIPO. Available at: <https://www.wipo.int/en/web/trademarks>
3. World Trade Organization (WTO) (1994) Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS), Article 15: Protectable Subject Matter. Geneva: WTO.
4. World Health Organization (2019) Patient Safety: global action on patient safety. Press release, 13 September. Geneva: WHO. Available at: <https://www.who.int/news/item/13-09-2019-who-calls-for-urgent-action-to-reduce-patient-harm-in-healthcare>
5. Meyer, T.A. (2023) 'Medication Errors Related to Look-Alike, Sound-Alike Drugs – How Big Is the Problem and What Progress Is Being Made?', Anesthesia Patient Safety Foundation Newsletter 38(2).
6. World Health Organization (n.d.) Guidance on INN (International Nonproprietary Names). Geneva: WHO. Available at: <https://www.who.int/teams/health-product-and-policy-standards/inn/guidance-on-inn>
7. Lanham Act, 15 U.S.C. §§ 1051 et seq. (1946). Section 43(a).
8. U.S. Food and Drug Administration (2017). Guidance for Industry: Nonproprietary Naming of Biological Products. Silver Spring, MD: FDA. Available at: <https://www.fda.gov/media/93218/download>
9. European Union (2017). Regulation (EU) 2017/1001 of the European Parliament and of the Council of 14 June 2017 on the European Union trade mark. Official Journal of the European Union, L154, pp. 1–99. Available at: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX:32017R1001>
10. European Medicines Agency (2014). Guideline on the acceptability of names for human medicinal products processed through the centralised procedure. EMA/CHMP/287710/2014. Available at: [https://www.ema.europa.eu/en/documents/scientific-guideline/guideline-acceptability-names-human-medicinal-products-processed-through-centralised-procedure\\_en.pdf](https://www.ema.europa.eu/en/documents/scientific-guideline/guideline-acceptability-names-human-medicinal-products-processed-through-centralised-procedure_en.pdf)
11. PMDA (2021). Rules for the Naming of Pharmaceuticals (Yakuin no Meisho Kiseki). Pharmaceuticals and Medical Devices Agency, Japan. Available at: <https://www.pmda.go.jp/english>
12. NMPA (2020). Guidelines for the Naming of Biological Products. National Medical Products Administration, China. Available at: <https://www.nmpa.gov.cn>
13. Grabowski, H.G., Guha, R. and Salgado, M., 2014. Regulatory and cost barriers are likely to limit biosimilar development and expected savings in the near future. Health Affairs (Millwood), 33(6), pp.1048–1057. <https://doi.org/10.1377/hlthaff.2013.0862>
14. Drugs.com (2025) What biosimilars have been approved in the United States? Updated 16 July 2025: Approximately 72 biosimilars approved by FDA. Available at: [drugs.com/medical-answers/many-biosimilars-approved-united-states-3463281](https://www.drugs.com/medical-answers/many-biosimilars-approved-united-states-3463281)
15. FDA (2024) FDA Action Plan and Biosimilar product approvals indicating suffix requirement. Available at: [fda.gov/biosimilars/dashboard-and-nonproprietary-naming-guidance](https://www.fda.gov/biosimilars/dashboard-and-nonproprietary-naming-guidance)



**Улуғбек  
БОЗОРОВ,**  
Алфраганус  
университети  
доценти в.б,  
педагогика  
фанлари бўйича  
фалсафа доктори,  
(PhD).

## ҒАРБДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪСИРИ

**АННОТАЦИЯ:** Шарқ цивилизациясининг Ғарбий Европага Испания орқали кириб борганлиги тарихий манбалар асосида ёритилади. Шунингдек, ўрта асрлар Ғарб Европасида давлат бошқарувида оид концепцияларнинг шаклланишига Шарқ мутафаккирлари таълимотларининг таъсир кўрсатганлиги асослантирилади. Бундан ташқари, Ғарб файласуфларидан Фома Аквинский, Рожер Бэкон, Рамон Луллий, Данте Алигьери, Марсилиус Падуан ва Бенедикт Спинозаларнинг Шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино, Ибн Рушд ва Ибн Арабларнинг асарлари Ғарбда давлат ва бошқарувида доир концепцияларни ишлаб чиқиш учун қанчалик муҳим бўлганлиги ва қандай ўрин тутганлиги таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Цивилизация, жамият, давлат бошқаруви, концепция, таълимот, ёндашув, методологик таъсир, Андалузия, Аббосийлар, Испания, Уммавийлар сулоласи, Кордова, дунёвий маданият, илм-фан, Ибн Сино, Ибн Рушд, Форобий, Абдурахмон II, Фома Аквинский, Бенедикт Спиноза, Марсилиус Падуан, Данте Алигьери, Рамон Луллий, Рожер Бэкон.

Шарқ мутафаккирлари таълимотларининг Ғарбий Европага кириб боришини таҳлил қилиш учун аввало бунга қандай ижтимоий-сиёсий муҳит имконият яратганини аниқлаш лозим. Агар масалага ретроспектив усул билан ёнашадиган бўлсак, Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий (Византия) алоҳида империяларга бўлиниши ва Ғарбий Рим империясининг герман қабилалари билан бўлган урушда мағлубиятга учраши Европа ерларини араблар томонидан эгаллашга имконият берган. IV-VII асрларда Рим империясидаги кулдорлик тузумининг барбод бўлиши ҳамда халқларнинг буюк кўчиши билан айна бир вақтда бўлиб ўтган жараёнлар янги дунё манзарасини юзага келтирган.

Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари ва концепцияларининг Ғарбий Европага кириб бориши Араб халифалигининг Испаниядаги ҳукмронлик даври билан боғлиқ.

Испанияга кириб борган араблар аввало давлат ишларини мамлакатда кулдорликни бекор қилишдан бошлайдилар. Натижада кулларнинг аксарияти исломни қабул қилиб жамиятнинг эркин фуқароларига айланади ва араб халифалиги давлатига хайрихоҳ бўладилар. Кейинчалик деҳқонлар феодалларга мутлақ тобеликдан озод этилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун бир хилда қонунлар жорий қилинган, эътиқодидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқлари бир хилда ҳимоя қилинган. Яъни, мусулмон бўлмаган аҳолига жия солиғини тўлашда имтиёзлар берилгани сабабли аҳолининг иқтисодий ҳаёти яхшиланиб, шаҳар бозорлари кенгайиб, бозордаги натурал алоқалар ўрнини пул муомаласи эгаллайди.

Испанияда Абдурахмон II нинг адабиёт, санъат, астрономия ва умуман илмга бўлган алоҳида меҳри Андалузияда маданият ривожланишига катта ҳисса қўшган. У Мовароуннаҳр ва Эронга ўз вакиллари юбориб, қадим Хинд қўлёзмалари, Антик даврдаги Юнон файласуфларининг таълимотлари, Мовароуннаҳрлик кўплаб олимлар ва мутафаккирларнинг ноёб қўлёзмаларининг кўчирмаларини келтиради ва араб тилига таржима қилдиришда шахсан ўзи бош бўлади. Натижада Испанияда араб тилидаги

асарлардан ташқари, юнон тилидан таржима қилинган Гиппократ, Аристотель, Платон, Эвклид, Гален ва Птоломей каби антик давр файласуфларининг асарлари тўплашиб яхлит китоб ҳолатига келтирилади. Мовароуннаҳрда яратилган ёки таржима этилган илмий, бадий асарлар ҳам тез фурсатда Андалузияга бориб етган.

Ғарбий Европа ўрта асрларда давлат ва жамият бошқарувида доир бир қатор концепциялар ишлаб чиққан Ғарб мутафаккирларининг илмий ижодини таҳлил қилдиган бўлсак, “Теология қиймати” асари билан машҳур бўлган Фома Аквинскийни тилга олиш мумкин. У биринчи марта Ибн Рушд ва Форобий томонидан Аристотелнинг “Метафизика 2” сига ёзилган шарҳлар билан танишиб, Аристотелни тушунишни бошлайди ва ўзининг фалсафий, сиёсий ва ижтимоий қарашларни шакллантиради.

Назаримизда, Фома Аквинский “Теология қиймати” асари билан нафақат христиан илоҳиётчилиқ билимларини ривожлантиради, балки у Рим папасига феодал бошқарувдаги давлатларга черковнинг таъсирини ушлаб қолиш, давлат ва жамият бошқарувидаги ҳар қандай таъминоти черков ўрнатиши лозимлигини ўзининг асарлари орқали ўқитган. Шу сабабдан Фома Аквинскийнинг таълимотлари ва концепциялари католик черковлари учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ўрта асрларда Ғарбда машҳур бўлган яна бир мутафаккир Рожер Бэкондир. У дастлабки билимларни черков ҳузуридаги мактабда сўнгра Оксфордда олиб, янада билимини ошириш мақсадида Париж университетига ўқишга боради. Париж университетида ўша вақтларда Аристотел ҳақиқий билим эгаси деб ҳисобланган. Шу сабабдан дарсларда ўқитувчилар фақат антик давр файласуфлари таълимотлари асосида маърузалар ўқиганлар. Масаланинг қизиқ тарафи шундаки, университет кутубхоналарида Аристотель, Боэций, Эвклид, Донет таълимотларига Шарқ мутафаккирлари томонидан ёзилган шарҳлардан бошқа китоблар бўлмаган. Рожер Бэконнинг ўзига хос хусусияти унинг тажриба ва кузатишга бўлган иштиёқи эди. У Оксфорд университетида яҳудий, юнон ва араб тилларини ўрганган ва бу унга нафақат антик

адабиётни, балки Шарқ мутафаккирлари асарларини ҳам ўзлаштириш имконини берган. Ўша даврда ўрта аср араб илм-фанида юқори ўрин тутган, ҳали европаликлар учун деярли номаълум бўлган маълумотлардан фойдаланиш Бекон учун барча илмий ижодига йўл очган.

Ўрта асрларда ғарбда ўзининг фалсафий қарашлари ва миссионерлик таълимотлари билан машҳур бўлганлардан яна бири Рамон Луллий эди. У Париж университетида таҳсил олиб, ўттиз ёшида ижтимоий ҳаётни, шеърият ва сарой ишларини ташлаб, илоҳиёт, фалсафий, мантикий асарларни ўрганишга киришади. У Шарқ мутафаккирларидан ал Арабий, Ибн Рушд, Форобий ва Ғаззолийнинг асарларини ўрганиб чиқиб Ибн Рушднинг авероизм ва икки томонлама ҳақиқат таълимотига кескин қарши чиққан. Ўзининг "Буюк санъат" (*Ars magna*, 1308, 1480 йилда нашр этилган) асосий асарида у фикрлашнинг мантикий операцияларини механик моделлаштиришга имкон берувчи ўзига хос "Мантикий машина" ни таклиф қилган.

Рамон Луллий ўзининг Тунис, Жазоир, Кипр ва Қуддус шаҳарларида саёхати даврида Шарқ мутафаккирларининг асарлари билан чуқур танишган ва араб тилини мукаммал ўрганган. Луллийнинг мантиқ илми бўйича ишлаб чиққан "Мантикий машина"сини илмий жамоатчиликка таклиф қилишида Шарқ мутафаккирларининг таъсири бўлган. Луллийнинг биографиясида Ғаззолийнинг таълимотлари тарафдори бўлганлиги ва Ғаззолийнинг фикрларига қўшилишини баён қилганлиги юқорида билдирилган фикрларни тасдиқлайди.

Шунингдек Данте Алигъери ва Марсилиус Падуанлар ҳам Шарқ мутафаккирлари асарларидан қаттиқ илҳомланганлар. Хусусан, Марсилиус Ибн Рушднинг "Авероизм" таълимоти тарафдори бўлган. Демак, у ўқиган университетларида ҳам Шарқ мутафаккирларининг асарлари бўйича таълим олган.

XX аср француз файласуфи профессор Гилсон ўзининг қатор тадқиқотларида Ибн Сино таълимотининг Европа ўрта аср фалсафий тафаккурига таъсири даражасини тушунтиришга ҳаракат қилган. У форс олими таълимоти билан Августин мактаби илоҳиётшунослари ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кўрсатиб, XIII аср Ғарб фалсафаси Аристотель, Ибн Сино ва Ибн Рушд қарашларининг синтезидан бошқа нарсасиз эмаслигини таъкидлади. Августиннинг издошлари ўзларининг таълимотларини яқунлаш имконини берадиган янги ғоялар учун бу таниқли муаллифларнинг меросига мурожаат қилишди. Масалан, улар "фаол ақл" тушунчасини Ибн Синодан олган. Гилсон Европа фалсафий тафаккуридаги бу тенденцияни "Авиценнизм Августинизм" (*L'Augustinisme Avicennisant*) деб номлашни таклиф қилади. Гилсондан кейин кўпгина Ғарб олимлари бу мавзуга катта эътибор қаратадилар ва Августиннинг издошлари бўлмаган кўплаб схоластик мутафаккирларга араб фалсафасининг таъсирини ўрганадилар. 1971 йилда Мари Тереза д'Алвер ўзининг "Авиценнизм Италияда" асарини нашр этади. У ўз тадқиқотида христиан-насроний илоҳиётшунослари ислом фалсафаси ғояларини нақадар иштиёқ билан ўзлаштирганини, ундан илҳом манбаи сифатида фойдаланганликларини кўрсатади. Улардан ташқари, христианлик этикодидан фарқ

қилса ҳам, Ибн Сино таълимотига эргашган христиан мутафаккирлари ҳам бор эди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Ғарбда дастлаб руҳоний ёки давлат бошқарувида ишлаган файласуфлар Шарқ мутафаккирларидан Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва ибн Арабларнинг Аристотельнинг асарларига ва кўплаб антик давр файласуфларининг асарларига ёзган шарҳлари орқали Ғарбга юнон файласуфларини қайтадан таништирган. Натижада Ғарб мутафаккирларининг дунёқараши ва моддий оламга бўлган муносабати ўзгариб, давлат ва жамият бошқарувида адолат тамойилларини киритиш ҳамда давлат бошқарувини черков назорати ва таъсиридан мустақил қилишга ҳаракат қилган. Ғарбдаги қироллар ва черков руҳонийлари бу ислохотларни ўзларига хавф сифатида қабул қилиб кўплаб Ғарб мутафаккирларни давлат ва черков ишларидан четлаштирганлар.

Ўрта асрлардаги Ғарб мутафаккирларининг деярли барчаси ўзларининг илмий ижодида кўплаб Шарқ алломаларининг асарларини тилга олиб, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, Европа цивилизацияси Шарқдан қарздор эканлигини таъкидлаганлар. Шарқ мутафаккирларидан Ғарбий Европага кимё (алхимия), математика, алгебра, астрономия, геофизика, мусиқа, бадий шеъриятда зажал услуби, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик, картография, география, тарихнавислик, педагогика, манбашунослик каби кўплаб фанлар мерос қолганини бир қанча манбалар тасдиқлайди. Шунингдек, Ғарбий Европа фалсафасида иккита катта йўналиш Ибн Синонинг "Авиценнизм" ва Ибн Рушднинг "Авероизм" фалсафа мактаблари қолган. Айнан бу таълимотлар Ғарбий Европада давлат бошқарувида демократик руҳни киритиб берган. Фикримизча Шарқ мутафаккирлари Ғарбий Европаликларнинг давлат бошқарувида доир концепциялари шаклланишига нафақат таъсир кўрсатган, балки улар бу концепцияларни тузиб берганлар. Европалик мутафаккирлар эса уни ривожлантириб такомиллаштирганлар, деб изоҳлаш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Образец таджикской художественной прозы XII века. Краткие сообщения института Востоковедения АН СССР, вып. IX, – М.: 1956. С.378; Темур тузуклари //Форсчадан| А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж; Б. Аҳмедов тахрир. остида. Т.: Гафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа бирилмаси. 1991. – Б.144.
2. Ibn Jarir Tabari. History at-Tabari. – Riyadh: Bayt al-Afkar ad-Dawliya, 2005. – P.695.12-26.
3. Уильям Монтгомери Уотт, Пьер Какки. История мусульманской Испании. М.: Ломоносовъ, 2021. – С.65.
4. Гайденко В. П. Об исходных понятиях доктрины Фомы Аквинского // Фома Аквинский. Онтология и теория познания (фрагменты сочинений) / Пер., вступ. ст., коммент. В. П. Гайденко; Рос. акад. наук. Ин-т философии. М.: ИФРАН, 2001. – С.204.
5. Вестник университета имени О.Е. Кутафина (МПОН). Потупчук И.В. Первые университеты эпохи Средневековья. 2021 г. №4. – С.97.
6. Opus Majus ed. Bridges. Lond. 1897. I. – Pp.305-354; O.Peschel-Ruge. Geschichte der Erdkunde. Ber. 1877. – S.165.
7. Назаров Қиёмиддин. Ғарб фалсафаси. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров.) Т.: "Шарқ", 2004. – Б.249; Б.274; Б.355-362; Б.641;
8. Голенищев-Кутузов И.Н. Жизнь Данте и его малые произведения // Данте Алигъери. Малые произведения. М. 1968. – С.419-447.
9. Поло де Бонье, М.-А. Средневековая Франция / Мари-Анри Поло де Бонье. – М., 2014. – С.235.
10. Gewirth A. Marsilius of Padua, the Defender of Peace, v. I: Marsilius of Padua and Medieval Political Philosophy. N.Y., 1956. – P.246; Quillet J., La philosophie politique de Marsile de Padoue. P., 1970. – P.165-167.
11. Авиценнизм в Италии, статья Мари Терезы д'Алверни, из ромского издания, Accademia nazionale dei lincei, 1971. – С.117-139.

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НИКОХДАН АЖРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР ЕЧИМИ

**АННОТАЦИЯ:** Ўзбекистон фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳ тузилишлари сонининг сезиларли даражада ошиб бораётганлиги, битта оила аъзоларининг турли давлатлар фуқаролари бўлиши ҳолларининг кўпайганлиги хорижий (халқаро) элемент иштирокидаги хилма-хил муносабатларда қатор тафовутларни юзага келтиради. Булар никоҳнинг тузилишида, тугатилишида, ҳақиқий эмас деб топилишида, эр-хотин ўртасидаги шахсий-номулкий ва мулкӣ муносабатларда, ота-она ва фарзандлар ўртасида юзага келадиган мулкӣ низола ва бошқаларда намоён бўлади.

**Калит сўзлар:** халқаро нормалар, трансчегаравий оилавий низола, коллизия нормалар, ҳудудийлик, шахсий қонун, “оқсоқланувчи ажримлар”, суд қарорларини тан олиш.

XX асрнинг 70-йилларига қадар деярли бутун дунёда никоҳдан ажратишга турмуш ўртоғининг айбли ҳаракатлари учун жазо, никоҳ шартномасини бузганлиги учун моддий ва маънавий зиёнларни қоплаш сифатида қаралиб келинган.

1970-йилларнинг ўрталарида Европанинг кўпгина давлатлари никоҳдан ажратиш соҳасида ислохотларни амалга оширади. Ислохотнинг асосий ғояси эса “никоҳдан ажратиш – жазо эмас, балки омадсиз никоҳнинг баёноти”, деган концепция бўлди<sup>1</sup>. Айнан мана шу даврдан бошлаб ажримларга бўлган муносабат сезиларли даражада либерallasганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда айнан жуда кўп давлатлар қонунчилигида никоҳдан ажратиш бир – биридан тубдан фарқ қилувчи коллизия ҳолатлар билан фарқланишини айтиб ўтишимиз лозим.

Мисол учун Мексика қонунчилигида никоҳдан ажратиш эр-хотиннинг биргаликдаги хоҳиш-иродаси билан судга мурожаат этмасдан қайд этиладиган жараён сифатида амалга оширилса, Лотин Америкасининг қатор мамлакатлари қонунчилигида эр-хотиннинг ҳаётиги даврида никоҳ бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Ҳуқуқшунос О.Г.Уенкованинг келтиришича, айнан 1960 йиллардан кейин Европа давлатларининг ҳуқуқий тизимлари турмуш ўртоқлар ҳаёти давомида никоҳнинг мутлақ ажралмаслиги тамойилидан унинг қарама-қарши тамойилига — ажратиш эркинлигига ўтади.

Бунда давлатларни икки турга ажратиш мумкин, биринчисида ажратиш учун бир неча асослар тақдим этилиши талаб этилади (Франция, Италия, Португалия, Греция, Бельгия). Иккинчи турдаги мамлакатлар (Россия, Финляндия, Швеция, Германия, Испания) да эса ягона асос (эр-хотиннинг ўзаро розилиги) тақдим этилишининг ўзи кифоя қилади. Демак, барча ҳуқуқий тизимларда никоҳдан ажратиш учун келтирилдиган талабларни қўйидагиларга ажратиш мумкин:

никоҳдан ажратишнинг барча ҳуқуқий оқибатлари бўйича эр-хотиннинг келишуви мавжуд бўлиши; (Германия, Испания, Франция);

никоҳдан ажратишга ариза берган кундан бошлаб ўйлаб олишга муддат берилиши (Финляндия, Норвегия);

қонунда белгиланган муддатларда ажратишга бўлган даврда мажбурий алоҳида яшаш тартибининг мавжуд бўлиши (Италия, Испания, Нидерландия, Дания)<sup>2</sup>.

Н.В.Кузнецова ҳам ушбу фикрларни давом эттириб, католик черкови таъсир қилган жойларда никоҳдан ажратиш никоҳ тузилиши билан берилган макомнинг бекор бўлишидир, деган қараш ҳукмрон бўлганлигини айтиб ўтади<sup>3</sup> ҳамда никоҳдан ажратиш рухсат этилган ҳуқуқий тизимларнинг ўзини икки турга ажратади. Никоҳдан ажратиш ташаббуси ҳар иккала томонга ҳам тақдим этилган давлатлар (давлатларнинг кўпчилиги шу гуруҳга қиради) ҳамда ушбу ташаббус фақат эрга тақдим этиладиган давлатлар – буларга Алжир, Иордания, Сурия давлатлари қиради.

Никоҳдан ажратишнинг умумий ҳуқуқий ҳолати қўйидаги масалалар билан белгиланади: эр-хотиннинг алоҳида яшашига йўл қўйилиши;

никоҳни бекор қилиш ва эр-хотин алоҳида яшашининг сабаблари ва шартлари; эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари, алиментлар ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳақида келишиш мажбурияти; никоҳ муносабатларининг бузилиши ёки эр-хотин алоҳида яшаган тақдирда унинг заифлашув даражаси<sup>4</sup>.

Францияда чет элда қайд этилган француз ҳуқуқига таниш бўлмаган асослар бўйича амалга оширилган ажримлар ҳам тан олинади. Венгрия судлари никоҳни бекор қилиш жараёнларида чет мамлакат ҳуқуқини қўллайдди, аммо бунда бир қанча ҳолатларга эътибор қаратади.

Агар чет эл ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш имконияти назарда тутилмаган бўлса ёки чет эл ҳуқуқи бўйича асослар етарли эмас деб ҳисобланса – да, бу асослар Венгрия ҳуқуқида белгиланган бўлса, никоҳ бекор қилиниши мумкин, агар чет давлат ҳуқуқи бўйича никоҳни бекор қилиш учун қатъий сабаблар мавжуд бўлса-да, Венгрия ҳуқуқида бу масала белгиланмаган бўлса у ҳар томонлама кўриб чиқилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш бир томоннинг айблилигига асосланиши мумкин эмас. Ушбу тартиб Венгриянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Низомининг 41- бўлимида мустаҳкамланган<sup>5</sup>.

Латвия қонунчилигида аралаш ва чет эл никоҳларидан ажратишнинг 2 та усули кўзда тутилади: нотариус ҳузурда ва суд орқали. Нотариус ҳузурда ўзаро келишув ва розилик асосида ажратиш учун эр-хотинлардан бири Латвия ҳудудида охириги бир йилда доимий яшаган бўлиши ёки ҳар иккала томон ҳам Латвия фуқаролигига эга бўлиши талаб этилади ва бирмунча осон жараён ҳисобланади. Чет элда қайд этилган никоҳларни Латвия судлари орқали бекор қилишда, никоҳнинг аҳоли Регистри рўйхатига киритилган бўлиши талаб этилади. Агар киритилмаган бўлса, Латвия судлари орқали никоҳни бекор қилиш мумкин бўлмайди<sup>6</sup>.

Болгария қонунчилиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу мамлакатда яшаётган чет эл фуқаролари ёки томонлардан бири чет эл фуқароси бўлган ҳолда ҳам Болгария судларига никоҳдан ажратиш масаласида ариза билан мурожаат этиш мумкин. Суд томонидан никоҳдан ажратиш масаласида қарор чиққанидан сўнг чет эл фуқаросининг Болгария ҳудудида қолиши ёки қолмаслиги масаласи бир қатор омилларга кўра ҳал этилади. Булар: қанча муддатдан буён никоҳда эканлиги, қанча муддатдан буён Болгарияда оила бўлиб яшаб келётганлиги, фарзандлари билан кўришиш шартлари ва бошқалар<sup>7</sup>.

Кейинги вақтларда мусулмон мамлакатлари қонунчилигида ҳам никоҳ-оила муносабатлари масалаларида ирода эркинлигининг кенгайтирилиши тенденцияларини кузатишимиз мумкин. Масалан, Яманининг 1992 йилдаги Фуқаролик кодекси 26-моддасида: “Судда никоҳ, талоқ, никоҳдан ажратиш, алимент тўлаш масалаларини тартибга солишда томонларнинг келишувига кўра Яман ҳуқуқи қўлланилади” деб белгиланган.

Никоҳнинг умумий оқибатлари ҳолати коллизия нормалар занжири билан тартибга солинади. Замонавий қонунчиликда бу масала бўйича энг кўп боғланганлик мезони инобатга олинади. Жанубий Кореянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунда уч поғонали характерга

эга қоидалар ўрнатилган: биринчи навбатда – эр-хотин фуқароси ҳисобланган давлатнинг қонуни қўлланилади, бундай ҳолат бўлмаса – эр-хотиннинг биргаликда яшаб турган жойи қонуни қўлланилади, бу ҳам бўлмаса – эр-хотинни кўпроқ боғлаб турган жой қонуни қўлланилади.

Кўпчилик мамлакатларда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги чет давлат қарорлари, агар улар чет давлатнинг ваколатли суди томонидан қабул қилинган бўлса, тан олинади. Швейцариянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг 65.1-моддасига асосан “эр-хотиндан бирининг яшаш жойи, одатда бўлиб турган жойи ёки фуқароси бўлиб ҳисобланган давлатнинг суди томонидан қабул қилинган қарор” бўлса тан олинади. Аммо, Нидерландия қонунчилигига кўра бу талаблар императив ҳисобланмайди.

Европа давлатларида никоҳ-оила муносабатларини бекор қилишда ажратишга ўхшаб кетадиган, аммо юридик жиҳатдан бошқа шакл мавжуд. Бунда суд тарафларнинг илтимосига кўра сепарация тўғрисида қарор қабул қилади. Сепарацияда суд томонидан эр-хотинларнинг никоҳлари бекор қилинмаган ҳолда алоҳида яшашлари тушунилади. Сепарациянинг никоҳдан ажратишдан асосий фарқи – эр-хотиндан бирининг вафотидан кейин ҳам бошқаси меросга бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолади ва бу суд қарорига асосан эр-хотиннинг алоҳида яшаш режимида. У никоҳни бекор қилмайди, аммо никоҳдан ажратишдан олдинги ҳолат бўлиб никоҳдан ажратишдан олдинги мажбурий шарт ҳисобланади. Масалан, Италияда сепарация муддати 6 ойдан бошланади.

Суд алоҳида яшаш ҳақидаги қарорни томонлардан бирининг талабига биноан қўллаши мумкин, у никоҳдан ажратиш талаблари билан бир хил бўлади. Алоҳида яшаш эр-хотиннинг биргаликда яшаш мажбуриятларини тугатади ва мол-мулкнинг бўлинишини келтириб чиқаради. Францияда эр-хотиндан бирининг талаби билан суднинг алоҳида яшаш тўғрисидаги қарори уч йилдан сўнг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қарорга айлантирилиши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир қатор универсал нормалари никоҳдан ажратиш муносабатларига нисбатан қўлланилади. Уларнинг энг асосийси 1970 йилдаги Ажралиш ва суд тартибда эр-хотинни ажратишни тан олиш тўғрисидаги Гаага Конвенциясидир. Айнан мазкур конвенцияда никоҳдан ажратишнинг ҳар қандай шакли, агар у амалга оширилган мамлакат қонунчилиги бўйича йўл қўйилган шаклда бўлса, тан олиниши белгиланган.

Никоҳни бекор қилишнинг махсус қоидалари ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги давлатлараро икки томонлама келишувларда ўрнатилган. Европа давлатлари ўртасида 2010 йил 20 декабрда қабул қилинган Рим III номи билан юритиладиган Европа иттифоқи Регламенти никоҳларни бекор қилиш ва судларнинг эр-хотиннинг алоҳида яшаш тўғрисидаги қарорларини қўллашда тан олинган ҳуқуқни тартибга солиди.

АҚШнинг баъзи штатларида ажрим икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда болалар тарбияси, моддий таъминот масалалари ҳал этилиб, улар ажрашмаган ҳисобланадилар, бу даврда янги никоҳ муносабатларига кириша олмайдилар, уларга 3 ойдан 6 ойгача муддат берилади. Бу муддат тугаши билан қарор кучга кириб, улар расман ажрашган бўлиб ҳисобланади. Ушбу тартиб бир жиҳатдан томонларнинг ярашиб кетишлари учун муҳлат бўлиб ҳисобланса, иккинчи тарафдан бу даврда туғилган болаларнинг оталигини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш учун муддат саналади.

Ислон дини ҳукмрон бўлган Осиё ва Африка давлатларида ажрим масалалари мусулмон ҳуқуқи билан тартибга солинади. Бунда ажримларга рухсат этилган бўлади, аммо бу ерда эркакнинг хоҳиш-иродаси инобатга олинади. Масалан, Мисрда эр томонидан хотинга 3 маротаба “талок” сўзини айтиш билан никоҳдан ажратиш қайд этилиши мумкин. Покистонда талок берилиши билан яна 90 кунлик муддатга ҳам амал қилинади. Баъзи давлатларда хотин томонидан маълум миқдордаги

тўлов қилиниши билан ҳам ажрим расмийлаштирилиши мумкин. Бу “хула” жараёнида хотин маҳрга эр томонидан берилган мулкни қайтаришга мажбур бўлади.

Талокқа ўхшаш жараён яҳудий қонунчилигида ҳам учрайди, у “кхет” деб номланади. Бунда ажрашиш эрнинг ташаббуси билан амалга оширилади, аммо бунда ажрим тўғрисидаги қарор суд тартибда эмас, балки махсус раввинлар суди томонидан қабул қилинади. Шунингдек, эрнинг ўз хотинига юборадиган ажралиш тўғрисидаги хати, номаси ҳам “кхет” деб номланади<sup>8</sup>.

Аммо шу ўринда ҳақиқат савол туғилади. Бундай ажримлар, яъни суд тартиботисиз амалга ошириладиган ажримлар бошқа давлатлар ҳудудида тан олинандими?

Буюк Британия мазкур масалани энг мувофиқ йўл билан ҳал қилган давлат ҳисобланади, Буюк Британияда 2020 йил 25 июнда қабул қилинган ва 2022 йилнинг 6 апрелидан бошлаб кучга кирган “Никоҳни бекор қилиш, фуқаролик шериклигини тугатиш ва сепарация тўғрисида” деб номланган қонун билан никоҳдан ажратиш жараёни соддалаштирилган ҳамда тезлаштирилган. Илгари бошқа томоннинг айбли ҳаракатисиз ажрим мумкин эмас эди, бу қонун қабул қилиниши билан бундай тартиб бекор қилинди. Эндиликда ажралишни талаб қилган томон ёки томонлар “никоҳ тугаган” деб ҳисоблаш учун муносабатлар тиклаб бўлмайдиган даражада бузилганлигини исботлаши шарт, бу билан томонлар орасидаги шахсий жанжаллар камайди, 2 йилгача чўзиладиган муддатларнинг минимал даврийлиги 26 ҳафтагача (сепарацияда 20 ҳафта) қилиб белгиланди.

Қонуннинг аҳамиятли томони шунда бўлдики, бунда бюрократик жараёнлар қисқартирилиб, юридик ҳаражатлар камайтирилди, томонларга суд жараёнларининг оғир таъсири камайди. Ушбу қонун билан давлат суд тизимида “ажрим учун сабаб ва асосларнинг ўзи аҳамиятсиз экан, ажримнинг усуллари ҳам аҳамиятга эга эмас”, деган қараш шаклланган, яъни Буюк Британияда бошқа давлатларда қайд этилган никоҳдан ажралишларнинг осонроқ тан олинишини кузатишимиз мумкин<sup>9</sup>.

Худди шунга ўхшаш тартиб бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимида ҳам мавжуд. Ўзбекистон қонунчилиги асосан, бошқа давлат ҳудудида шу давлатда ўрнатилган қонунчилик талабларига мувофиқ қайд этилган ва тан олинган никоҳ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам тан олинади<sup>10</sup>.

**Рисолат АБДУЛЛАЕВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академияси мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское и торговое право зарубежных государств / Отв. ред. Е.А. Васильев, А.С. Комаров. 4-е изд., перераб. и доп. М., 2005. Т. 2. Гл. XXXI: Семейное право. С. 557 (авторы - Е.А. Васильев и Е.В. Вершинина).
2. О.Г.Уенкова. Институт расторжения брака по законодательству РФ и стран континентальной правовой семьи (сравнительно-правовое исследование) Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2010. Автореферат размещен на официальном сайте ГОУ ВПО РГСУ ([www.rgsu.net](http://www.rgsu.net)).
3. Н.В.Кузнецова. Международное частное право. Учебное пособие. Ярославль 2013 г. С-101-103.
4. И.В.Гетман-Павлова. “Международное частное право” М.Юрайт 2013 г. С-682-683.
5. Международное частное право: Иностранное законодательство / предисл. А.Л. Маковского; сост. и науч. ред. А.Н. Жильцов, А.И. Муранов. М.: “Статут”, 2000. С. 628–673.
6. Расторжение брака с иностранцами. <https://pravo.hse.ru/data/2021/03/13/1200224435/pdf.01.03.2025> г
7. Как развестись в Болгарии. Фонд доступа к правам. <https://refugeelght.bg/ru/divorce-in-Bulgaria.01.03.2025>
8. М.Элон. “Еврейское право” СПб., Юридический центр прессы. 2002, с-89
9. Коммерсант UK. <https://www.kommersant.uk/articles/iskat-inovatyh-ne-pridetsya-v-anglii-i-uelse-uprostili-protseduru-razvoda>
10. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 236-моддаси. 99-100 бет Тошкент 2023 йил



# РАҚАМЛИ ДУНЁ, ЎЗБЕКИСТОН, СУД



*XXI-асрдаги глобал трансформациялашув жараёнлари энг сўнгги рақамли технологияларни ҳаётимизга шиддат билан олиб кирди. Мана шундай тез ўзгараётган ва ўзига хос мураккаб бир шароитда барча соҳаларда бўлгани каби суд органлари фаолиятига ҳам сунъий интеллект технологияларини жорий этиш зарурияти вужудга келмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 21 август куни имзоланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сонли фармони ва унда белгиланган муҳим вазифалар миллий суд тизимимизда рақамли одил судловга эришишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли орган томонидан ишлаб чиқилган Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг “Тинчлик, адолат ва самарали бошқарув”ни такомиллаштиришга бағишланган 16-мақсадида “барча инсонлар учун одил судловдан кенг фойдаланиш бўйича тенг, муносиб шароит ва имкониятларни яратиш” вазифасига тўла мос келади.

Суд органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, судларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришнинг кейинги йиллардаги устувор мақсадлари қаторида “судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича “Кибер ҳуқуқ” йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш”, “иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш”, “Рақамли суд” концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш” сингари нихоятда муҳим вазифаларнинг белгиланганлиги фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини суд органлари орқали амалда таъминлаш, одил судлов фаолиятини тўлақонли амалга ошириш имкониятини оширади. Пировард натижада бирон-бир маъмурий органга мутлақо қарам бўлмаган, том маънодаги мустақил, жисмоний ёки юридик шахларнинг бузилган ёки камситилган ҳуқуқ ва

эркинликларни қонуний суд ҳужжатлари воситасида тиклаш самарадорлигига эришилади.

Одил судлов тизимида сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган ушбу Фармонда белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш орқали қуйидаги амалий натижаларга эришилади:

**биринчидан**, суд органларига ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантирилади;

**иккинчидан**, мурожаатлар судга электрон шаклда юборилади;

**учинчидан**, ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмайди ва суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этади;

**тўртинчидан**, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилади;

**бешинчидан**, суд харажатлари электрон шаклда ҳисобланади ва тўланади, шунингдек, ижро варақалари автоматик равишда ижрога юборилади;

**олтинчидан**, суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилади;

**еттинчидан**, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимда матн шаклида тайёрланади;

**саккизинчидан**, суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилади.

Фармонда назарда тутилган юқоридаги вазифаларнинг ҳар бирида мамлакатимиздаги судлов ишларини юргизиш самарадорлигини ошириш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг овозгарчилигини кескин камайтириш, судья ва суд ходимларининг ишларини соддалаштириш, уларнинг вақтини тежаш каби эзгу мақсадлар ётади.

Хулоса қилиб айтганда, суд органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши Республикаимизда одил судлов ишларини ҳар томонлама такомиллаштириб, унинг янги сифат босқичини бошлаб беради.

**Иброҳим АЛИМОВ,**

*Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари – иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.*

# ЭКСТЕРРИТОРИАЛ ТАРТИБДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

*Жорий йилнинг 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти ўтказилди. Ушбу мулоқотда тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган 15 мингта мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечими юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди. Ўз навбатида, шу куннинг ўзида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 5-очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.*

Ушбу Фармонда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида банк, солиқ ва бошқа соҳалар билан бирга суд-ҳуқуқ тизимида ҳам тегишли ислохотлар амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, Фармоннинг 15-бандида Олий суд Бизнес-омбудсман билан биргаликда 2025 йил якунига қадар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий ва маъмурий судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш имкониятини яратиш бўйича қонун лойиҳасини киритиши тўғрисида тегишли вазифа қўйилди.

Шу ўринда, судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш дегани нима ўзи, бундан қандай ижобий натижа бўлиши мумкин? – деган савол туғилиши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 32-моддасига кўра, фуқаро ёки юридик шахснинг аризаси (шикоят) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади.

Судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилишда эса, ариза (шикоят) маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга эмас, исталган ҳудуддаги судга тақдим этилиши

мумкин бўлади. Судларга бундай мурожаат қилиш тартиби амалдаги процессуал кодексларимизда мавжуд бўлмаганлиги сабабли, бу Президентимиз томонидан илгари сурилган суд тизимидаги янги амалиёт ҳисобланади.


Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Қозоғистон Республикасининг 2021 йил 20 декабрдаги 84-VII-сонли қонунига асосан Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига экстерриториал судловга тегишлилик тушунчаси киритилган бўлиб, Кодекснинг 32-моддасига кўра тарафлар ўзаро келишувга биноан мазкур иш учун экстерриториал судловга тегишлиликни танлашлари мумкин бўлади. Ушбу нормани амалга ошириш мақсадида Қозоғистон Республикаси Олий суди томонидан ишларни экстерриториал судловга тегишлилик бўйича тақсимлашнинг Алгоритми (тартиби, қоидалари) ишлаб чиқилган. Унга кўра, фуқаролик иши электрон ахборот тизимининг автоматик тақсимланишига қўйилади ва шу куннинг ўзида ахборот тизими танлаган судга юборилади.

Аслида олганда экстерриториал мурожаат тамойили фуқаролар ва тадбиркорларимиз учун бегона эмас. Чунки, 2021 йил 23 март куни Президентимизнинг "Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6191-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, Фармон билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимида бир қатор янгиликлар, шу жумладан экстерриториал тамойили амалиётга жорий қилинди. Яъни, 2021 йил 1 июндан бошлаб, фуқароларнинг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар туғилиш, никоҳ, ўлим ва никоҳдан ажратишни қайд этиш бўйича исталган ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиш мумкин бўлди.

Судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш тартибининг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларига нисбатан афзалликлар олиб келиши билан бирга, суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга, судга бўлган ишончнинг ортишига, ишни кўраётган судьяга нисбатан ҳар хил шубҳа-гумонлар бўлмаслигига ва ишлар тенг тақсимланиб судларнинг иш юкламаси камайишига олиб келади.

**Акмал МУРОДОВ,**

*Навоий вилоят маъмурий суди раиси.*





## СУД ТОМОНИДАН АНИҚЛАНГАН ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

**Яратилган имкониятлардан жамиятимизнинг аксарият қисми тўғри фойдаланиб, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришиб, қонунларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишмоқда.**

Афсуски, айрим шахслар ўз ҳуқуқлари чегарасидан ўтиб, қонунчиликда мавжуд талабларни менсимасдан, бу орқали жамият манфаатларига дахл қилишаётганлиги ҳам, бор ҳақиқат.

Ушбу мақоламиз орқали эса суд амалиётида кўрилган бир иқтисодий иш мисолида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатига тўхталмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Навоий вилояти бошқармаси Зарафшон шаҳар бўлими (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) якка тартибдаги тадбиркор “М.И” (тадбиркор номи қисқартирилган, бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади)га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария-гигиена хулосаси олингунига қадар жавобгарнинг Зарафшон шаҳар 14-кичик туманида жойлашган автобекатдаги умумий овқатланиш фаолиятини тўхтатиб туришни сўраган.

Зарафшон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария-гигиена хулосаси олингунига қадар “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан жавобгарнинг Зарафшон шаҳар 14-кичик туманида жойлашган автобекатдаги умумий овқатланиш шахобчаси фаолияти тўхтатилган.

Жавобгарнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисидаги мазкур аризани суд муҳокамаларида кўриш жараёнида ушбу

ариза хусусиятига боғлиқ бўлмаган бошқа қонунбузилиш ҳолати суд томонидан аниқланди.

Хусусан, Зарафшон шаҳар ҳокимининг қарори билан “Сартарошхона, савдо дўкон ва автобекат”нинг 150,0 метр квадратдан иборат умумий ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда шундан қурилиш эгаллаб турган майдони 101,2 метр квадрат бўлган бино ва иншоотларига мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, мазкур “Сартарошхона, савдо дўкон ва автобекат” биносининг ҳудудидан чиқмаган ҳолда орқа томонидан қўшимча бинолар (омборхона ва ҳожатхона) 49,0 метр квадрат қуриш таклиф-лойиҳаси Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган.

Бироқ, суд муҳокамалари ҳамда объектни кўздан кечириш жараёнида аниқланган ҳолатларга кўра, амалда қурилиш ишлари мазкур таклиф-лойиҳа асосида қурилмаганлиги, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлмаган ер майдони ўзбошимчалик билан эгалланиб, қонунсиз қурилишлар амалга оширилганлиги, бажарилган қурилиш ишлари фуқароларнинг автобекатдан қулай тарзда фойдаланиш имкониятини чеклаганлиги маълум бўлди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 200-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ишни кўриш вақтида давлат органи ёки бошқа органининг, юридик ёхуд мансабдор шахснинг ва фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Шунга кўра, суд томонидан юқорида ҳолатлар бўйича қонунбузилишга йўл қўйилганлигини батафсил ўрганиш мақсадида хусусий ажрим чиқарилиб, мазкур хусусий ажримда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли шахсларнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш учун хусусий ажрим Зарафшон шаҳар прокуратурасига юборилган.

Албатта, қайд этилган ҳолатларга кўра, таъкидламоқчимизки, ўз ҳуқуқларимизни бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаган ҳолда амалга ошириш, мажбуриятларимиз мавжудлигини унутмаган ҳолда уни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш, қонунларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим шарти бўлиб, ҳар биримизни жамиятимизнинг интизомли аъзоси бўлишини таъминлаган ҳолда бизни жавобгарликдан, ўрни келганда қонуний жазодан асраб туради.

**Шерзод ҒОҒУРОВ,**

*Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси.*

**Тогликларда шундай одат бор: меҳмонга уйингдаги бирор нарса ёқиб қолиб, уни мақтагудай бўлса, ачинсанг ҳам совга қилишинг керак... Бир вақтда Кўмиқдан меҳмон келиб, уйдаги бор нарсани мақташига тушибди. Унга мақтаган ҳамма нарсасини беришибди. Лекин уни кузатаётганда этигига ёпишган тупроқни сидириб олишди...**

**Расул ҲАМЗАТОВнинг  
“Менинг Доғистоним” асаридан.**



# ТАЪЛИМ-АМАЛИЁТ УЗВИЙЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Судда фақат қонун ва виждонга таянган ҳолда адолат қарор топиши зарур. Шу боис судья шахси ва унинг касбий тайёргарлиги жуда катта аҳамиятга эга.**

Амалдаги тизимда судьялар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишида

- таълим ва амалиёт ўртасида узвийлик етарли эмаслиги;
- судьялик лавозимига номзодларнинг касбий тайёргарлик даражаси бир хил бўлмагани;
- замонавий ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш имкониятлари чеклангани;
- судья ва суд аппарати ходимларининг малака ошириш жараёнлари тизимли йўлга қўйилмагани каби айрим муаммолар мавжуд эди.

Айнан шу омиллар суд тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, самарали ва замонавий тизimini яратиш заруратини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 141-сонли Фармони билан ташкил этилган Одил судлов академияси судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш ҳамда илмий тадқиқотларни амалга оширувчи ихтисослаштирилган таълим ва илмий марказ сифатида фаолият юритади. Нафақат судьялар, балки суд аппарати ходимлари, келгусида раҳбар лавозимни эгаллайдиган кадрлар учун ҳам асосий тайёргарлик марказига айланади.

Академия фаолияти куйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

- судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш;
- амалдаги судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш;
- раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш;
- судьялик касбий маданиятини шакллантириш ва юқори маънавий-ахлоқий фазилатларни тарғиб қилиш;
- таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, шу жумладан сунъий интеллект ва “виртуал суд” машғулотларидан самарали фойдаланиш.

Фармонга мувофиқ, энди ҳар бир судья ўз хизмат тажрибасига қараб белгиланган муддатларда Академияда малака ошириб боради. Масалан, беш йиллик муддатга тайинланган судьялар ҳар икки йилда, муддатсиз тайинланганлар эса ҳар уч йилда махсус курсларда ўқиши шарт бўлади.

Шунингдек, туман ва вилоят судларига раҳбар бўлиш учун ҳам албатта икки ойлик тайёргарлик курсларини ўташ талаб этилади.

Академия фақат ўқитиш билан чекланиб қолмайди. Бу ерда суд тизими билан боғлиқ қонунларни такомиллаштириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам кўзда тутилган. Хорижий тажрибани ўрганиш, идоралараро ҳамкорлик қилиш — асосий йўналишлардан бири бўлади.

Фармон ижросидан куйидаги муҳим натижалар кутилади:

- Суд тизимида кадрлар сифати ошади. Академия орқали тайёрланган судьялар нафақат ҳуқуқий билимга, балки замонавий технологиялардан фойдаланиш ва амалиётда қонунни тўғри қўллаш кўникмасига эга бўлади.
- Одил судловнинг шаффофлиги таъминланади. Судьяларнинг юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эътибор қаратилгани коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.
- Таълим-амалиёт узвийлиги мустаҳкамланади. “Назария — амалиёт — имитация” тамойили асосида ўқиш жараёни ташкил этилиши номзодларни тайёргарлигининг юқори босқичига олиб чиқади.
- Илмий тадқиқотлар кучаяди. Академия қонунчилиқни такомиллаштиришга оид илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиши суд тизимининг ривожланишига хизмат қилади.
- Хорижий ҳамкорлик кенгаяди. Илғор давлатлар тажрибаси асосида судьялар тайёрлаш жараёни халқаро стандартларга мослашади.
- Раҳбар кадрлар захираси яратилади. Туман ва вилоят судларини бошқаришга тайёр кадрлар тизими шаклланади.

*Дунё фақат икки қутбдан: яхши билан ёмондангина иборат эмас. Муҳими — ёмонни ёмондан, яхшини яхшидан фарқлай олиш. Бу иш ҳар хил воситаю бўёқларнигина эмас, аввало, пўлатдек мустаҳкам ирода, қатъий мантиқни талаб қилади.*

**Тўлепберген  
Қаипбергеновнинг  
“Қорақалпоқнома” асаридан**

**Сардор МАТНИЯЗОВ,**

*Хоразм вилоят маъмурий судининг судьяси.*



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ўзбекистонда адвокатура институтининг ривожланиши, янги таҳрирдаги Конституцияда адвокатурага оид нормаларнинг мустаҳкамланиши ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам бериш тизимининг жорий этилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.**

Адолатли жамиятнинг асосий тамойилларидан бири — ҳар бир шахс учун тенг, малакали ва етарли ҳуқуқий ёрдамнинг кафолатланишидир. Бу ёрдамни таъминлашда адвокатура институти ҳал қилувчи ўрин тутати. Шу боис, Ўзбекистонда сўнгги йилларда фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжини амалий таъминлашга қаратилган қонунчилик ва институционал ислохотлар изчил давом этмокда.

2023 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида адвокатурага алоҳида эътибор қаратилди. Илк бор Конституцияда адвокатурага оид алоҳида боб ажратилди ва 141-моддада қуйидаги норма мустаҳкамланди:

“Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади”.

Ушбу конституциявий норма билан малакали юридик ёрдам — давлат кафолатидаги ҳуқуқ сифатида мустаҳкамланди. Бу орқали адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиб, жамиятда уларнинг роли ва мақоми янада оширилди.

2024 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим қадам бўлди.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар қаторида кам таъминланган маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича аризачилар, даъвогар ва жавобгарлар белгиланган. Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан процессуал қонун ҳужжатларига ҳам бир қатор ўзгаришлар қўрилди:

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасига мувофиқ, суд аризаچининг илтимосига кўра давлат ҳисобидан юридик ёрдамни таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Суд иш муҳокамасини адвокат тайинлангунига қадар кейинга қолдириши ва адвокатнинг ишга киришиши учун камида тўрт соат тайёргарлик вақти ажратиши белгилаб қўйилди.

Бундай янгилıklar инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг таъсирини амалий кучга эга институтга айлантирмокда.

**Қонунга мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат аризаچига қаратилиб, айни пайтда у учинчи шахсларга татбиқ этилмайди. Ваҳоланки, процессуал қонунчиликда учинчи шахслар икки турга бўлинади:**

1. Мустақил талаблар билан чиқувчи учинчи шахслар;

2. Мустақил талаблар билан чиқмайдиган учинчи шахслар.

Айниқса, иккинчи тоифага мансуб шахслар кўрилатган маъмурий иш натижасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан таъсирланиши мумкин. Шундай экан, улар ҳам тўлиқ юридик ёрдамга муҳтож. Шу сабабли, мазкур қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, учинчи шахсларга ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқини бериш қонунийлик ва ҳуқуқий тенглик тамойилларига тўлиқ мос келади.

**Адвокатлик фаолияти нафақат суд жараёнида, балки тергов жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу янги ислохотлар:**

адвокатнинг ваколатларини тўлақонли амалга оширишга;

судда тарафлар тенглиги ва тортишувчанлик принципини таъминлашга;

адвокатларнинг жамиятдаги нуфузи ва ишончини оширишга;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда сўнгги ислохотлар, хусусан, янги Конституция ва “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонун асосида адвокатура институтининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмокда. Мазкур ўзгаришлар орқали нафақат адвокатларнинг институционал ҳолати яхшиланмокда, балки фуқароларнинг адолатга етиши учун амалий шароитлар яратилмокда. Эндиги вазифа – қилинган нормаларнинг ижросини таъминлаш, уларни қонуний жиҳатдан такомиллаштириш, ҳуқуқий ёрдамни янада кенг қамровли тарзда жорий этишдир.

**Руслан ЗАИРОВ,**

*Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати судьяси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги таҳрир), 2023 йил, 141-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонуни, 2024 йил 27 февраль, №3РҲ-915.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – 60-моддага ўзгаришлар.
4. United Nations (1990). Basic Principles on the Role of Lawyers. Havana.
5. Мирзиёев Ш. М. (2022). Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқ.

# ОҚЛОВ ҲУКМЛАРИ – ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

*Инсоният тараққиётининг турли босқичларида жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида доимо мавжуд бўлган. Унга қарши курашишда энг самарали воситалардан бири — криминология йўналиши ҳисобланади. Бу йўналиш жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, уни камайтиришга қаратилган илмий асосланган чораларни белгилайди.*

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлди. 1991 йилда судланганлар сони 1990 йилга нисбатан 18 фоизга кўпайган. Кейинги йилларда давлат органлари ва суд тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида жиноятчилик даражаси барқарор пасая бошлади.

1999 йилда Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар орқали айрим енгилроқ жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазоси чиқариб ташланди. Бу қадам инсонпарвар жазо сиёсатига ўтишда муҳим аҳамият касб этди.

Шу жумладан, сўнгги йиллар таҳлили Қашқадарё вилоятида жиноятчиликнинг йил сайин камайиб бораётганини кўрсатади. Масалан, 2019 йилда вилоятда 2804 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 114 тага кам. Бироқ, айрим йўналишларда, хусусан, гиёҳвандлик ва талончилик билан боғлиқ жиноятларда ўсиш кузатилган.

2021 йилда вилоят судларида 3778 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилиб, уларнинг 80 фоизидан ортиғи айблов ҳукми билан ақулланган, икки нафар шахс эса оқланган.

Оқлов ҳукмлари сони йил сайин ортиб бораётгани суд тизимида адолат ва қонунийлик принципларининг мустаҳкамланишидан далолат беради.

## Қашқадарё вилояти мисолида:

2014 йилда — 2 нафар,  
2017 йилда — 17 нафар,  
2019 йилда — 146 нафар,  
2022 йилда — 37 нафар,  
2023 йилнинг 9 ойида — 10 нафар  
шахс оқланган.

Бу кўрсаткичлар судлар фаолиятида асосланмаган айбловларнинг қисқараётганини ҳамда тергов ва прокуратура органлари ишида масъулият ортиб бораётганини англатади.

Судлар фаолиятида инсонпарварлик таъминлари кучайиб, жиноят ишларини кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

2023 йилда Қашқадарё вилояти судларида 3710 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўрилган бўлиб, уларнинг 76,9 фоизи бўйича айблов ҳукми, 0,2 фоизи бўйича оқлов ҳукми чиқарилган. Шу билан бирга, 189 нафар шахсдан асоссиз айбловлар чиқариб ташланган, 18 нафар реабилитация қилинган шахсга давлат ҳисобидан 654 миллион сўм моддий зарар қоплаб берилган.

Судлар томонидан 2023 йилнинг 9 ойи давомида 2184 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан аввал озод этилган, 1465 нафарига нисбатан жазо енгиллаштирилган. Бу кўрсаткичлар судлар фаолиятида қонунийлик ва инсонпарварликнинг устувор йўналишга айланишини тасдиқлайди.

Оқлов ҳукмларининг кўпайиши — фақат статистик кўрсаткич эмас, балки суд мустақиллиги, айбсизлик презумпцияси ва адолат принципларининг ҳаётдаги ифодасидир. Суд тизимидаги бу ўзгаришлар нафақат фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, балки жамиятда қонунийлик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



**Шахриддин ЭШИМОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг тергов судьяси,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

## СОВҒА ВА БОШҚА ТУРДАГИ МУКОФОТЛАРНИ ОЛИШГА ҚЎЙИЛГАН АНТИКОРРУПЦИОН ТАҚИҚЛАР

*Совға олиш ходимни маълум даражада совға берувчига мажбур (қарам) қилиб қўяди, шу муносабат билан совғалар кўпинча норасмий, шу жумладан коррупция муносабатларни сақлаш учун ишлатилади. Ҳатто аҳамиятсиз қийматдаги совғаларни олиш ҳам пора олиш ёки тижорат порахўрлиги сифатида малакаланиши мумкин.*

Ушбу соҳада коррупцияга қарши стандартларни белгилашда ташкилот ходимлари томонидан совғалар олишга ҳам, ташкилот номидан совғалар беришга ҳам эътибор қаратиш тавсия этилади.

Биринчи ҳолда, ташкилот ходими томонидан унга нисбатан маълум бошқарув ёки тақсимловчи ваколатларга эга бўлган шахсдан, шунингдек бошқа манфаатдор томонлардан (масалан, рақобатчилардан) совға олиш унинг ўз меҳнат мажбуриятларини холис ва объектив равишда бажаришдан четга чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Совға, шунингдек, ходим томонидан аллақачон содир этилган ноқонуний ҳаракатлар учун “тўлов” бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи ҳолда, совға бериш аслида ташкилотга маълум имтиёзлар ва афзалликларни тақдим этиш учун, масалан, давлат шартномасини олишда ёрдам кўрсатиш учун “тўлов” бўлиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан, совғаларни олишда қонун ҳужжатларида тақиқлар ва чекловлар ўрнатилган шахсларга, давлат ва муниципал лавозимларни эгаллаган шахслар тоифаларига, айрим тоифадаги ташкилотларнинг ходимларига совға бериш бўйича коррупцияга қарши қатъий стандартлар белгиланиши керак.

Ушбу соҳада коррупцияга қарши стандартларни белгилашда бир қатор асосий саволларга жавоб бериш тавсия этилади:

- Нимани совға деб ҳисоблаш керак? Коррупцияга қарши стандартлар фақат моддий активларга ёки турли хил хизматларни кўрсатишга нисбатан қўлланиладими: масалан саёҳат учун тўлов, ресторанларда овқатланиш, меҳмонхонада яшаш ва ҳоказо (фикримизча, иккинчи ёндашув кўпроқ мос келади). Мисол учун, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 575-моддаси 1-бандининг 4-кичик бандида, тижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда қиймати уч минг рублдан ошмайдиган оддий совғаларни истисно қилганда, ҳада шартномасини тузишга йўл қўйилмайди.

Қандай совғаларни қабул қилишга рухсат этилади? Амалиёт шуни кўрсатадики, совғаларни олишнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлмаган амалий чорадир, чунки:

1) баъзи ҳолларда, коррупцион тўловлар сифатида айниқса, паст қийматга эга бўлган совғалардан фойдаланиш мумкин (масалан, блокнотлар, ручкалар, календарлар ва ҳоказо);

2) баъзи мамлакатларда меҳмондўстлик ва миннатдорчилик изҳор қилишнинг ўзига хос одатлари мавжуд бўлиб, улар совғалар беришни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, коррупцияга қарши стандартларни қуйидаги жиҳатларда ўрнатиш оптимал ечим бўлиши мумкин:

а) совға берувчиларнинг айрим тоифаларидан совғалар олиш (масалан, рақобатчилар, етказиб берувчилар, иш берувчи билан суд муҳокамаси иштирокчилари бўлган ташкилотлар);

б) олинган совғанинг қиймати (бир марталик ва маълум бир даврда, масалан, бир йил давомида битта совға берувчидан олинган совғаларнинг умумий қиймати).

Совғалар декларациясини тузиш керакми? Баъзи ҳолларда совға берувчиларни аниқлаш ва совға олиш, манфаатлар тўқнашуви нуқтаи назаридан баҳолаш имконини берувчи совға декларацияси каби механизмдан фойдаланиш фойдали бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, декларация ходим томонидан совғаларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда ҳам, ходим томонидан манфаатлар декларацияси доирасида ҳам алоҳида тузилиши мумкин.

Совғаларни бериш ва олиш масалаларини тартибга солишдан ташқари, ташкилот хизмат сафари, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, овқатланиш, турар жой, бизнес шерикларининг кўнгилочар тадбирлари билан боғлиқ харажатларни тартибга солишга эътибор қаратиши керак. Шуни ёдда тутиш керакки, бундай харажатлар коррупцион тўловлар учун “қопқоқ” сифатида ҳам ишлатилиши мумкин, шу сабабли ташкилотга қуйидагиларни тақдим этиш тавсия этилади:

1) ходимларга бундай харажатларни тўлаш учун пул маблағларини олиш шартлари, масалан, коррупцияга қарши кураш бўлими билан уларни қабул қилишни мувофиқлаштириш зарурати;

2) белгиланган мақсадларга мувофиқ бундай харажатлардан фойдаланишни назорат қилиш (мониторинг) механизмлари.

Совғани олишдаги тақиқ коррупцияга қарши курашишдаги чоралардан бири бўлиб, унинг ягона мақсади эса пора олмаликка қаратилган. Ижтимоий сўровда респондентлар “совға”нинг “пора”дан фарқи йўқ деб айтишган. Тўғри, у миннатдорчилик рамзи сифатида жамиятдаги анъанага айланган. Бироқ, унга чеклов бўлиши керакми, ҳа албатта бўлиши керак, айниқса судьяга нисбатан.

Судьялар ўзига текинга хизматлар кўрсатилиши ёки ишлар бажарилиши, мол-мулкни вақтинчалик бепул фойдаланиш учун берилишидан ҳамда бошқа бирор-бир моддий манфаатдорликдан ҳам тийилиши лозим. Бундан ташқари, судья нафақат ўзининг, балки оила аъзолари ва у билан бирга истиқомат қилувчи шахсларнинг ҳам бундай ҳаракатларни амалга оширишларини чеклаши керак.

Коррупцияга қарши хавфсизлик тизимида ушбу тақиқ жамоат соҳаси вакиллари томонидан ўзларининг хизмат лавозими ёки меҳнат функцияларини бажариши муносабати билан ноқонуний ҳақ олишда ифодаланган турли даражадаги ижтимоий хавфли коррупция кўринишларининг олдини олиш вазифасини бажаради.

Совғаларни олиш тақиқини бузиш ҳам ахлоқий (маънавий) танқид, ҳам юридик жавобгарлик чораларини (интизомий, жиноий) қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

А.А. Травниковнинг сўзларига кўра, “бундай совғаларни қабул қилиш, давлат хизматчисининг жисмоний ва юридик шахслар билан шахсий алоқаларини ўрнатишга олиб келади,

бу келажакда давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажаришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг объективлигига таъсир қилади. Шу билан бирга, давлат хизматчиси ўзи ва унинг ҳаракатлари жамоатчилик томонидан кўпроқ эътиборга олинишини унутмаслиги керак. Совғаларни қабул қилиш фуқароларда давлат хизматчисининг ўз вазифаларини бажаришининг ҳолислигига шубҳа туғдириши ва шу билан давлат органи ва умуман давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин<sup>1</sup>.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг иккинчи-тўртинчи қисмлари талабига кўра, Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан давлат фуқаролик хизматчиси томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Давлат фуқаролик хизматчилари хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғалар олиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Маълумки, замонлар оша ислом одоблари қаторида муайян қозилик одоблари шакллана бориб, уларнинг энг муҳимлари қаторида “пора олмаслик” ва “ҳадя қабул қилмаслик” алоҳида эътироф этилган.

Пора араб тилида “ришва” деб аталиб, шаръий истилоҳда адолатни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага ишлатилади. Пора олиш Куръон, суннат ҳамда ижмоъга кўра ҳаром. Муборак ҳадисда: “Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир”, дейилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатлаган.

Муқаддас китобларда ҳадя-совғанинг уч хили санаб ўтилган: биринчиси, ҳадя берувчи тарафга ҳам, олувчига ҳам ҳалол. Бу меҳр-муҳаббат сабабли совға олди-бердидир. Иккинчиси, икки тарафга ҳам – ҳадя берувчига ҳам, уни олувчига ҳам ҳаромдир. Бу зулмга ёрдам бериш учун ҳадя беришдир. Учинчиси, ҳадя берувчи томонга ҳалол. Бу ўзига қаратилган зулмни тўсиш учун ҳадя беришдир. Бу олувчига ҳаром<sup>2</sup>.

“Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг учинчи бандига мувофиқ, судья текинга хизматлар кўрсатилиши, ишлар бажарилиши ёки мол-мулк вақтинчалик бепул фойдаланиш учун берилишидан ёки бошқа бирор-бир моддий манфаатдорликдан ўзини тийиши лозим.

Ушбу Низом қоидалари судьяларга берилган қуйидаги совғаларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- тадбир иштирокчисининг ҳар бирига бериладиган канцелярия анжомлари ва рағбатлантириш (мукофотлаш) мақсадида топширилган, кичик эсдалик совғалари;

- тез яроқсиз ҳолга келадиган буюмлар, маҳсулотлар (масалан, гуллар, озиқ-овқат ва бошқалар);

- ташкилотларнинг реклама тўпламлари (календарлар, буклетлар, блокнотлар, ёзув қуроллари).

Берилган ёки қабул қилинган ҳар қандай совға суднинг обрўси ёки судьяга таъсир кўрсатишга қаратилмаслиги, шунингдек, бирор-бир функционал мажбуриятлари бузилишига олиб келмаслиги керак. Бироқ, агар улар судьяларга берилган бўлса, бундай нарсалар оқилона ва одатий бўлиши ҳамда ахлоқий метёрларга мос келиши керак.

Судья, агар совғанинг берилиши одатий шароитда унинг мансаб ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ деган хулосага олиб келадиган бўлса, совғаларни қабул қилмаслиги ёки бундай совғаларни қабул қилишга розилик бермаслиги лозим. Судья ўзининг оила аъзолари ва у билан бирга истикомат қилувчи шахсларнинг ҳам бундай ҳаракатларни амалга оширишларини чеклаши лозим.

Агар судья оила аъзоларига одил судловни амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ ҳолда совға тақдим этилганлиги ҳақида хабар топса, бу ҳақда дарҳол тегишли малака ҳайъатига ёки Судьялар олий кенгашига хабар бериши лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “совға” атамаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида ҳадя шартномасининг бир предмети сифатида қаралишига қарамасдан, ушбу атамга Фуқаролик кодексига эмас, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида таъриф берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига “ҳадяни чеклаш” билан боғлиқ норма назарда тутилган бўлса-да, бироқ уни чеклаш билан боғлиқ қоидалар белгиланмаган.

Мисол учун, Россия Федерациясининг давлат лавозимларини эгаллаган шахслар (давлат хизматчилари, муниципал ходимлар, Россия банки ходимлари) га ўзларининг мансаб мавқеи ёки хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан қиймати уч минг рублдан ошмайдиган оддий совғалардан ташқари бошқа мол-мулкларни ҳадя қилишига йўл қўйилмайди.

Улар томонидан хизмат (лавозим) мажбуриятлари билан боғлиқ равишда олинган ва қиймати уч минг рублдан ошадиган совғалар тегишли равишда федерал ёки муниципал мулк сифатида тан олинади ҳамда тегишли органга далолатнома бўйича берилади.

Фикримизча, шу мазмундаги норманинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Элёрбек СОИБНАЗАРОВ,**

*Сирдарё вилоят судининг  
иқтисодий ишлар бўйича судьяси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Травникова А.А. Получение подарка на государственной службе / А.А. Травникова // Общество. Закон. Правосудие. — 2019. — № 3. — С. 44-45.

2. К.Синдаров, Б.Қиличев. Қозилик одоблари. “Odillik mezon” журналининг 2023 йил, 11-сон.

# ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ БЎШЛИҚЛАР, МУАММО ВА ЕЧИМ

**АННОТАЦИЯ:** мақолада Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олишга оид қонун ҳужжатлари, бу бўйича суд амалиётидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритиб берилди.

**Калит сўзлар:** вояга етмаган, боланинг моддий ва маънавий манфаатлари, оила, ота-она, фарзандликка олувчилар, фарзандликка олинувчи, васийлик ва ҳомийлик.

Одатда, бола оилада дунёга келади, тарбияланади ва вояга етади. Бироқ, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, бунинг натижасида болалар ўз ота-оналарининг қарамоғидан маҳрум бўлиб қолишади. Яна шундай оилалар ҳам учрайдики, йиллар давомида фарзанд кутиб ниятига ета олмаган. Демак, кимдир ота-она меҳрига ва яна кимдир тирноққа зор.

Судьялик фаолиятим давомида маҳаллаларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот суҳбатларида фарзандли бўлишни хоҳлаган фуқароларнинг фарзанд асраб олишга алоқадор ҳужжатларнинг кўпчилиги боис фикрларидан қайтишга мажбур бўлганликларини кўплаб эшитишга тўғри келган.

Ушбу масалаларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фарзандликка олиш ҳуқуқий институти инсоният тарихий ривожланиши билан бирга ривожланиб борган.

Албатта, бу оила муҳитини яратишга интилиш сифатида айрим оилаларга муайян имконият, рағбат беради.

Фарзандликка олишдан асосий мақсад маълум бир сабабга кўра, ўз ота-онаси бағрида ўсиш имкониятига эга бўлмаган болаларни оила муҳитида тарбиялаш имконини берса, бошқа томондан, фарзандликка олувчиларга ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиш, эр-хотиннинг оилавий муносабатларини сақлаб қолиш имконини беради.

Фарзандликка олиш натижасида бола учун янгидан оилавий-ҳуқуқий муносабат вужудга келади, худди оилада янгидан фарзанд дунёга келгани каби фарзандликка олувчи ота-онага қонун томонидан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилди.

Ўзбек миллий менталитетига хос бўлган “болажонлик” нафақат ўз фарзандларига балки барча болаларга бўлган ўзбекона меҳрни ифодалайди. Ўзбек халқининг болажонлиги ҳақида сўз очилганда бундай бағрикенгликнинг юксак намунаси бўлган, иккинчи жаҳон уруши даврида турли миллатларнинг етим қолган болаларини асраб, таълим-тарбия берган Шомаҳмудовлар оиласини ёдга оламиз.

Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш масалалари Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига фарзандликка олиш қоидалари тўғрисида алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда фарзандликка олиш, фарзандликка олиши мумкин бўлган шахслар, фарзандликка олинаётган боланинг розилиги, ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш, васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш ва фарзандликка олишни бекор қилишнинг оқибатлари каби кўплаб нормалар акс этган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарорида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Болани асраб олиш фақат суд қароридан сўнг расмийлаштирилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар уларга маълум бўлган фарзандликка олиш билан боғлиқ маълумотларни сир сақлашлари зарур.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилганда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Шу сабабли судлар фарзандликка олинаётган бола манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фарзандликка олиш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги қайд қилинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Ижтимоий воқелик тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг келиб чиқиши объектив ҳолатдир.

Бинобарин, бундай шароитда мавжуд муносабатлар янгича тус олади ҳамда янги муносабатлар вужудга келади. Улар эса, ўз навбатида ҳуқуқий тартибга солинишни талаб этади. Шу жиҳатдан олганда, норма ижодкори бўшлиқлар келиб чиқишининг олдини олиш учун ижтимоий муносабатларни доимий равишда кузатиб, зарур ҳолларда уларни тартибга солишчи қонунчиликни такомиллаштириб бориш зарур.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бирidir. Зеро, ислохотлар самараси қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг мукамаллиги, ўзаро мувофиқлиги ва нуқсонсиз ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда судлар вояга етмаганлар манфаатларига доир фуқаролик ишларини ҳал этиш вақтида ҳуқуқни қўллаш жараёнида тегишли қонунчиликда кўрсатилмаган ва ўз ечимини топиши керак бўлган масалаларга тўқнаш келмоқдалар. Хусусан, фарзандликка олиш, алимент ундириш, уйдан кўчириш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, бола билан кўришиш тартибини белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриш вақтида вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб масалани ҳал этмоқдалар.

Бугун ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳимоясини таъминлаш борасида айрим муаммолар кўзга ташланаяпти.

Бола асраб олиш шунчаки формал жараён эмас, балки масъулиятли, меҳр ва тайёргарлик талаб қилувчи вазифадир. Бола биологик мавжудод бўлиб, унинг ўзига хос психологик ҳолати мавжуд.

Оила кодексининг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур талаблар фарзандликка олинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла даражада ҳимоя қила олмайди.

Бошқача айтганда, фарзандликка олувчи шахсларга қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқиши лозим. Уларнинг ёшига нисбатан энг кичик ёш ва энг катта ёш цензини ўрнатиш, агар турмуш қурмаган эркак ва аёл фарзандликка олиш бўйича муурожаат қилган бўлса, уларнинг энг кичик ёшини, эр-хотиннинг турмуш қуриб бирга яшаётганлик даврини белгилаш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, қуйидаги муаммолар вужудга келиши мумкин.

- Фарзандликка олинган бола билан ота-она ва биологик фарзандлар ўртасида муносабатлар мураккаб бўлиши мумкин.
- Боланинг келиб чиқиши, руҳий ҳолати ва олдинги ҳаёти оилада нуқуллайлик яратиши мумкин.
- Асраб олинган болаларда кўпинча зўравонлик, қаровсизлик, етишмовчилик оқибатида руҳий муаммолар пайдо бўлиши мумкин.
- Уларни қайта ижтимоийлаштириш ва ҳаётга мослаштириш учун ота-онага билим, сабр ва психологик тайёргарлик керак.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддаси 2-қисмига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- "Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги, олтмиш ёшдан ошмаган бўлиши шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир."

Барчамиз бола ўз оиласида тарбияланишини хоҳлаймиз. Бироқ, баъзи сабабларга кўра, биз болани қайсидир оиладан оламиз ва худди шундай шароитдаги бошқа оила қарамоғига бериб қўйишда тўғри қарор қабул қилишимиз зарур.

Суд қароридан сўнг олиб бориладиган назорат қилиш вазифаларни суд қарори чиқиб, кучга киргунга қадар махсус ваколатли органлар зиммасига юклаш бу борадаги ишлар самарадорлигини оширади деб ўйлаймиз.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судлар томонидан кўриб чиқишда боланинг янги оилага мослашувини инобатга олиб, болани фарзандликка олувчиларга суд томонидан бериш тўғрисида суд қарори қабул қилишдан олдин;

● вояга етмагани оилага фарзандликка олувчиларга вақтинчалик бериш тартибини яъни, бунда олти ойгача бўлган муддатни жорий этиш;

● ушбу вақтда психологлар томонидан фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинаётган болани маслаҳат марказларида тайёргарлик курсларидан ўтказиш;

● боланинг оилага мослашувини баҳолаш;

● болага нисбатан оиладаги муҳитни баҳолаш (боланинг соғлиғи, таълим ва умумий ривожланиши);

● фарзандликка олувчилар билан муносабати, меҳр ва диққат-эътибор даражаси;

● боланинг ўзини янги оилада қандай ҳис қилиши;

● жисмоний тарбия ва овқатланиши;

● жисмоний/руҳий зўравонлик белгилари йўқлиги каби ҳолатларни махсус ваколатли орган зиммасига юклатиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига фарзандликка вақтинчалик бериш (вақтинчалик тарбияга олиш)нинг ҳуқуқий тартиби мавжуд эмас.

Фарзандликка вақтинчалик оилага олиш тартибини белгилаш келгусида боланинг доимий фарзандликка берилишигача бўлган даврда уни оила муҳитида парваришлаш, руҳий ва жисмоний ривожланишига хизмат қилади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини 154<sup>1</sup>-модда. "Фарзандликка вақтинчалик олиш" тўғрисида қуйидаги модда билан тўлдириш таклиф қилинади:

- "Фарзандликка олувчиларга фарзандликка олинувчи вақтинчалик олти ой муддатга берилади.

Фарзандликка вақтинчалик олиш суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Фарзандликка вақтинчалик олиш фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасига унга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидан махрум этмайди, фақат уни амалга ошириш вақтинча тўхтатилади.

Фарзандликка вақтинчалик олган шахсларда фарзандликка олинувчига нисбатан вақтинчалик ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади."

Асосан фарзандсиз оилалар, турмушидан фарзанди бўлмайд ажрашган аёллар бола асраб олишни исташади. Айрим оилалар борки, улар фарзандлари бўла туриб, етим болага ғамхўрлик қилишади.

Махфийлик ва шаффофлик мувозанатини бузмаган ҳолда фарзанд асраб олиш жараёнини автоматлаштириш, фарзандликка олувчиларни электрон ариза топшира олишлари ва уни электрон кузатувни ташкил этиш учун ягона интерактив давлат хизматини ташкил қилиш, болаларни жисмоний, руҳий зўравонлик белгилари тўғрисида мустақил равишда шикоят қилиш имконига эга бўлган тезкор платформани яратиш зарур.

Болани бегона оила асраб олиш билан боланинг яқин қариндошлари томонидан асраб олишдаги фарқли жиҳатларни тизимлаштириш, бу борада ҳужжатларни йиғиш жараёнларини ҳам соддалаштириш ва тартибга солиш зарур.

Мазкур қоидаларнинг киритилиши фарзандликка олинаётган болаларнинг келажакдаги ҳаётини яхшилашда муҳим ўрин тутди. Эртамиз эгалари бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, келажакда уларнинг Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотиржамлик, меҳр-муҳаббат, ишдаги барака, рўзгордаги тўкинлик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти... Буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиради: Оилавий бахт...

**Зиёдахон СОЛИЕВА,**

*фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди судьяси, юридик фанлар номзоди.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент –Ўзбекистон-2025 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал кодекси. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2022.

# "ВИЖДОН ЙЎҚОЛГАН ТУН: КИМ АДОЛАТ ҚЎРИҚЧИСИ?"

**Бу тун шунчаки қоронғу кечалардан эмасди. Бу тун — адолат кўзларига губор тушган, ҳақиқат сукунатга чўмган, инсон шаъни эса пул билан ўлчанган тун эди.**

2014 йилнинг май ойи. Шимолий Шўртан нефть қонида бечора замин қони – 45 тонна нефть юк машиналарига ортилиб, ноқонуний йўл билан юборилди. Ҳа, адашмадингиз, 45 тонна! 37 миллион сўмлик давлат бойлиги шу тарзда қора бозорга йўл олди.

Лекин, бу фақат моддий талафот эмасди. Энг ачинарлиси — бундай оғир жиноят содир этилаётган пайтда, уни тўхтатиши, фош қилиши ва олдини олиши шарт бўлган инсонлар... ўз вазифаларидан воз кечишди. Улар "қонун" деб юрган одамлар — С.А., Б.Ш. ва мен — Ф.М. Фарқи шундаки, мен судландим. Уларчи?

Қонунни ким кўз қорачигидек асраши керак?

Мен — Ф.М., Гузор тумани ИИБ Шўртан қўрғон милиция бўлинмасида жиноят қидирув бўлими тезкор вакили бўлиб ишлаганман. Ҳар куни мендан: "Далилни топ!", "Жиноятчини ушла!", "Хавфсизликни таъминла!" дейишарди. Ва мен бажардим.

Аммо, ўша кун — тан оламан — мен ҳам содир этилаётган жиноятга кўз юмишга мажбур бўлдим. Менинг бўлимидан юқорида турганлар — С.А. ва Б.Ш. — бу "операция"ни тўлиқ назорат қилар, "юқоридан ҳал қилинган", дея ишонч уйғотар эдилар. Улар ўз мавқе ва таъсиридан фойдаланиб, йўлни "тозалашди". Ва мен ҳам шунга юз тутдим. Афсус.

Пул... 2 миллион сўм. Ҳақиқат шуки, бу пул менинг ҳаётимни ҳам, шарафимни ҳам, обрўйимни ҳам тортиб олди. Ўйлай-

ман: менга бериладиган жавобгарлик нега бошқаларга ҳам татиб этилмайди? Нега адолат фақат бир одамга ишлайди?

Жиноятчилар озод, қўриқчи эса қамокда?

Г.П., Н.М., А.Ҳ. каби шахслар бу жиноятда иштирок этгани қайд этилган. Уларнинг ортидаги қўлловчилари, манфаатдор шахслар, воситачи Х.А. ҳам шунчаки "қоронғуда йўқолиб кетди". Лекин, Ф.М. судланди. Чунки у — тизимда катта эмасди. Уни қурбон қилиш осон эди. Тезкор вакилини судлаш — "иш очилди", "жавобгар топилди", деган кўринишни берди.

Қонун фақат кичкина одамлар учунми?

Мен бу сатрларни ёзмокдаман, чунки ҳали ҳам юрагимда умид бор: одамлар эшитади, жамоатчилик билиб қўяди, ҳақиқат бир кун юзага чиқади. Бу ишда менинг айбим бор — тан оламан. Аммо, бу айб мен учунгинами?

Мен билан бирга "тил бириктирган"лар, "кўз юмиб" турганлар, "йўл очиб берганлар" — уларнинг жавобгарлиги қаерда? Ф.М.

Судланган, аммо умидни йўқотмади, адолат кеч бўлса ҳам ўз сўзини айтди, Ф.М. оқланди. Адолат кечикди... лекин келди!

Инсон ҳаётида баъзи хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Айбловлар, туҳматлар, муҳр босилган сўзлар ҳаёт йўлини ўзгартириши мумкин. Аммо... ҳақиқат — у ҳамиша ўз йўлини топади. Олдиндан ёзилган сценарийлар қанчалик мукаммал бўлмасин, ҳаётда бир нарсаси бор: у ҳам бўлса инсоннинг тўзим ва ҳақиқатга бўлган ишончи.

Ф.М. суд залида жон ҳолича ўзини ҳимоя қилди. Ўз сўзини айтишдан, ҳақиқатни гапиришдан қайтмади. Ва ниҳоят, суднинг қатъий ҳукми билан Ф.М. айбсиз деб топилди. Унга нисбатан чиқарилган оқлов ҳукми бугун жамият учун нафақат қонуний, балки маънавий ишорадир:

"Агар сиз ҳақ бўлсангиз, охир-оқибат ҳақиқат сизни топади."

Бу оқлов — бир инсоннинг нафақат озодликка чиқиши, балки шаъни, номуси, шарафининг тозаланишидир.

Ушбу иш бўйича жамоатчиликнинг эътибори, мурожаатлар ва ёритишлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу — жамоатчилик назорати, шаффофлик ва муҳокама маданиятининг муҳимлигига яна бир бор далилдир.

Хулоса: қонун қўли узун, аммо виждон ундан узунроқ.

Ҳа, қонун ўз сўзини айтди. Аммо бу тарихда қолиши керак бўлган дарс бор:

адолатни кечиктириш — уни инкор этиш билан тенг.

Ҳақиқатни яшириш мумкин, аммо уни йўқ қилиб бўлмайди. Бир инсоннинг қисмати билан ўйнашиш — бутун тизимга ишончни йўқотади.

Ф.М. оқланди. Лекин бу фақат у учун эмас — бу юртимиздаги ҳар бир соф ниятли инсон учун галаба.

**Овул тирик мавжудот  
каби ўзининг абадий қо-  
нунлари билан яшайди.  
Ўшалардан энг  
муҳимлари — кексаларга  
ҳурмат ва етти ота-  
бобони билишдир. Лекин,  
яна бир нарсани эсдан  
чиқармаслик лозим:  
келажакда ўзинг ҳам  
етти ота-бобо қатори-  
дан жой оласан...**

**Чингиз АЙТМАТОВ**

**Фазлиддин ЧОРИЕВ,**  
Қашқадарё вилоят суди судьяси.

# ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИДА ЖИНОЯТГА ПРОВОКАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**ЖПКнинг 88-моддасида шахсни гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бунинг оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш тақиқланиши кўзда тутилган.**

Пора олиш, валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар юзасидан тезкор-қидирув тадбирларида провокация элементлари мавжудлиги кўзга ташланади.

Гиёвандлик воситаларини назорат тартибида сотиб олиш бошқа шахсга нисбатан чиқарилган қарор асосида ўтказилиши, ёки тадбир амалда ўтказилганидан сўнг расмийлаштирилиши, мазкур қарорларнинг ваколати бўлмаган мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши, уларда тадбир ўтказиш мақсади, жойи, вақти ва объектлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги шундан далолат беради<sup>1</sup>.

Бу эса ўз навбатида, тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий назоратнинг самарадорлиги пастлигини кўрсатади.

Мазкур тезкор-қидирув тадбирининг аниқ таърифи мавжуд эмаслигидан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари ва ижтимоий хавфли қилмишни провокация қилувчи ҳаракатлар ўртасида чегарани белгилаш мураккаб<sup>2</sup>.

Бу ўринда асосий муаммо, жиноят ишини мазмунан кўришда, шахс тезкор қидирув тадбири давомида гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш натижасида жиноят содир этганлиги ҳақида судланувчининг вазларини текшириш механизми билан боғлиқ.

Жиноятга провокация қилишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, мазкур ҳаракат натижасида нафақат муайян шахс асоссиз жиноий жавобгарликка тортилади, балки одил судлов принциплари поймол қилинади, жамиятда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг умумий фаолиятига ва қонун устуворлигига ишончсизлик юзага келади, айнан шундай жиноятлар бўйича суд ҳукмларининг легитимлигига путур етади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” Қонуннинг 17-моддасида фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундаш тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар сирасига киририлган.

ТҚТни ўтказиш жараёнида тадбир объекти ўз хатти-ҳаракатини танлаш имконига эга бўлмайдиган шароитлар яратилишига йўл қўйиб бўлмайди<sup>3</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига кўра тезкор-қидирув тадбирини ўтказаетган органдан мустақил бўлган орган, шу жумладан суд ёки прокуратура томонидан санкция берилиши назорат остида олиш тезкор тадбирини ўтказишдаги эҳтимолий провокациядан ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади. Бироқ, суднинг фикрича тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий назорат етарли даражада самарадорликка эга эмас<sup>4</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди “Ваньян Россияга қарши” (2005 йил 15 декабрь) ва “Худобин Россияга қарши” (2006 йил 26 октябрь) ишлари бўйича қарорларида назорат остига олиш тезкор тадбирини ўтказишда провокация қилиш масаласига алоҳида тўхталган. Жумладан, Ваньяннинг шикоятини кўриш давомида жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан аризонанинг тани-

шини назорат остига олиш тезкор тадбирига жалб қилганлиги ва у орқали аризонаниги гиёванд модда сотиб олиш учун пул берганлиги аниқланган.

Оғдириш ва ундириш усуллари сифатида ТҚТ объектининг онгига, унинг иродасига босим қилувчи ҳар қандай шаклдаги таъсирлар (кўндириш, пора бериб сотиб олиш, ишонтириш, топширик бериш, буюриш, илтимос қилиш, босим ўтказиш тушунилиши лозим<sup>5</sup>.

С.Радачинскийнинг фикрича жиноятга провокация қилиш далолатчиликдан фарқли бўлиб, қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

провокация провокация қилинаётган субъектнинг жиноий қилмишининг фақатгина ташқи белгилари бўлган, исталган ҳулқ атвор моделини юзага чиқаришни таъминлаш мақсадига боғлиқ;

провокацион ҳулқ атвор провокация қилинаётган шахснинг онги билан қамраб олинмайдиган, айбдор шахснинг бир томонлама қасддан қилинган фаолияти орқали амалга оширилади;

провокатор шахснинг провокация қилинган “жиноий” қилмишдан биргаликдаги жиноий натижага эришиш учун эмас, балки шарманда қилиш ёки айбловнинг сунъий далилларини юзага келтириш учун фойдаланишни кўзлайди;

провокаторнинг ҳаракатлари мақсади провокация қилинган шахс учун зарарли оқибатларни келиб чиқиши;

провокаторда фақатгина тўғри қасднинг бўлиши, бунда ушбу қасд жалб қилинган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг тури ва оқибатига эмас, балки уни содир этиш фактига қаратилган бўлиши<sup>6</sup>.

Бироқ, биз мазкур олимнинг тезкор-қидирув фаолияти давомида жиноий фаолиятни фожали қилиш, айбдор шахслар доирасини аниқлаш, оғир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қилинган провокация гарчи қўриқланаётган объектга зарар етказсада, ижтимоий фойдали эканлиги сабабли провокациянинг айрим шакллари қилмишининг жиноийлигини истисно этувчи ҳолат эканлиги ҳақида фикрларини асоссиз деб ҳисоблаймиз, сабаби ушбу ёндашув мақсад воситани оқлаши ҳақида ахлоққа зид тушунчага асосланган.

Умуман, жиноятга провокация қилишнинг жиноят содир этган шахсни фожали қилишга қаратилган қонуний фаолиятдан асосий фарқи, жиноят содир этишга қаратилган қасдни шакллантиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иштироки билан боғлиқ.

Гарчи, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс унга нисбатан айблов провокация натижаси эканлиги ҳақида ваз келтирмаган ва айбига иқрорлик билдирган тақдирда ҳам, суд муҳокамаси давомида тезкор-қидирув тадбирининг қонунийлигига баҳо берилиши зарур.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” Қарори 8-бандини тўлдириб, суд судла-

нувчининг айбига иқдорлигидан қатъий назар тезкор-қидирув тадбири давомида олинган далилларнинг мақбуллиги, шу жумладан тезкор-қидирув тадбирининг қонунийлигини текшириш зарурлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суд амалиётида шахс ўзининг ушлангандан сўнг берган тушунтириш хатида айбига иқдорлик билдирган, кейинчалик тергов ва судда ўзининг айбига иқдор бўлмаган ҳолларда, тезкор-қидирув тадбирини ўтказган ва тушунтириш хатини олган тезкор ходимларни сўроқ қилиш йўли билан далиллар мажмуидаги бўшлиқни тўлдириш ҳолатлари учрайди.

Бироқ, ҳимоячи иштирокисиз берилган иқдорлик кўрсатувларидан, кейинчалик тергов ва суд жараёнида тасдиқланмаган ҳолатда фойдаланиш мумкин эмаслиги, мазкур кўрсатувлардан билвосита фойдаланиш имконини ҳам чеклайди.

Шу билан бирга, ушланган шахснинг кўрсатувида боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, шу жумладан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари ва тартиби, далилларни аниқлаш ва олиб қўйиш билан боғлиқ масалалар юзасидан бўшлиқларни тўлдириш мақсадида тезкор ходимларнинг сўроқ қилинишига монелик мавжуд эмас.

Бироқ, тезкор ходимларнинг судланувчида тезкор тадбир ўтказилгунга қадар, жиноят содир этишга қасд бўлганлиги ҳақида махфий маълумотлар мавжуд бўлганлиги юзасидан суддаги кўрсатувининг ўзи мазкур маълумотлар судга тақдим қилинмаган ва суд томонидан текширилмаган бўлса, қасднинг аввалдан мавжуд бўлганлигини исботлаш учун етарли бўлмайди.

Бинобарин, тезкор қидирув тадбирига қадар судланувчида жиноят содир этишга қасд бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиши ва ушбу маълумотларни судда текшириш имконияти мавжудлиги аввалдан шакланган қасд мавжудлигини текшириш воситалари ҳисобланади.

Назорат остига олиш ва назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбирлари аксарият ҳолларда жиноий фаолият билан шуғулланиб келаётганлиги ҳақида тезкор маълумотлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан ўтказилади. Бироқ, мазкур шахсларда аввалдан шакланган қасд мавжудлигини исботлаш учун мазкур маълумотларни процессуал шаклда қайд қилиш ва исботлашда фойдаланиш талаб қилинади.

Хатто айрим ривожланган давлатларда (АҚШ, Германия) тезкор-қидирув фаолиятида провокацияга йўл қўйилиши, муайян турдаги жиноятларда провокация қилмасдан жиноятни аниқлаш имконсизлигидан келиб чиқиб, баъзи олимлар “ҳуқуқ доирасидаги провокация” мавжудлиги ҳақида фикрни илгари сурган бўлсада<sup>7</sup>, провокациянинг қайси даражаси “ҳуқуқ доирасида” бўлиши ҳақида чегара белгиланмаган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам ўзининг қарорларида Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақида Конвенция агар жиноятнинг хусусияти талаб қилса, дастлабки тергов босқичида, аноним хабарчи каби манбалардан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслигини таъкидлаган. Бироқ, ҳокимият органлари ноошкора тадбирни ташкил қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлганлигини исботлаши, жиноят содир этишга тайёргарлик бўлаётганлиги ҳақида аниқ ва холис маълумотларга эга бўлиши, шунингдек ҳокимият органлари томонидан фойдаланиладиган ҳар қандай маълумотни текшириш имкони бўлиши талаб қилинади<sup>8</sup>.

Умуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан жиноятга провокация қилишнинг икки тури ажратилади:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёки уларнинг топшириғига асосан ҳаракат қилган бошқа шахслар томонидан содир қилинган провокация;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими бўлмаган ва уларнинг топшириғига асосан ҳаракат қилмаган бошқа шахслар томонидан содир қилинган провокация.

Бунда суднинг фикрига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёки уларнинг топшириғига асосан ҳаракат қилган бошқа шахслар томонидан содир қилинган провокация ҳақида важлар юзасидан презумпция амал қилади. Яъни, шахсга нисбатан провокация бўлмаганлигини исботлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига юклатилади. Бундай далилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тақдим қилинмаслиги провокация факти мавжудлигини англатади ва ундан жабрланган шахснинг жиноий жавобгарлигини истисно қилади<sup>9</sup>. Яъни, суд жиноятга провокация қилишнинг ҳам моддий ҳам процессуал жиҳатини ажратиб, шахсда тезкор тадбирга қадар шакланган қасд мавжудлигини исботловчи далиллар судда муҳокама қилинмаганлигини шахснинг одил судловга бўлган ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳолаган.

#### **Жиноятга провокация қилишнинг процессуал мезони:**

1) айбланувчи ёки судланувчига тергов ёки суд муҳокамасида провокация қилинганлиги ҳақида илтимоснома киритиш имкони берилмаганлиги;

2) айбланувчи ёки судланувчига тергов ёки суд муҳокамасида жиноят содир этишга провокация қилинганлиги ҳақида илтимоснома берган бўлсада, тергов органи ва судлар провокация ҳолати бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида далилларни текширмаган бўлса (ТҚТни ўтказиш асоси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жиноят содир этишдаги иштироки, жиноят содир этишга далолатчилик ёки босим даражаси).

Гийҳванд воситаларни назорат тартибида сотиб олиш каби асосий далил ноошкора тадбир натижасида олинган ишларда ҳуқуқмат бундай тадбирни ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлганлигини исботлаши керак<sup>10</sup>.

Чунки, ТҚТ ўтказиш учун асос бўлган, жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида маълумотлар объектив, текшириш мумкин бўлган ва жиноий ҳулқ атворнинг эҳтимолий эмас, балки реаллигидан далолат бериши зарур.

Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг жиноятга провокация қилиш бўйича позицияси:

жиноятни фош қилиш бўйича оммавий манфаатлар, провокация натижасида олинган далиллардан фойдаланишни оқлаш учун асос бўлмайди, сабаби бу айбланувчининг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи бузилишига олиб келади;

айбланаётган шахсда тезкор тадбирга қадар аввалдан шакланган қасд мавжудлиги исботлаш мажбуриятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юклатилади;

аввалдан шакланган қасд мавжудлиги ҳақида далилларнинг тақдим қилинмаслиги ёки махфийлиги важи билан тақдим қилишдан бош тортиш провокация ҳолати тасдиқланган деб топишга асос бўлади (презумпция);

ҳимоя томонига ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан тақдим қилинган далиллар билан танишиш имкони берилиши керак.

ТҚТни ўтказиш устидан мустақил назорат ўрнатилиши зарур (прокурор ёки суд назорати).

Бинобарин, жиноятга провокация қилиш учун жавобгарлик белгиланиши, ТҚФ субъектлари томонидан қонун билан берилган

ваколатларни суиистеъмол қилиб, айбловнинг сунъий далиллари-ни яратиш ва айбсиз шахснинг жавобгарликка тортилишининг ол-дини олишга қаратилган ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Сабаби, ТҚТни ўтказиш асослари объектив маълумотлар бў-либ, қонун чиқарувчи томонидан ТҚТни ўтказиш асослари ва унинг шартлари алоҳида белгиланиши, унда шахс ҳуқуқларини кафолат-лашга қаратилган.

Беларусь Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғри-сида"ги қонуни 15-моддасига мувофиқ, тезкор эксперимент жи-ноий фаолияти ҳақида маълумот мавжуд бўлган фуқарога нисба-тан ва қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда ўтказилиши қўзда тутилган:

фуқарога ёки унинг яқинларига нисбатан тайёрланаётган, со-дир этиладиган ва содир этилаётган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноят содир этилаётганлиги ҳақида ариза-нинг мавжудлиги;

аниқ шахсга нисбатан ўтказилиши (номаълум шахсга нисба-тан эмас);

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органда тай-ёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида дастлабки маълумотларнинг мавжудлиги.

Россия Федерацияси ЖК 304-моддаси, Беларусь Республика-си ЖК 396-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖК 349-моддаси, Тожикистон Республикаси ЖК 321-моддаси, Украина ЖК 370-мод-даси, Қирғиз Республикаси ЖК 348-моддаси, Туркменистон ЖК 212-моддасида жиноятга провокация қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Бирок, РФ ЖК фақатгина пора олиш ва тижоратда пора эва-зига оғдиришда провокация учун жавобгарликни қўзда тутати. Бе-ларусь Республикасида учта жиноят, Тожикистон Республикасида (пора олиш), Қозоғистон Республикасида коррупция билан боғлиқ 18 та жиноят, Туркменистон ЖКда (пора бериш ёки пора олишга провокация, наркотик воситалар муомаласи)да провокация қилиш учун жавобгарлик қўзда тутилган.

Буюк Британия ва АҚШда полиция томонидан амалга ошири-ладиган провокация "тузоққа тушириш" (entrapment) деб аталади, буни аниқлаш учун судлар томонидан субъектив ва объектив ме-зон қўлланилади.

Субъектив белгилар нуқтаи назаридан шахснинг хусусиятлари ва гумон қилинувчининг ақлий ривожланиш даражаси инobatга олинади, сабаби жиноят содир этишга мойиллик полиция агенти билан тўқнаш келгунига қадар мавжуд бўлиши мумкинлиги ино-батга олинади<sup>11</sup>.

Жумладан, Буюк Британия Лордлар палатасининг "Regina v. Looseley" иши бўйича қарорида давлат учун ўзининг яширин агент-лари орқали фуқароларни қонун билан тақиқланган ҳаракатларга оғдириб, кейинчалик уларни бу учун жиноий жавобгарликка тор-тишни қабул қилиб бўлмаслиги, бундай ҳаракатлар провокация ҳи-собланиши, полиция агентларининг қилмиши ҳокимият ваколатла-рини суиистеъмол қилиш ва жиноят ишлари бўйича одил судловга тажовуз сифатида малакаланиши зарурлиги қайд қилинган<sup>12</sup>.

АҚШнинг айрим штатларида шу жумладан (Калифорния, Техас ва Мичиган)да объектив мезон қўлланилади. Объектив мезон по-лициянинг жиноий хулқ атворида таъсири даражасини, шунингдек жиноят содир этиш қасди қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш им-конини беради.

Полиция агентларининг ҳаракатлари қонунийлиги аниқланган-да субъектив мезонлар аҳамиятга эга бўлмайди.

"Jacobson v. United States" ишида АҚШ Олий Суди шахсда жиноят содир этилгунга қадар шаклланган қасд мавжудлигини исботлаш мажбурияти айблов томоннинг зиммасида эканлигини таъкидлаган<sup>13</sup>.

АҚШ Намунавий жиноят кодекси §2.13 параграфига му-вофиқ, қонунни ижро қилувчи мансабдор шахс ёки у билан ҳамкорлик қилувчи шахс, тажовуз содир этилганлиги ҳақида далилларни олиш мақсадида, фактлар ҳақида ёлгон таассурот шакллантириш, ишонтириш, қўзғатиш орқали бошқа шахсни жи-ноят содир этишини рағбатлантириши провокация ҳисобланади. Жиноий таъқибга учраган шахс агар унинг ҳаракати провокация натижаси эканлигини исботлай олса унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади.

Гарчи, ЖПКнинг 82-моддаси агар тезкор-қидирув тадбирла-рининг натижалари шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар да-лил сифатида тан олиниши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, шахсни айблаш учун нафақат тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари балки тергов ҳаракатлари асос бўлиши мумкинлиги, умуман провокациянинг ҳуқуқий оқибатлари ЖПКда белгилан-маган.

Фикримизча, провокация натижасида олинган ҳар қандай да-лил мақбул эмас деб топилиши, судланувчининг провокация ҳақи-да важини инкор қилувчи, шунингдек аввалдан шаклланган қасд мавжудлиги ҳақида далиллар билан ҳимоя тарафни таништириш ва исботлаш мажбурияти айблов томонга юклатилиши шахс ҳуқуқла-рини ҳимоя қилишда қўшимча процессуал кафолат вазифасини бажаради.

Бундан ташқари, провокация ҳақида мурожаатларни ҳар то-монлама ва ҳолисона текшириш, кўп жиҳатдан юқори инстанция-ларнинг барқарор ҳуқуқий позициясига боғлиқ.

**Ганишер ХИДИРОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси*

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шатохин И.В. принцип уважения и соблюдения прав и свобод человека и гражданина в оперативно-розыскной деятельности: дис. ... канд. юрид. наук. Барнаул, 2018. С. 72.
2. Лаптев П.А., Федоров А.В. О необходимости совершенства Российского оперативно-розыскного законодательства с учетом Постановления Европейского Суда по правам чело-века по делу "Ваньян против Российской Федерации" // Наркоконтроль 2006. № 4. С. 38.
3. В.Каримов. Тезкор-қидирув фаолияти:дарслик/-Тошкент, Lesson press, 2021. 164-б
4. Веселов и др. против России [Электронный ресурс]: постановление ЕСПЧ по делу от 2 октября 2012 г. П. 126. Доступ из справ.-правовой системы "КонсультантПлюс"
5. В.Каримов. Тезкор-қидирув фаолияти:дарслик/-Тошкент, Lesson press, 2021. 164-б
6. Радачинский С.Н. Провокация преступления как комплексный институт уголовного нрава: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Н.Н., 2011. – 12 б.
7. Миллюков С.Ф., Никуленко А.В. Неочевидные решения проблем силового противодей-ствия преступности // Всероссийский криминологический журнал. 2021. Т. 15, № 1. С. 36–45.
8. Носко и Нефедов против России: постановление Европейского Суда по правам чело-века по делу от 30 октября 2014 г. Жалобы № 5753/09, 11789/10, п. 51, 52 [Электронный ресурс]. Доступ из справ.-правовой системы "Консультант Плюс"
9. Teixeira de Castro v. Portugal, Reports 1998-IV: постановление ЕСПЧ от 09.06.1998 // СПС "Консультант Плюс". Дело "Раманаускас (Ramanauskas) против Литвы" (жалоба № 74420/01): постановление ЕСПЧ от 05.02.2008 // СПС КонсультантПлюс.
10. "Веселов и другие (Veselov and Others) против Российской Федерации": постановле-ние ЕСПЧ от 02.10.2012 // СПС Консультант-Плюс.
11. The Subjective Test // Samaha J. Criminal Procedure. 7th ed. 2008. P. 363–367
12. "Regina v. Looseley" [2001]. UKHL 53. Lord Nicholls. § 1. URL: <http://www.publications.parliament.uk/pa/ld200102/ldjudgmt/jd011025/loose-1.htm>; Ashworth A. Re-drawing the Boundaries of Entrapment[2002]Criminal Law Review. Vol. 161.
13. "Jacobs on v. United St ates" 503 U.S. 540 (1992): United States Reports. Vol. 503. P. 540—561. URL: <http://www.supremecourt.gov/opinions/boundvolumes/503bvp.pdf>

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА НОРАСМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ЛАТЕНТ ҲОЛАТЛАР

*Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳуқуқий институт сифатида жиноят учун жавобгарлик чораси бўлиб хизмат қилса-да, унинг ижтимоий-психологик оқибатлари ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Изоляция шароитида турмуш тарзи ва маънавий меъёрлардан узилиш, стресс, хавф-хатар ҳисси ҳамда норасмий гуруҳлар таъсири маҳкум шахсида жиноятга мойиллик тўғриси шаклланишига туртки бериши мумкин. Шунинг учун жазони ижро этиш жараёнида нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ва психологик омилларни чуқур таҳлил этиш жиноятчиликнинг олдини олиш ва маҳкумларни қайта ижтимоийлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.*

Жиноятга ундовчи омиллардан бири — тарбиявий ва интизомий ишлар самарадорлигининг пастлиги ҳамда интизомий амалиётдаги камчиликлардир. Хусусан, қоидабузарлик қилган маҳкумларга нисбатан тегишли чоралар қўлланмаслиги ва маъмуриятнинг масъулиятсизлиги бу муаммони янада чуқурлаштиради.

Илмий тадқиқотларда озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги ғайриқонуний фаолият латент (яширин) ҳуқуқбузарликлар — асосий таҳлил кўрсаткичи сифатида баҳоланади. Маҳкумлар томонидан содир этиладиган бундай ҳаракатлар жиноятчилик доирасида ҳам, ички режим қоидалари бузилиши нуктаи назаридан ҳам тизимли таҳлил этилиши шарт.

Ҳуқуқшунос Д.А.Таджибаеванинг фикрича, жазони ижро этиш муассасаларидаги салбий ҳолатларнинг латент характери — унинг расмий ҳисоботларда акс этмаслиги, жазони ижро этиш муассасаларидаги ҳуқуқбузарлик кўламини аниқлашда жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, режим бузилиши, ички тартиботнинг сусайиши, маъмурий назоратга етарли даражада амал қилмаслик ва маҳкумлар томонидан қонунбузарликка нисбатан тоқатли муносабат шаклланишига олиб келади.

Шу боис, латент ҳолатдаги ғайриқонуний ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш омилларини илмий асосда таҳлил қилиш ва бунга қарши самарали институтчионал чоралар ишлаб чиқиш, жазони ижро этиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро илмий манбаларда ҳам ўринли равишда қайд этилганидек, жазони ижро этиш муассасаларида режим талабларининг бузилиши — жиноят содир этилиши учун қулай шароит яратиб, криминоген муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилади<sup>2</sup>. Айниқса, ички тартибот бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар маҳкумларда жазони енгиллаштириш, жазодан қутулиш ёки ҳуқуқбузарликни яшириш имконияти борлиги ҳақидаги таассуротни шакллантиради. Бу эса латент жиноятчиликнинг ўсишига замин яратади.

Шу нуктаи назардан қаралганда, жиноятчиликнинг яширин (латент) қисми орқали келтириладиган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий зарар кўламини аниқланган ва расмий ҳисоботга олинган жиноятлар оқибатларидан кам эмас, балки кўп ҳолларда ортиқ бўлади.

Қ.Р. Абдурасулова бу борада жиноятчиликнинг латент (яъни, ошкор этилмаган ва жазосиз қоладиган) тури хусусида эътиборга молик фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, жамоатчилик назоратидан четда қолган ва ҳуқуқий баҳога лойиқ топилмаган бундай жиноятлар ўзининг энг хавфли

жиҳати билан ажралиб туради — яъни, улар жамият томонидан рад этилмасдан, жазога тортиш механизмлари ишга тушмасдан, жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан тоқатли муносабат шаклланишига замин яратади<sup>3</sup>.

Мазкур ҳолат жиноятчиликнинг илдиз отиши ва кўламини кенгайтиришига, шунингдек, жазо муқаррарлиги тамойилининг сусайишига олиб келиб, ҳуқуқ-тартибот тизими самарадорлиги ҳамда жамиятдаги ҳуқуқий онг ва маданиятга салбий таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятларга маъмурият интизомий бузилиш сифатида қараб, жазосизлик муҳитини яратади. Бу эса “жазодан иммунитет” ҳиссини шакллантириб, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун замин ҳосил қилади.

Бундай ҳолатлар криминоген мотивациянинг тўғридан-тўғри сабаби эмас, балки уни ривожлантирувчи ижтимоий-психологик ва ташкилий шароит сифатида хизмат қилади. Ташкилий, тарбиявий ва назорат соҳасидаги камчиликлар маҳкумлар ўз муносабатларини норасмий меъёрлар асосида тартибга солишга имкон беради, бу эса ички режимни сусайтиради ва криминоген муҳитни мустаҳкамлайди.

Айрим тадқиқотларда маҳкумлар ўртасида кўп босқичли иерархия ва “ўғрилар қонунлари” деб аталувчи ёзилмаган қоидалар мавжудлиги қайд этилади. Унга кўра:

барча ўзаро муносабатлар маъмуриятдан сир тутилади; шахсий низоларда маъмуриятга мурожаат қилиш тақиқланади;

маъмурият билан шахсий манфаат асосида ҳамкорлик хиёнат ёки “шаънга доғ” сифатида баҳоланади<sup>4</sup>.

Мазкур норасмий муносабатлар тизимининг аксил таъсири, амалий жиҳатдан, жазони ижро этиш муассасаларида тартиботни таъминлаш ва маъмуриятнинг қонуний талабларини бажартиришга доир саъй-ҳаракатлар самарадорлигини пасайтиришда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, бу ҳолат ўз аксини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси (ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш) ҳамда 221-моддаси (жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик)да назарда тутилган жиноятларнинг 2023 ва 2024 йиллардаги содир этилиш кўрсаткичлари таҳлилида топган<sup>5</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ушбу моддалар бўйича жиноятлар сонидан кескин камайиш ёки ўсиш кузатилмаган, яъни кўрсаткичлар муайян турғун ҳолатда қолган. Бу эса маҳкумлар томонидан маъмурият талабларига нисбатан ҳануз муқаррар ва тизимли бўйсунмаслик ҳолатлари сақланиб қолаётганини, расмий назоратнинг самарасизлиги ва норасмий таъсир омилларининг устуворлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу

каби тенденциялар жазони ижро этиш муассасаларида тартибот ва интизом масалаларига нисбатан янги, тизимли ёндашувларни жорий этиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

В.Н. Кудрявцевнинг жиноий муҳит хусусида билдирган фикри бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Унинг таъкидлашича: “Жиноий муҳитдаги одатлар — бу муайян субмаданият бўлиб, афсуски, унга кенг маънода умумий аҳоли маданиятининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин”<sup>6</sup>. Мазкур фикр жиноятчилик субмаданиятининг жамиятда қандай қилиб илдиз отиши ва тарқалишини англашга ёрдам беради.

Жиноятчиларнинг дунёқараши ва хулқ-атвор меъёрлари нафақат жиноий муҳитда мустаҳкамланади, балки ёшлар онгига сингиб, уларни ижтимоий норма ва қонуний тартибдан четлатиши мумкин. Бу ҳолат маънавий-мафкуравий йўналишни бузиб, умумий ҳуқуқий онгнинг сусайишига олиб келади.

Шу боис, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқий механизмлар билан чекланмасдан, ахлоқий-маънавий тарбия, ижтимоий иммунитетни шакллантириш ва жиноий субмаданиятга қарши самарали профилактик чораларни амалга ошириш зарур.

Жазони ижро этиш муассасасига тушгач, маҳкум фақат маъмурият билан эмас, балки бошқа маҳкумлар билан ҳам доимий ўзаро алоқада бўлади. Бу эса ундан янги ижтимоий муносабат тизимида ўз ўрнини топишни, яъни “лидер”, “ўртаҳол” ёки “четлатилган” шахс сифатида позиция эгаллашни талаб қилади, бу ҳолат эса, кўпинча, маҳкумлар орасидаги муносабатлар динамикаси билан белгиланади<sup>7</sup>.

Маҳкумнинг муайян норасмий тоифаларга кириб қолиши унинг ижтимоий мақоми ва роли пасайишига олиб келади. Шу боис, озодликдан маҳрум этиш жазосини такрорий ёки узоқ муддат давомида ўтаётган шахсларда жамиятдан жиддий узоқлашиш ҳолати юзага келади. Бу эса шахснинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган меъёрларни идрок этиш қобилиятининг сусайиши — яъни хулқ-атворга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар таъсирида вужудга келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жамиятдан бундай узоқлашиш ҳолати маҳкумдаги конкрет криминоген мотивация хусусиятларига боғлиқ ҳолда камида икки йўналишда намоён бўлади:

а) озодликдан маҳрум қилиш муассасасидаги жазо ўташ шароитлари ва тартибига нисбатан муносабатида;

б) жазо муддати тугагач, жамиятга қайта мослашув жараёнидаги муносабатида<sup>8</sup>.

Жамиятдан узоқлашишнинг биринчи шакли нисбатан табиий ва тушунарли ҳисобланади, чунки у инсоннинг ўзи учун янгилик бўлган, кўникамаган муҳитга мослашиш зарурати билан боғлиқдир. Аммо жамиятдан узоқлашишнинг иккинчи шакли — яъни, жазони ўтаб бўлганидан кейин жамиятга қайта мослашишдаги мураккабликлар — жиддий криминологик муаммо сифатида баҳоланади.

Бу борада Г.И. Шнайдер қуйидагича фикр билдиради: “Озодликдан маҳрум қилиш жойларида шахсда тубанлашув (деградация) жараёнлари юз беради. Шуни айтиш мумкинки, жамиятдан ажратилганига жавоб тариқасида маҳкумлар ўзларининг алоҳида ижтимоий тизимини яратишга интидилар”<sup>9</sup>.

Мазкур мулоҳаза, маҳкумларда жамиятдан узоқлашиш жараёнида расмий ижтимоий тизимга нисбатан муқобил —

жиноий муҳитда амал қилувчи норасмий тузилма ва қадриятлар тизимининг шаклланишига ишора қилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳкумнинг криминоген мотивациясини мустаҳкамлаб, унинг реинтеграция имкониятларини чеклайди.

Маҳкумнинг ўз ҳаётини жазони ижро этиш муассасасидаги норасмий қоидалар асосида тартибга солиши, аввало, унинг ушбу муҳитдаги ижтимоий мақомини белгилайди. Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида шахснинг ижтимоий позицияси қатор омиллар асосида шаклланади. Жумладан, М.Ш.Юлдашев таъкидлаганидек, жисмоний куч ва агрессивлик даражаси, моддий таъминот (айниқса “сиртдан ёрдам” билан таъминланганлик), протекционизм — яъни муассаса маъмурияти ёки жиноий “авторитетлар”нинг ҳомийлиги, шунингдек, индивидуал-психологик хусусиятлар — низоларни четлаб ўтиш, мувозанатни сақлаш ва атрофдагилар билан муносабат ўрната олиш қобилияти асосий ўрин тутати<sup>10</sup>.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги ижтимоий-психологик муҳит ва интизомий ишлар самарадорлигининг пастлиги маҳкумларда криминоген мотивация шаклланишига туртки берувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, латент ҳуқуқбузарликлар, маъмуриятнинг масъулиятсизлиги ва норасмий жиноий қоидаларнинг устуворлиги жазо ижросининг тарбиявий мақсадларини сусайтиради. Бу эса маҳкумларда “жазодан иммунитет” ҳиссини шакллантириб, қонунбузарликка нисбатан тоқатли муносабатни кучайтиради. Шу боис, жазони ижро этиш тизимида тартиб ва интизомни таъминлаш, латент ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек, тарбиявий-профилактик ишлар самарадорлигини ошириш нафақат ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлайди, балки маҳкумларда криминоген мотивация ривожини чеклаш ва уларни жамиятга қайтиш жараёнини енгиллаштиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Лобар АМОНОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Таджибаева Д.А. Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштириш. Автореф. дисс. ю.ф.д. (PhD). –Т., 2022. –Б. 97.
2. Антонян Ю.М., Бойко И.Б., Верещагин В.А. Насилие среди осужденных / Под ред. Ю.М.Антоняна. – М., 1994. – 19-б.
3. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б 24.
4. Анисимов В.М. Россия в зеркале уголовных традиций: Монография, - Краснодар, 2003. - 19-б.; Чалидзе В. Уголовная Россия. - М., 1990. 29-б.; Кутякин С.А., Курбатова Г.В. “Воры в законе”: на рубеже веков. - Рязань 2003. - 18-б
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги ЖИЭД. 2024 йил декабрь ойи давомида содир этилган жиноятлар бўйича маълумотлар. 05.06.2025 й.даги 21/38-21 сонли алоқа хати.
6. Кудрявцев В.Н. Проблема мотивации в криминологии // Криминальная мотивация. - М., 1986. - 5-37-б.
7. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: Юридик фанлар доктори (DS) диссертацияси автореферати. – Т., 2017. – Б. 144;
8. Насиров И.С. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган аёллар рецидив жиноятчилигининг олдини олишни такомиллаштириш. Автореф. дисс. ю.ф.д.(PhD). –Т., 2025. –Б. 114.
9. Шнайдер Г.И. Криминология: Пер. с нем. / Под общ. ред и с предисл. Л.О.Иванова. - М., 1994. -167-б.
10. Юлдашев М.Ш. Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш: назария ва амалиёт муаммолари. Автореф. дисс. ю.ф.н. –Т., 2011. – Б. 99-100.

# КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИ МОНИТОРИНГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ:** ушбу мақолада муаллиф норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишдаги ўзига хосликларни таҳлил қилган. Муаллиф таҳлил натижаларини ижтимоий сўров натижалари билан мустаҳкамлаган. Мақолада Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторингини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Конституция, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий мониторинг, мониторинг объекти, мониторинг субъекти, парламент, ижтимоий сўров, респондент.

Конституция ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни ҳисобланар экан, унинг қоидалари ижроси сўзсиз таъминланиши лозим деган ёндашувдан келиб чиқиб, қанчалик даражада Конституция нормалари ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқ, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб амалдаги қонунчиликка муурожаат қилсак. Миллий қонунчилигимизга мувофиқ тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси мажбурий равишда улар кучга киргандан сўнг ҳар йили мониторингдан ўтказилади.

Бунда қонунчиликда Конституция ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида белгиланган бўлсада, ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби бевосита Конституцияга мониторинг объекти сифатида қарамайди.

Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомида ҳуқуқий мониторинг тартибга солиш таъсири доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича ўтказилиши қайд этилган.

Амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғридан-тўғри ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида кўрсатилмаган бўлсада унинг нормалари юзасидан мониторинг ўтказишни таъқиқловчи бирорта қоида ҳам белгиланмаган.

Юридик фанлар доктори Н.Н.Черногор ўз тадқиқотида Конституциянинг ҳуқуқий мониторинг объекти бўлиши масаласига ўз муносабатини билдирар экан, Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси томонидан илгари сурилаётган концепцияда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектилари жумласига кирмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилганлигини, Асосий қонун нормалари мониторингини ўтказиш, конституциявий принциплар ва нормаларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш зарурати тўғрисидаги масала қўйилмаганлигини танқид қилади<sup>1</sup>.

Таниқли ҳуқуқшунос олима Т.Я.Хабриева конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан ушбу ғояни амалга оширишда биринчи навбатда мониторинг ўтказишнинг илмий асосларни такомиллаштириш зарурати тақозо этилишини, бунинг натижасида эса янги илмий йўналиш – конституция мониторинги назарияси пайдо бўлишини алоҳида қайд этади<sup>2</sup>.

Бошқа қонун ҳужжатларидан фарқли равишда ҳуқуқий мониторинг ўтказишда Конституция бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Амалдаги қонунчиликда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектилари жумласига киритилган бўлса-да, уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилмаган. Шу сабабли, қонунчиликдан келиб чиқадиган бўлса Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир хил тартибда ҳуқуқий мониторингини ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бу саволга жавоб бериш бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқий мониторингдан ажралиб турадиган Конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишни талаб қилади. Бизнингча, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторингини амалга ошириш қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

**а) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги махсус субъект томонидан амалга оширилади.**

Амалдаги қонунчиликда Конституция ҳуқуқий мониторинг объектига киритилган бўлсада, уни нормаларининг ҳуқуқий мониторинги қайси давлат органи ёки ташкилот томонидан амалга оширилиши масаласига аниқлик киритилмаган.

Жумладан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга оширади.

Шу ўринда Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги қайси давлат органи томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Мантиқан олиб қараганда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 53-моддасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини амалга ошириши ҳақидаги талабдан келиб чиқилса, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторинги Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, Конституция нормалари ҳуқуқий мониторинги қуйидаги асосларга кўра Олий Мажлис палаталари томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, парламент бетараф орган ҳисобланиб, у Конституция ҳуқуқий мониторингини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликлар ёки хатоларни беркитишга ҳаракат қилмайди. Чунки, парламентда ўзи ўтказган ҳуқуқий мониторинг натижасидан идоравий манфаатдорлик мавжуд эмас;

иккинчидан, парламент давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи ҳисобланганлиги сабабли, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларидан ўзининг мустақиллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли, Конституция ҳуқуқий мониторингининг парламент томонидан ўтказилиши ушбу жараённинг ҳолислигини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади;

учинчидан, парламент аъзолари Конституция ҳуқуқий мониторингини ўтказиш учун тегишли ресурслар билан таъминланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ҳар бир депутатга ёрдамчига эга бўлиш ҳуқуқи берилган бўлиб, уларнинг фаолиятини молиялаштириш сиёсий партия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади<sup>4</sup>.

**б) Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторинги унинг асосий ижодкори ҳисобланган халқ томонидан ўтказилиши мумкин.**

Конституциянинг 2023 йил 30 апрель куни умумхалқ референдум орқали қабул қилинганлиги ҳам унинг халққа тегишли эканлигининг юридик тасдиғи ҳисобланади.

Шу ўринда, Конституция нормалари ижросининг ҳуқуқий мониторинги халқ томонидан ўтказилиши мумкинлиги ҳақидаги савол билан ҳуқуқшунослар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, 152 нафар респондент ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровномада уларнинг 99 нафари ёки жами респондентнинг 64,7 фоизи аҳоли янги таҳрирдаги Конституция нормалари юзасидан мониторинг ўтказишга ҳақли деб ҳисобланишини қайд этган<sup>5</sup>.

**в) Конституциянинг ҳуқуқий мониторинги илмий-тадқиқот ташкилотлар ташаббуси билан ва улар томонидан ҳам амалга оширилади.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституциянинг ҳуқуқий мониторингини ўтказишга илмий-тадқиқот ташкилотларини жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда давлат томонидан ташкил этилган илмий-тадқиқот ташкилотлари зиммасига Конституция нормаларининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш вазифаси ҳам бевосита юклатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашларининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини Ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1808-III-сон қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган бўлиб, ушбу қарорда қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлиги масалаларини ўрганиб бориш институтининг асосий вазифаларидан бири сифатида назарда тутилган<sup>6</sup>.

**г) Конституциянинг муқаддимасида белгиланган масалалар юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайди.**

Конституциянинг муқаддимасида ҳам уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадлари тушунтириш билан чекланган бўлиб, бирор-бир қатъий норма ўрнатаётгани йўқ. Айнан шу сабабли ҳам Конституция муқаддимасида назарда тутилган қоидаларнинг ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Конституция нормалари ижроси ҳуқуқий мониторингини ўтказишда фақатгина унинг муайян масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи моддаларга асосий эътибор қаратилади.

Конституция ҳуқуқий мониторингини ўтказишни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш нафақат Асосий қонун нормалари мазмунини ва улар таъсирини баҳолашга бўлган қарашларнинг ўзгаришига хизмат қилади, балки мамлакатимиз Қомусининг ҳаққоний салоҳиятини янада тўлиқроқ намоён қилишининг қўшимча имкониятларини ҳам яратишга хизмат қилади.

Фикримизча, Конституция ижросининг ҳуқуқий мониторинги қуйидагиларни амалга оширишга хизмат қилади:

биринчидан, ҳуқуқий мониторинг технологиясини тубдан такомиллаштириш, хусусан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти монито-

рингини ўтказиш жараёнида амалга ошириладиган объектлар ўртасидаги бузилган мантиқий кетма-кетликни тиклашга;

иккинчидан, ҳуқуқий мониторинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга, яъни Конституция нормалари билан бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлик кўрсаткичларини оширишга;

учинчидан, ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги мантиқий ёндошувларни ўзгартиришга, яъни қонунлар ижросини эмас, балки муайян конституциявий принциплар ва институтларнинг ҳуқуқий мониторинги ўтказилишига, бу ўз навбатида қонун чиқарувчининг хоҳиши чегарасини, Конституция нормалари доирасидаги муайян ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш имкониятини яратади;

тўртинчидан, қонунчиликни тармоқлар бўйича қатъий тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга доир ишларни мақбуллаштириш имконини беради;

бешинчидан, “Конституция нормаси – қонун – қонуности ҳужжат” кетма-кетликдаги схема бўйича давлат ҳокимиятининг барча даражаларида норма ижодкорлиги фаолиятини режалаштиришни мақбуллаштириш орқали ушбу занжирдаги узилишларнинг олдини олишга шароит яратади;

олтинчидан, фуқаролар ўртасида Конституциянинг обрўсини ошириш, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасида аҳоли ишончини орттириш, давлатнинг Асосий қонуни ижроси ҳуқуқий мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг очик ва оммавийлигини таъминлаш йўли билан унинг алоҳида ҳуқуқий ҳимояси таъминла-нишига хизмат қилади;

еттинчидан, Конституцияга ўзгартириш киритиш ҳақидаги фуқароларнинг ҳар қандай таклифлари кўриб чиқилишини, улар бўйича экспертлик хулосаларини тайёрланишини ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлаш Асосий қонуннинг ҳуқуқий ҳимояси механизmlарини кучайтиришга имкон беради.

**Файрат МАШКУРОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Одиl судлов академияси  
мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Н. Черногор Мониторинг Конституции РФ и его инструментальная роль. Юридическая наука и правоохранительная практика. 3 (6) 2008 г. – С. 22. <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-konstitutsii-rf-i-ego-instrumentalnaya-rol>
2. Конституционный мониторинг: Концепция, методика и итоги экспертного опроса в России в марте 2013 года / Под ред. А.Н.Медушевского. — М.: Институт права и публичной политики, 2014. — 11 с. — (Серия “Современные конституционные исследования”). <https://publications.hse.ru/pubs/share/folder/hea6f9541y/144886556.pdf>
3. Т.Хабриева Конституция Российской Федерации в фокусе современной конституционно-правовой доктрины (к 25-летию Основного Закона России). Журнал российского права № 12 — 2018 г. — 10 С. <https://jrnprnoma.ru/articles/article-2498.pdf?1553004535>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/acts/5678735?ONDATE=15.10.2021%2000%5678974>
5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Машкуров Файрат Абдужалиловичнинг 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи ихтисослиги бўйича “Қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси доирасида ўтказилган ижтимоий сўровнома. <https://docs.google.com/forms/d/18919bt7frT5pVgiAqRVwbkV3kvOuxDcAEkMWFVgC1n/edit#responses>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1808-III/ҚҚ-375-III-сонли Қўшма қарори. <https://lex.uz/docs/5379227>

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ:** мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Муаллиф миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги ногиронлик тушунчаси, унинг ҳуқуқий таърифи ҳамда ижтимоий интеграция масалаларини ўрганган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг халқаро ҳуқуқ нормаларига ўйвуллаштирилиши зарурлиги, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш ва инклюзив ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари ёритилган ҳамда давлат сиёсатида ушбу йўналишнинг устувор аҳамияти ва комплекс чора-тадбирлар зарурлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** ногиронлиги бўлган шахслар, ҳуқуқий мақом, ижтимоий интеграция, халқаро ҳуқуқ, инклюзия, тўсиқсиз муҳит, Ўзбекистон қонунчилиги.

Замонавий жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи халқаро ҳуқуқий-сиёсий доирада устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу масалада фақат тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот чоралари билан чекланиш эмас, балки ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида тўлақонли, самарали ва тенг ҳуқуқли иштирокини кафолатлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий механизмларни такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк йилларданоқ мазкур йўналишда комплекс ҳуқуқий база яратишга алоҳида эътибор қаратди. Бироқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ногиронлик тушунчаси асосан тиббий мезонларга таянган ҳолда ифода этилиб, масаланинг ижтимоий интеграция, инклюзивлик ва тенг имкониятлар каби муҳим йўналишларини етарли даражада қамраб олмаётгани халқаро ҳуқуқ стандартларига ўйвуллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масаласи жаҳоннинг аксарият давлатлари учун кун тартибидagi сиёсий-ҳуқуқий мавзулардан бирига айланмоқда. Бинобарин, замонавий жамиятнинг вазифаларидан бири ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларни жамиятнинг бошқа аъзолари сингари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Дунёнинг барча мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишига тўсқинлик қиладиган ва жамият ҳаётидаги иштирокини қийинлаштирадиган тўсиқлар мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга интеграциялашувида жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий тўсиқларнинг мавжудлиги, уларнинг жамиятдан ажратилиши, пассивлиги ва функционал жиҳатдан қарамлиги, уларга нисбатан жамиятнинг муносабати, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари каби омиллар ҳам масаланинг долзарблигини яна бир маротаба тасдиқлайди. Шу муносабат билан ногиронлиги бўлган шахслар учун жамиятнинг турли хил ижтимоий тизимлари, хусусан, турли хизматлар кўрсатиш, ахборот ва транспортдан фойдаланишдаги тенг имкониятларини таъминлаш орқали тўсиқларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш талаб этилади<sup>1</sup>.

Бу борада мамлакатимиз мустақилликка эришгач, МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, ногиронлиги бўлган

шахслар масаласига алоҳида эътибор қаратди ва 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини қабул қилди. Мазкур Қонун қўшни давлатлар учун ушбу соҳадаги қонунларни қабул қилишда муайян даражада намуна вазифасини ўтади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритишдан аввал “ҳимоя қилиш” тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш мақсадга мувофиқдир. Ҳимоя қилиш деганда, инсонларни бу ҳаётда мавжуд бўлиши ва яшаб қолишлари учун зарур бўлган тирикликнинг муҳим қисмидир. Ҳимоя жисмоний ҳодиса сифатида атрофимиздаги жонли табиатга хос ҳодиса бўлиб, барча тирик мавжудотларда яшашга бўлган ишончни вужудга келтириб қолмай, балки табиатда биологик қонунларнинг амал қилишини таъминлайди<sup>2</sup>.

Шахс умри мобайнида давлат ҳимояси остида бўлади. Бу эса шахс ва давлат ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий ҳодиса сифатида ҳимоя қилиш ўзида субъектив ҳуқуқларнинг эркин ва тўғри амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан суд, қонунчилик ва бошқа воситалар орқали ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс чора-тадбирларни ташкил этади. Давлат ҳимояси остидаги шахсларни уларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлардан сақлайди ва ўзида хавфсизлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд тизими каби давлат тузилмаларини жамлайди.

Инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини ва моддий таъминотини замон талабларига мос равишда қондириш учун меҳнат ва аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, пенсия тизими воситасида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий хусусиятдаги таъминоти каби ижтимоий ҳимоя чоралари амалга оширилади. Давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг мавжудлиги аҳолининг бошқа қисмидан кўра кўпроқ муҳтож бўлган ногиронлиги бўлган шахслар учун жуда муҳимдир.

Жисмоний ёки ақлий-руҳий ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ишлатиладиган ибора борасида жаҳон ҳамжамиятида кенг муҳокамалар олиб борилмоқда. Бир қатор мамлакатлар ва халқаро экспертлар, ушбу соҳадаги махсус ташкилотлар ҳамда



ОАВ томонидан уларга нисбатан ишлатиладиган “ногирон” атамаси инсон ҳуқуқларини чекловчи, ушбу тоифадаги шахсларни камситувчи атама деган хулосага келган ва унинг ўрнига “ногиронлиги бўлган шахслар” атамасини қўллаш кераклиги таклиф қилинган<sup>3</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ушбу масалада ўзининг қатъий позициясини илгари сурмоқда, яъни “ногирон” ёки “ногирон шахс” атамаси аввало инсонга эмас, балки унинг саломатлик ҳолатига, яъни ногиронлигига урғу берган ҳолда ифодалангани учун ҳам инсон ҳуқуқларини чекловчи атама деб ҳисоблайди<sup>4</sup>.

Ногиронлиги бўлган шахслар аҳолининг шундай тоифасидирки, уларда ногиронлиги сабабли, соғлиғида, турмуш даражасида ва жамиятга мослашиб кетишида кўплаб муаммолар вужудга келади. Ушбу муаммоларни бартараф қилишда уларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида ёндашиш давлат олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ушбу мураккаб ва кўп ресурс талаб қиладиган тизимини яратиш қонун чиқарувчидан ушбу тизим билан қамраб олинadиган шахслар доирасини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ қилиб белгилашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда “ногиронлар” ва “ногиронлик” тушунчаларига таъриф берилмаган. Унинг муқаддимасида ва биринчи моддасида ногиронлар ва ногиронлигининг белгилари келтирилган бўлиб, унга кўра, “Ногиронларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг ҳолда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига халақит берадиган барқарор жисмоний, психик, интеллектуал ёки сенсор бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир”<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ногиронлиги бўлган шахсларга аниқ таъриф беради. Унга кўра, “ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс”<sup>6</sup>. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат ва жамият томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг долзарблиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, “ногиронлиги бўлган шахс” тушунчаси илк марта Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунида ишлатилган.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун сифатида қабул қилинди ва унга кўра, “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси қўлланилиши белгилаб қўйилди. Бироқ, ушбу қонунда ногиронлиги бўлган шахс тушунчасига берилган таъриф “Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциядаги таърифдан тубдан фарқ қилади:

Ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг, тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс<sup>7</sup>.

“Ногиронлиги бўлган шахс” тушунчасига берилган таърифни таҳлил қилар эканмиз, ушбу таърифни ишлаб чиқишда шахсни ногиронлиги бўлган деб топишда тиббий мезонлардан келиб чиқилган ва ўз-ўзидан ушбу тоифадаги шахслар ҳаётининг ижтимоий жиҳатларига эътибор берилмаган. Бироқ, ногиронлик бугунги кунда янгиланиб бораётган тушунчаки, давлат ва жамиятнинг асосий эътибори ногиронлиги бўлган шахсларга фақатгина ачиниш ва раҳм-шафқат кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг жамият ҳаётида ҳамма билан бир хилда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун эҳтимолий тўсиқларни бартараф қилиш ҳам тушунилади.

Фикримизча, қонунчилигимизда ногиронлиги бўлган шахсларга берилган таърифга халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда керакли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар учун яратиладиган шарт-шароитлар давлатнинг инсон ҳуқуқларига содиқлиги ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш даражасини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мавжуд ҳуқуқий таъриф ва механизмлар тиббий йўналишдаги мезонларга кўпроқ таянганлиги сабабли, улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ижтимоий ҳаётга интеграциясини таъминлаш борасида етарли самара бермайди. Шу боис миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда концептуал ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, инклюзив ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиши лозим.

**Шуҳрат ҲИКМАТОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атовуллоев Р. Ногиронлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий кафолатлар. Электрон манбаа: <https://insonhuquqlari.uz/uz/news/rights-of-persons-with-disabilities-international-and-national-guarantees>.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзоев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.531.
3. Камиллов Ф.О. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш. Соц. фан. док...дисс. – Тошкент, 2022. – Б.35.
4. Юсупов А.С. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг амалга оширилиши: муаммо ва ечимлар // Битирув иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – Б.73.
5. Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/5501227>.
6. Юсупов А.С. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг амалга оширилиши: муаммо ва ечимлар // Битирув иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – Б.76.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

# ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ

**АННОТАЦИЯ:** мазкур мақолада пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларни жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни бошқа жиноят турлари билан чегаралаш, жиноят таркибининг алоҳида белгилари асосида квалификация қилиш муаммолари ўрганилган. Шунингдек, амалиётда учраётган ноаниқликлар, мавжуд норматив-ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** пиротехника, ижтимоий хавф, Жиноят кодекси, ёнғин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси, тақиқланган кимёвий моддалар, хавфсизлик нормалари.

Жиноятни квалификация қилиш – бу содир этилган ижтимоий хавфли айбли қилмишнинг жиноий-ҳуқуқий белгилари асосида амалдаги жиноят қонунининг муайян моддаси, қисми ва бандига мос келишини аниқлашдир<sup>1</sup>. Яъни, бу қилмишни Жиноят кодексининг айнан қайси моддасига мувофиқ баҳолаш мумкинлигини аниқлаш жараёни. Шу сабабли, жиноятни нотўғри квалификация қилиш шахснинг конституциявий ҳуқуқлари бузилиши ҳамда адолатсизликка олиб келади ва бунинг натижасида шахсга нисбатан ноқонуний жазо тайинланишига сабаб бўлади.

Жиноятни малакалашнинг мақсади – ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигини аниқлашдан иборатдир.

Амалдаги қонунчилик бўйича жиноятни квалификация қилиш учун жиноят предмети ва унинг таркибий элементлари: объект, объектив томон, субъект, субъектив томон, жиноят белгилари: ижтимоий хавфлилик, ғайриқонунийлик, айблилик; жазога сазоворлик, ҳуқуқ нормалари: гипотеза, диспозиция ва санкция, “норматив рақобат”ни ҳал этиш, жавобгарликка тортиш асослари: юридик асос, фактик асос, процессуал асос, жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилган ашёвий далил тариқасида вақтинча сақловга олинган пиротехника буюмларининг қиймати қанча миқдорни ташкил этиши, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши ҳамда квалификация қилинаётган жиноятга алоқадор бўлган барча қонун ва қонуности ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш зарур ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи жиноятини квалификация қилиш учун дастлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг таркибий элементларини ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади<sup>3</sup>.

**1-босқич: Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибининг предмети умумий тавсифи ва турлари:**

Пиротехника буюмлари ушбу жиноятнинг предмети ҳисобланиб уларнинг мавжуд бўлмаслиги, мазкур жиноятни истисно этувчи сабаб ҳисобланади, суриштирувчи ва терговчилар томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш, агар қўзғатилган бўлса, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаришига тўғри келади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан пиротехника воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланганида ҳудудлардаги ички ишлар органларининг мутахассислари томонидан экспертиза ҳулосасига кўра мазкур предмет ҳақиқатдан пиротехника буюмлари эканлиги тасдиқланган тақдирдагина жиноят предмети сифатида эътироф этилади.

Тегишли мутасадди ташкилотларнинг 2020 йил 27 декабрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган йўриқноманинг 1-боб 2-бандига кўра “пиротехника буюмларини сақлаш” атамасига қуйидагича таъриф берилган<sup>4</sup>:

Пиротехника буюмларини сақлаш – пиротехника буюмларини уларнинг бутлиги, портлаш ва ёнғин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилган ҳолда сақланишини таъминловчи махсус ажратилган ҳамда хиёзланган жой (бино, иншоот, хона)да сақлаш”.

Мазкур йўриқноманинг 1-боби 3-бандида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 185<sup>1</sup>-моддаси ва ЖКнинг 250, 250<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ қонунга ҳилоф муомалада бўлганлиги ҳамда фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун олинган пиротехника буюмларини расмийлаштириш МЖТКнинг 290-моддаси ва ЖПКнинг 141, 163-моддаларида белгиланган тартибда тузилган баённома (далолатнома) асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, юқоридаги йўриқноманинг 1-боби 5-бандига биноан, олинган пиротехника буюмлари вақтинча сақланишини таъминлаш учун ҳудудий фавкулдда вазиятлар бошқармаларига мазкур йўриқноманинг 3-бандига мувофиқ тузилган қабул қилиш-топшириш баённома (далолатнома) орқали топшириш нормаси тасдиқланган.

**2-босқич: Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибининг объекти тушунчаси, умумий таснифи ва турлари:**

Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур жиноятнинг объекти – бу пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишнинг қонун билан белгиланган тартиби, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳит ва жамоат хавфсизлигини белгиловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади<sup>5</sup>.

Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишнинг қонун билан ўрнатилган тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар – бу пиротехника буюмларининг мутасадди давлат ташкилотлари томонидан назорат қилиниши, ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиниши ҳамда пиротехника буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш каби жараёнларда рухсат ва тартиб асосида назорат қилишида ифодаланади.

Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига



олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар – бу пиротехника воситаларидан ҳуқуқий ва техник жиҳатдан нотўғри фойдаланиши оқибатида жамоат жойида портлаганида, транспорт воситасида ташилатганида портлаши натижасида авария юз берганида ва оммавий хавотир ҳамда саросима келтириб чиқарганида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

**3-босқич: Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркиби объектив томонининг умумий таснифи ва турлари:**

Объектив томон — ҳуқуқбузарликнинг ташқи томони бўлиб, ҳуқуқбузарлик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир этилишини англатади<sup>6</sup>.

Ҳаракат — шахснинг қонун билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилган ижтимоий хавфли ҳулқ-атвори. Масалан, лицензиясиз пиротехника маҳсулотларини ноқонуний тарқатиш ёки ноқонуний ишлаб чиқариш бу тоифадаги жиноятларга киради.

Масалан, пиротехника воситалари билан боғлиқ ноқонуний савдони назорат қилиши шарт бўлган шахсларнинг эътиборсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олмаслиги.

Объектив томондан ушбу жиноят анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ёки ўтказишдан иборат<sup>7</sup>.

**4-босқич: Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибининг субъекти умумий таснифи ва турлари:**

Жиноят субъекти — бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этган, жиноят қонунчилигида белгиланган ёшга етган, ақло расо жисмоний шахс, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари тушунилади. Субъект жиноят таркибининг элементи сифатида, унинг зарурий ва факултатив белгилари мавжуд<sup>10</sup>.

Жиноят субъектининг зарурий белгилари қуйидагилар:

- жисмоний шахс бўлиши;
- ақли расолик;
- жиноят қонунида белгиланган ёшга етганлик.

Жисмоний шахс, деб жиноят субъектининг барча зарурий ва факултатив белгиларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларига айтилади.

Ақли расолик — бу Жиноят кодексининг 18-моддасига кўра, жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахслар ҳисобланади<sup>11</sup>.

Жиноят қонунида белгиланган ёшга етганлик бу — Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, субъект ёшининг 4 та тури мавжуд бўлиб, булар: 13, 14, 16 ва 18 ёшлардир. Жиноятнинг умумий субъект ёши 16 ёш қилиб белгиланган. Мазкур моддага кўра, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноят субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо, жисмоний шахслар ҳисобланади<sup>12</sup>.

**5-босқич: Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркиби субъектив томонининг умумий таснифи ва турлари:**

Субъектив томон-ҳуқуқбузарликнинг ички томони бўлиб, ҳуқуқбузарлик қасд ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилишини англатади<sup>13</sup>.

Қасд-шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатини содир қилаётган пайтида, шу ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлигини, ижтимоий хавфлигини, унинг оқибатини англаши ва тушунишидир ва бу ҳаракатнинг

натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини билгани ҳолда уларнинг келиб чиқишини истаб ҳаракат қилиши (тўғри қасд) ёки уларнинг келиб чиқишига йўл қўйишидир (эгри қасд). Шунингдек, ноқонуний пиротехника савдоси билан шуғулланган шахс ушбу фаолият тақиқланганини билган ҳолда бу ҳаракатни давом эттирса, бу тўғри қасд ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик — шахснинг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига ишониб ҳаракат қилишидир. Шунингдек, ноқонуний равишда олиб қилинган пиротехника буюмларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаган ҳолда сақлаш оқибатида ёнғин келиб чиқиши эҳтиётсизлик билан содир этилган ҳуқуқбузарликка киради.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқаришини, тайёрлашини, сақлашини, ташишини, жўнатишини, улардан фойдаланишини, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб киришини (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишини) ёки ўтказишини англайди ва мазкур ҳаракатларни содир этишни истайди.

Гипотеза — бу ҳуқуқ нормасининг дастлабки таркибий элементи бўлиб, у ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракатлар қандай шароитларда бажарилиши мумкин ва лозимлигини билдиради. Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси гипотезаси “пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи” шаклида ифодаланган.

Диспозиция — бу мазкур нормада субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ҳамда уларнинг бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари вариантлари кўрсатилади.

Санкция — бу ҳуқуқ нормаси бузилганда, яъни мажбурият ва талаб этилган ҳаракатлар бажарилмаган ҳолда ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат таъсир чорасидир.

**Илёсбек ТОЖАЛИЕВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi. Tom 5.
2. Ochilov X.R. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. O'quv qo'llanma. 2022-yil.
3. M.X.Rustambayevning "O'zbekiston Respublikasining jinoyat kodeksiga sharhlar" maxsus qism, Toshkent, "Adolat" 2016-yil, 726-727-betlar.
4. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat bojxona qo'mitasi, Milliy gvardiyasi, Oliy sudi va Sanoat xavfsizligi davlat qo'mitasining 2020 yil 27 dekabrda "Qonunga xilof muomalada bo'lganligi va foydalanish qoidalarini buzganligi uchun olingan pirotexnika buyumlarini topshirish, saqlash va yo'q qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani nasdiqlash haqida" gi 89, 30QQ, 52, 01-02/22-63, 747, 01/15-3927-son qo'shma qarori.
5. M.X.Rustambayevning "O'zbekiston Respublikasining jinoyat kodeksiga sharhlar" maxsus qism, Toshkent, "Adolat" 2016-yil, 726-727-betlar.
6. Ochilov X.R. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. O'quv qo'llanma. 2022-yil va Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi.
7. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi 1851-moddasi, Jinoyat kodeksi 250 va 2501-moddasi.
8. O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 14-iyuldagi "Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari to'g'risida" gi 701-sonli qonuni.
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 21-fevraldagi "Maxsus elektron tizim orqali ayrim faoliyat turlarini litsenziyalash tartibi to'g'risidagi yagona nizomni tasdiqlash haqida" gi 80-sonli qarori.
10. Ochilov X.R. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. O'quv qo'llanma. 2022-yil.
11. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi va Jinoyat kodeksi
12. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi.
13. Ochilov X.R. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. O'quv qo'llanma. 2022-yil va Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi.
14. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi 1851-moddasi, Jinoyat kodeksi 250 va 2501-moddasi.
15. Ochilov X.R. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. O'quv qo'llanma. 2022-yil va Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi.
16. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi 01.04.1995 <https://lex.uz/docs/-111453>

# XIV-XVIII АСРЛАРДА ҲУҚУҚ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

**АННОТАЦИЯ:** ушбу мақолада XIV-XVIII асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги давлатлардаги ҳуқуқ ва дин ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинади. Шу билан бирга, ушбу даврдаги ҳуқуқий манбаларда шариат нормаларининг ўрни, давлатнинг солиқ, ерга оид муносабатлари, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик, давлатда диний ҳокимиятнинг ўрни, дунёвий қонунлар, олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ўрганилди. Хусусан, давлатлар ҳуқуқ тизимида диний манбаларнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек давлат бошқарувида ҳамда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда маҳаллий одат ҳуқуқи билан бирга шариат манбаларини қўллашнинг илмий-назарий асослари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** шариат, одат ҳуқуқи, диний ҳокимият, дунёвий қонун, ҳуқуқ тизими, давлат бошқаруви.

Ҳуқуқшунос олим А.Х.Саидовнинг таъкидлашича, Шарқ Уйғониши ўз таъриқидида икки босқични босиб ўтган бўлиб, биринчиси, IX-XII асрлар “Ислом Ренессанси” даври Имом Бухорий, Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғинонийларнинг жаҳон илмига қўшган улкан хизмати даври, Маъмун академиясининг Хоразмдаги фаолияти; иккинчи босқичи Темурийлар Ренессанси даври XIV-XVI асрларга тўғри келади: Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзоларнинг илм-фан, маданият ривожига хизматлари<sup>1</sup>. Ушбу даврда нафақат илм-фанда янгиликлар қилинди, балки давлатчилик ҳам шаклланди. Жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар ҳамда қонун-қоидалар диний манбалар асосида қабул қилинди.

XIV аср ўрталарида темурийлар давлати яхши ташкил этилган ички тартиб ва мустаҳкам интизомни таъминлаб турадиган барқарор ҳуқуқий тизимга эга эди. Бу даврнинг ҳуқуқий манбаларини ислом ҳуқуқи, унга асосланган ва мазмунан дунёвий характерга эга бўлган “Темур тузуқлари”, қадимги турк ҳуқуқий одатлари ҳамда Темур ва темурийлар томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этган. Амир Темур давлати доирасида асосан унинг туркий халқлари ичида кенг ёйилган ислом суннийлик оқимининг ҳанафийлик мазҳаби мустаҳкам қарор топди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” тўплами бу мазҳабнинг асосий шариат қўлланмаси сифатида қабул қилинган. Ҳанафия қонунлари нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли мамлакатимиз ҳудудида мустаҳкам қарор топган эди. Унга биноан, маҳаллий ҳуқуқ нормалари шариат билан мослаштирилиб, мувофиқлаштирилиб жорий этилганди. Шу тариқа ислом ҳуқуқи мазкур даврда ўзгаришсиз, бир хилда амалда бўлган деб бўлмади. Чунки, бу ерда ислом ҳуқуқи худди “Темур тузуқлари” сингари дунёвий қонунчилик нормалари билан тўлдирилиб борилган<sup>2</sup>.

Шайбонийлар давлати ислом давлати эди. Шу сабабли унда ислом ҳуқуқи асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланган. Шунингдек, одат ҳуқуқи ва хонларнинг турли фармонлари ҳам ҳуқуқ манбаларини ташкил қилган. Ҳуқуқ манбалари орасида одат ҳуқуқининг аҳамияти анча катта бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон марказлашган давлат тузиш билан бирга унда ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига ҳам эътибор беради.

Тарихчи Рўзбехон Исфаҳоний “Меҳмонномаи Бухора” асарида ёзишча, унгача Самарқанд атрофидаги катта йўлларда талончилар ва ўзравонлар кўпайиб, ҳатто Самарқанддан Туркистон йўли бўйлаб “хон ҳазратларининг асрга татигулик давлати пайдо бўлгунга қадар тўрт фарсах узоқликда жойлашган Алиободга бирор киши бора олмай қолган<sup>3</sup>. У давлат йўлларини ана шу талончи ва босқинчилардан тозалаб, йўлларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Муҳаммад Шайбонийхон ўқимишли, шариат ҳуқуқи бобида ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлганлиги учун қонунчилик ва юридик масалаларни уламолар билан маслаҳатлашиб ҳал этишга эътиборли бўлган. Унинг ҳузурида ҳеч қачон шариат ҳуқуқи ва қонунларига зид мажлис бўлмаган.

Исфаҳоний давлатни бошқаришга оид қисқа ҳажмли ахлоқий-юридик “Сулук ал-мулк” (“Подшоҳларнинг ҳулқ-атворлари”) номли қўлланма ёзди. Унда давлат ишлари, мусулмонлар билан ўзаро муносабатлар, доруғалар тайинлаш, хирож, ушр, жузья каби солиқлар йиғиб олишда нималарга асосланиш лозимлиги ёритиб берилган. Ушбу асарда мансабдорларни тайинлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқларни йиғиш тартиби, кўзғолонларни бостириш ҳақидаги қоидалар келтирилган.

Аштархонийлардан Субхонкулихон даврида ҳам унинг фармонида кўра, турли юридик масалаларни ҳал этиш учун қабодиёнлик муфтий томонидан мусулмон ҳуқуқининг асосий қоидаларидан иборат тўплам тузилган. Гарчи Марказий Осиёда ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат бўлсада, у одат ҳуқуқининг яшашига чек қўя олмаган эди. Илмий адабиётларда ҳуқуқий одатлар ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-бирларидан фарқланади. Давлат томонидан тан олиниб, мустаҳкамланган ва ўз санкциясига эга бўлган одатларгина юридик одатлар ҳисобланади.

Бу даврга оид ер ҳуқуқига бағишланган муҳим манбалардан бири “Бухоро ер ҳужжатлари” бизгача етиб келган. Унда XVII-XIX асрларда бутун Ўзбекистон ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини кўрсатувчи қоидалар, давлат бошлиқларининг бу борадаги фармонлари, суд ҳужжатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Ҳужжатларда, жумладан, вақф мулкни алмаштириш, хусусий ер эгалиги ҳуқуқининг давлат томонидан бузилиб туриши, ғалла уюмларини муҳрлаш ва бошқа шу каби ерга оид муносабатлар тартибга солинади. Масалан, мулкнинг вақфга айланиши унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этишда муҳим ўзгаришлар келиб чиққан. Яъни уни олиш-сотиш, алмаштириш мумкин бўлмай қолган<sup>4</sup>.

Ҳуқуқшунос олим З.Муқимов кўрсатганидек, тўпламдаги баъзи ҳужжатлар хусусан, 1721-йилдаги савдо васиқаси истисно ҳоллар ҳам бўлиб турганлигини кўрсатади. Ўзбек хонликларида ҳуқуқ манбаларини ислом ҳуқуқи шариат, дунёвий ҳуқуқ амирларнинг фармонлари, ёрлиқлари ва одат ҳуқуқи ташкил этган. Бу даврда ҳуқуқ манбаларининг хилма-хиллигидан қатъи назар, шариат ижтимоий муносабатларни тартибга солишда марказий ўринда турган. Бошқа манбалар шариатга зид келмаса қўлланилган. Шунинг учун бу даврларда ҳам худди аввалгидек ислом ҳуқуқининг тўрт манбаи: Қуръон, Суннат-ҳадислар, ижмо, қиёс асосий манбалар ҳисобланган. Улар асосида яратилган Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари, Убайдулла ибн Маҳбубий томонидан унга ёзилган “Мухтасар” каби фиккий қўлланмалар ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва кенг қўлланди.

Булардан ташқари, жиноят ҳуқуқи борасида ҳатто шариатга зид бўлган мезонлар ва жазо чоралари, масалан “эмпале” бўлган. Улар аниқ бир ҳуқуқий ҳолатга нисбатан ҳукмдор томонидан белгиланган. Шунинг учун шу давр ҳуқуқини ўрганишда сайёҳлар ва бошқа кишилар томонидан ёзиб қолдирилган эсдаликлар ҳам маълум даражада ҳуқуқни ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилади. XVIII асрда ёзилган тарихий-ҳуқуқий манбалардан бўлган “Маъма ал-арқам” (Рақамлар ва руқум сийқотлар ҳақидаги) расмий қоида-

лар тўплами<sup>5</sup> ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатида кам тадқиқ қилинган. Бу асар Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихидан бизгача кам етиб келган ва ўхшаши йўқ манбалардандир. Унда молия, ер, солиқ, ҳисоб-китобларини юритиш бўйича расмий қоидалар ва тавсиялар берилган бўлиб, амир девонидаги амалдорлар учун иш юритишга оид расмий қўлланма ҳисобланади. Булардан ташқари, солиқлар ва бошқа тушумлар рўйхати, харажат қайдномалари, ер мулкларини эҳсон, совға қилиш ҳужжатларининг мазмуни ва шакли XVIII асрда Бухоро амирлигидаги давлат мансаблари, уларнинг вазибалари ва сув тақсимотида оид қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Хива хонлигининг ижтимоий ҳаётида якка хонликка асосланган ўрта аср мусулмон давлатларида бўлганидек, хон ва унинг аёнлари катта ижтимоий ҳуқуқларга эга эди. Дахлсиз ҳуқуқларга, аҳолининг барча ижтимоий табақаларига катта таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган оқсуяк табақа маҳаллий шайхлар авлодлари хонликдаги энг нуфузли ижтимоий табақа ҳисобланарди. Катта миқдордаги хусусий ер мулкларига эгалик қилишдан ташқари улар одатда вақф ерларидан келадиган даромадларнинг назорат қилинишида ҳам кўпгина имтиёзларга эга эдилар. Уларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳар қандай вақт ва шароитда ҳам сақланиб қолинарди.

Хива хонлиги хон томонидан сарой амалдорлари ёрдамида бошқариладиган, якка ҳокимликка асосланган давлат бўлиб, хонликдаги энг юқори унвон хон эди. Хон ва бошқа амалдорларнинг мансаби бу хонликда мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган. Хон давлатни бошқаришда ҳарбий ва диний амалдорларга таянган, хонликдаги мансаб ва унвонлар уч тоифага бўлинган. Диний ҳокимият Шайхулислом бошлиқ дин пешволари қўлида эди. Дарвиш шайхлари давлатдаги нуфузли диний амалдорлар сирасига кирар, барча диний мансаблар уларнинг вакилларига берилар эди. Хонлик ҳаётида Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан ўтказилган сиёсий, иқтисодий, маъмурий ислохотларнинг аҳамияти катта. Ислохотларга кўра хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш таъсис этилган, солиқлар тартибга солинган. Уларнинг мунтазам равишда йиғилиши туфайли хазина даромадлари ошиб боради. Божхона ташкил этилиб, ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайтирилади. Ички муомала учун олтин ва кумуш тангалар зарб этилди. Ороллик қорақалпоқлар Хива таркибига қўшилди<sup>6</sup>.

Хива хонлигида ҳам ислом ҳуқуқи манбалари, жумладан шариат тўлиқ амал қилган. Бироқ, шу билан бирга, хонларнинг фармон ва буйруқлари, туркман, қозоқ, қорақалпоқларнинг ўз одат ҳуқуқлари ҳам ҳуқуқ манбаини ташкил этган. Хонлар олий судья ваколатини давлат ҳокимияти билан қўшиб олиб борганлар. Юқорида айтиб ўтилганидек, хон давлатга қарши қаратилган ва бошқа оғир жиноятларни шахсан ўзи кўриб чиққан ва фақат хон ўлим жазосини бериш ҳуқуқига эга бўлган.

Хива хонлиги ҳуқуқида ҳам деликтлар ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ нормалари ва ҳоказолар ўртасида аниқ фарқлар ажратилмаган эди. Жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ва суд ишларини юритиш тартиби шариат билан белгиланган.

Қўқон хонлигида ҳам асосий ҳуқуқ манбаи шариат бўлиб, қозоқ ва киргизлар яшайдиган жойларда одат ҳуқуқларининг аҳамияти кучли эди. Ер, сув, давлат хизмати билан боғлиқ баъзи масалалар хонларнинг фармонлари билан тартибга солинишига қарамасдан, ер, сув, оила ва никоҳ, ворислик ҳуқуқлари деярли барча хонликларда бир хил бўлган. Қўқон хонлигида ҳам Қуръон давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган. Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат унинг асосида чиқарилган ва амал қилган. Қуръоннинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўзига хослиги шундаки, унга ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш мумкин бўлмаган.

Академик Х. Сулайманованинг фикрига кўра, Қўқон хонлигида жиноят ҳуқуқи алоҳида хусусиятлари билан ажралиб турган. Давлатга қарши қаратилган жиноятлар, диний, мулкка, шахсга, оилага қаратилган жиноят-

ларга бўлинган. Давлатга қарши қаратилган жиноятлар динга ҳам қаратилган деб ҳисобланган. Бундай жиноятларни хоннинг ўзи кўриб ҳал қилган. Кўпчилик ҳолларда уларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган. Ўлим жазоси сазойи қилиш билан бирга, осиб ўлдириш шаклида ижро этилган. Сазойи қилиш жазоси ҳам оғир шаклда қўлланилган. Масалан: "Оқ масжидда русия солдатлари билан урушолмай қочган Қўқон қўшинларининг бошлиғи Шодмонқул сазойи қилинган. Манбаларда келтирилишича, унинг ижроси қуйидагича бўлган. Хўжанд ўртасида Шодмонқулнинг бошига хотинлар рўмоли ўратилиб, олдида чарх дўқ қўйиб, шармандаю-шармисор қилибдилар".

Дин билан боғлиқ жиноятларга дахрийлик, яъни бошқа динни қабул қилиш, диний кўрсатмаларни бузиш, диндан қайтиш, хон режимини танқид қилиш, бошқа диндаги киши билан никоҳга кириш, шариат тақиқлаган овқатларни ейиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғондан қасам ичиш кабилар кириб, уларга дарра билан уруш, мамлакатдан қувиб юбориш ва қатл этиш каби жазолар қўлланилган.

Шунингдек, хонликда асосий яшаш жойидан қувиб юбориш, жиноят содир этган кишини ёки унинг оила аъзоларини хон армиясига аскарликка бериш, мулкни йўқотиш, мусодара қилиш каби жазолар берилган. Одам ўлдирилганлиги учун қотил ўлган одамнинг қариндошларига берилади. Улар уни сотиб юборишлари ёки қон учун хун олишлари мумкин<sup>7</sup>.

Юқоридаги маълумотлар ҳамда олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ҳудудидаги XIV-XVIII асрлардаги давлатчилик тарихида дин билан ҳуқуқнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиб, ушбу даврдаги давлатларнинг ҳуқуқ манбаларини қуйидаги гуруҳларга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Гуруҳларга ажратишда ҳуқуқ манбалари юридик кучи, қабул қилиш усули ҳамда тартибга солиш доираси бўйича таҳлил қилиб ажратилган.

Биринчи гуруҳ ҳуқуқ манбалари: ислом ҳуқуқи, шариат манбалари. Ушбу даврларда асосий ижтимоий муносабатлар, шариат ҳуқуқ манбаси билан тартибга солинган;

иккинчи гуруҳ ҳуқуқ манбалари: дунёвий ҳуқуқ манбалари, яъни амир ва хонларнинг фармонлари, ёрликлари;

учинчи гуруҳ манбалари: давлат томонидан тан олинган ҳамда юридик кучга эга бўлган одат ҳуқуқи манбалари.

Шу билан бирга, асосий ҳуқуқ манбаси шариат ҳуқуқ манбалари ҳисоблансада, маҳаллий одат ҳуқуқи ҳам кенг қўлланилган. Бироқ, одат ҳуқуқи шариат ҳуқуқига зид келмаган тақдирдагина ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тадбиқ этиларди. Шунингдек, давлатни хонлар ва амирлар диний ҳамда ҳарбий бошлиқларга таянган ҳолда бошқарган. Ҳуқуқ ва дин ўртасидаги ўзига хос хусусиятлардан бири ҳокимият тизимида диний ҳокимиятнинг мавжудлигидадир, унга раҳбарлик шайхулисломга топширилган. Яна бир муҳим жиҳати, ҳуқуқбузарликлар ичида энг оғир жиноят давлатга қарши қаратилган жиноят ҳисобланган ҳамда бундай ҳуқуқбузарликка динга қарши қаратилган жиноят сифатида қаралган.

**Абдурахим ҚИЛИЧЕВ,**

*ЎзФа Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Saidov A.X. Movarounnahr muhaddis va faqihlarining jahon huquqiy madaniyatiga qo'shgan hissasi. O'zbekistonning islom sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan hissasi. -T.:2007. -B.113.
2. Muqimov Z. O'zbekiston huquqiy manbalari. -S.: Zarafshon, 1996. -59-64-betlar.
3. Фазлуллах ибн Рўзбехон Исфаҳони. Мехмонномаи Бухоро (Записки Бухарского гостя). -М.:Наука.-с.79-80.
4. Muhamedov.H. Huquq tarixi.O'quv qo'llanma Toshkent-2023. B-519-521.
5. Мирзо Боди Диван, Мажма ал-аркам("Предписания фиска"),-М.,Наука, 1981.-с.123.
6. Xamidova.M. O'zbekiston davlati va huquqi. : Toshkent -2004. B-147-148.
7. Hamidova.M O'zbekiston davlati va huquqi tarixi. O'quv qo'llanma. B-145-146. Toshkent-2005.



# ШАРАФЛИ ЙЎЛ МАШАҚҚАТЛАРИ

**“Судьялик касби барча касблар ичида энг масъулиятли эканлиги айна ҳақиқат. Чунки, судья қарори билан битта инсоннинг, қолаверса, ўша инсон орқали жуда кўплаб инсонларнинг тақдири ҳал бўлади. Унинг чиқарган қарорлари тўғрисида тўғри жамиятга ўз таъсирини кўрсатади”.**

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг ушбу тарифи судьяликнинг шарафи ва машаққатини биргина жумла билан ифодалаган, десак муболаға эмас. Таниқли ҳуқуқшунос, давлат ва жамоат арбоби, деярли эъзозланган бу инсоннинг портретига чизгилар сифатида чоп этилган “Шарафли йўл соҳиби” номли китоб эса судья бўлиш истагидагилар учун зарур қўлланма бўлди, дейиш мумкин.

Эсимда, жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг раиси лавозимида тайинланганимда устозларим Ховос тумани авваллари Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод тумани бўлганини ва суд раислари рўйхатида Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг номи ҳам борлигини фахр билан айтишган эди. Шунда улар бошлаган йўлнинг давомчиси эканлигимдан хурсанд ҳам бўлганман. Аслида, Ховос тумани вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бири. Лекин, туман судининг биноси замонавий ва қулай эканлиги мени ҳайратда қолдирган. Мазкур бинога илк маротаба қадам ташлар эканман, шароит эмас фақатгина иш сифати ҳақида бош қотиришим зарурлигини тушуниб етдим. Бу гапларни бежиз айтмаяпман. Чунки, “Шарафли йўл соҳиби” номли китобининг мутолаасида мазкур туманнинг ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмаганини, чўлни ўзлаштириш учун қанчадан-қанча машаққатлар енгиб ўтилганини Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг хотиралари мисолида ҳис қилдим.

Хотираларда тарих мужассам эканлиги эса мазкур китобни варақлаш асосида амин бўлдим. Масалан, Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг болалик йилларидан то бугунги кунга қадар сўзлаб берилган ҳар бир воқеалик замирида жуда катта тарихий жараёнлар ўз асоси билан келтириб ўтилгани бу инсоннинг ҳаёт йўли шарафга арзигулик бўлганидан ифода. Китобнинг бир саҳифасида эса Меҳнатобод (ҳозирги Ховос) туман судига раис бўлиб сайланганини эста олган Мирзо-Улугбек Абдусаломов шундай фикрларни айтган:

— Шундай қилиб мен Меҳнатобод туман судига раис бўлиб сайландим. Гарчи, суд раиси бўлиб бир йилча ишлаган бўлсам-да, бу органнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини, судья адолатли қарор чиқариш учун қанчалик билим ва тафаккурга, инсонларнинг психологиясини жуда чуқур билиши, оқни оққа, қорани қорага чиқариш учун судьядан нафақат ҳуқуқий илм, балки жуда кенг дунёқараш талаб этилишини англаганман...

Бу сўзларнинг маъзини суд тизимида ишлаётган ҳар бир судья чуқур англаб етсагина, ибратли судья бўла олиши аниқ. Чунки, фаолиятим давомида судьялик нафақат касб ёки лавозим балки машаққат ҳам эканлигига мисолларим кўп. Мазкур китобда эса нафақат судьялик касби балки давлатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳар бир ислохотлар алоҳида ва муҳим саналар, тарихий шахслар мисолида ҳаётини воқеалар асосида ёритиб берилган. Буни Мирзо-Улугбек Абдусаломов шундай хотиралайди:

— Бу воқеа 1990 йилда рўй берган бўлса, шу йилдан бошлаб, мен Адлия вазирлиги вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлай бошладим. Бу даврнинг мураккаблиги шунда эдики, Коммунистик партиянинг қуёши уфққа ёнбошлаб қолган ва ботиш арафасида, ўзининг сўнгги кунларини бошдан кечираётган, бунинг натижасида собиқ Иттифоқнинг ҳам белидан қуввати кетиб, тўлғона-тўлғона жон бераётган, унинг ўрнида эса бир неча янги суверен давлатлар вужудга келиши тобора аён бўлиб бораётган пайт эди. Янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши эса, аввало бу ҳуқуқ билан тўғридан-тўғри боғлиқ ҳодиса ҳисобланади, деярли айнан ҳуқуқий сийosat билан шуғулланган вазирликнинг келажаги билан боғлиқ муҳим воқеалар бирма-бир таърифланган.

Демак, шарафли йўлнинг маълум бир кесилмаларида ана шундай машаққатли йилларнинг туб бурилишлари сўзлаб берилган мазкур китоб унинг ўқувчисини беихтиёр тарих билан юзлаштиради.

Шунингдек, Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг болалик йиллари ўтган қишлоқларнинг географик жойлашуви, иқлими ва аҳолисининг яшаш шароити моҳирона тасвирлангани бу инсоннинг қалби ҳам Она Ватанига бўлган меҳру-муҳаббатга тўла эканлигидан нишона. Бунга бир мисолни китобдаги Мирзо-Улугбек Абдусаломов туғилиб ўсган Савот қишлоғининг тарифида ҳам кўриш мумкин:

— Ўша пайтларда бизда кўрғон ва чорбоғ деган тушунчалар бор эди. Ота-боболаримиз қишда кўрғонда яшашган бўлса, ёзга келиб чорбоғларига кўчиб чиқишган. Савотнинг чорбоғлари жуда файзли ва баракали жойлар бўлган. Ҳамма томон кўм-кўк, дарахтзор, беданалар сайраб турадиган ажойиб бир манзил бўлиб, ундаги нашвоти мевасининг доғруғи дунёга кетган. Нокнинг сал кичкина тури кўринишидан бир оз кўримсиз бўлса-да, таъми, мазаси жуда ширин бўлган. Боболаримизнинг айтишига қараганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз ҳам Савот қишлоғининг нашвотисига юксак баҳо берган экан. Ҳозир бундай нашвоти жуда камайиб кетган, атиги 5-6 хонадонда қолган.

Устозлар ботида ҳам Мирзо-Улугбек Абдусаломовни омадли дейиш мумкин. Чунки, мазкур китобда айнан устозлари ҳақида тўхталган бу инсон барча эришганларида устозларининг ҳам ўрни борлигини алоҳида таъкидлаган. Жумладан, академик Шавкат Ўразаевнинг номини алоҳида фахр билан тилга олар эканлар:

— Ушбу инсоннинг раҳбарлигида камина ҳам Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳлари таркибида фаолият кўрсатганимдан ва амалдаги Конституция матни устида бевосита ишлаганимдан фахр ва ифтихордан, деярли таъкидлаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси лавозимидек юксак мартабада, устозлик мақомида меҳнат фаолиятини давом эттираётган Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг ибратда арзигулик ҳаёт йўлига берилган чизгилар айнан унинг ўзи томонидан ҳикоя қилиб берилиши мазкур китобнинг ҳаётини сабоқлардан иборат эканлигини ҳам тасдиқлайди. Демак, ушбу китобни қўлига олган инсон ҳар бир соҳада бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам шарафли йўлни босиб ўтмоқ учун машаққатларни оқилона енгиб ўтиш, ҳаракат ва жасоратдан тўхтамаслик тақазо этилишини чуқур таҳлил қилиш имконига эга бўлади. Демак, бу инсоннинг портретига чизгилар унинг замондошларига ҳаёт мактаби вазифасини ўташи шаксиз. Зеро, мен ҳам мазкур китобнинг хулоса қисмига келганимда нафақат судья балки ибратли инсон қандай бўлиши керак, деган мураккаб саволга Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг шарафли умр йўли мисолида маълум маънода жавоб топгандек бўлдим.

**Жавлон ЖАББАРОВ,**

*Сирдарё вилояти судининг судьяси.*



# УСТОЗ ҲАЁТИ – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

**“Беҳуда, фойдасиз ўтган ёшлик — мусибат”, дейди донолар. Дарҳақиқат, ёшлик инсон ҳаётида унутилмас, масъулиятли давр ҳисобланади. Ёшликда келажак умрининг пойдевори қўйилади. Изланувчан вақтнинг қадрига етиб унинг ҳар бир лаҳзасидан оқилона фойдаланган ёшлар диди кучли, саводли, билимли, элнинг азаматлари бўлиб етишади. Шу билан бирга ёшлар тарбиясида, буюк устозларнинг, улуғ элнинг ардоқли оқсоқолларининг ҳаёт йўли катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақиқат.**

Ҳар соҳанинг ўз билимдони, бой тажрибага эга устозлари бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқшунослик каби ўта масъулиятли соҳада нафақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонда қолаверса, собиқ иттифокда салмоқли ўрни бўлган Парахат оға Айтнийзовни ҳурмат билан тилга олган бўлардим.


Талабалик вақтларимда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таниқли, тажрибали ёши катта раҳбарлари биз каби талаба ёшларга дарс бериб, тез-тез учрашувлар ташкил этарди. Ўзим ҳам қолдирмасдан бу дарсларда ва учрашувларда қатнашардим, ёзги амалиётларга қизиқиш борардим.

Ўша пайтлари устозларни кўриб, қанийди уларнинг қўл остида ишлаб, тажриба орттириб, улар каби элимизга ҳалол хизмат қилсам, деб орзу қилганман.

Вақтлар ўтди, мана бугунги кунда устоз Парахат оға билан ҳамкасб бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқдаман. Бунга минг бора шукр дейман.

Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан устозимиз Парахат оға Айтнийзовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Сахродай кенг, дарёдай тошқин” номли китоб нашр этилди. Китоб муаллифи, тажрибали журналист ва ёзувчи Арслон Эшмуродов устоз ҳаётини жуда қунт билан, шошилмасдан ўрганиб, яхши бир асар яратган. Муаллиф айниқса, тарбиявий томонга кўпроқ эътибор қаратган ва шунинг учун ҳам бу асар ёшларга ибрат бўладиган китоб бўлган, деб айтиш мумкин.

Парахат оға қаерда бўлмасин, ўзининг туғилиб ўсган Ватани Қорақалпоғистонда, Ўзбекистонда, шунингдек, (собиқ иттифок маркази) Москвада ишлаган даврида энг аввало адолатни, ҳақиқатни, инсофни, виждонни кўзлаб, масалани адолатли ҳал қилишга, жабрланганларга ёрдам беришга қатъий ҳаракат қилди ва мақсадига эришиб халқнинг олқишига сазовор бўлди.



Ўзим табиатга қизиқишим бўлганлиги учунми китобдан Парахат оғанинг отаси Айтнийёз ота билан бирга бўлган вақтлари ва ёш ўсмирлик даврларидаги хотиралари алоҳида эътиборимни тортди.

Бир куни Парахат оға отаси Айтнийёз отага: — мен ҳам сиз каби ўрмончи бўлмоқчиман, деганда отаси негадир узоқ ўйланиб, ҳорғин бир оҳангда гап бошлайди, “Ўғлим менинг умрим мана шу ўрмонда ўтди. Мен бу учун афсусланмайман, лекин сенинг бу касбни танлашингни хоҳламайман. Бунинг муҳим сабаби бор, яхшилаб эшит, сен бу ҳаётда ўз ўрнингни топишинг ва элинга, халқинга фойданг тегадиган инсон бўлишинг керак. Одамлар сени таниши, билиши, ҳурмат қилиши ва энг муҳими бу натижаларга ўзининг ҳалол меҳнатинг билан эришишинг керак. Мен сени амманг Жумагул Сейтова сингари давлатнинг масъул лавозимларида ишлаб, овулнинг фахрига айланишингни истайман”, дейди.

Айтнийёз отанинг бу насиҳати фақат Парахат оғанинг келажаги учун берилиб қолмай ҳозирда кўплаб судьяларнинг шу касбни эгаллашига сабабчи бўлган, деб ўйлайман. Чунки, Парахат оғанинг бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб судьяларнинг шу билан бирга ҳуқуқшуносларнинг устози эканлиги ҳаммага маълум.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсам, бу каби китоблар келажакда катта мақсадларни олдимизга қўйишга, ватанимиз тараққиёти учун ҳалол хизмат қилиб халқимиз олдида обрў-эътиборга эришишимизга йўналтирадиган, эндигина ушбу касбнинг этагини тутган ёш кадрлар учун ҳар томонлама тарбиявий аҳамиятга эга манбадир.

**Шерзат ИБРАГИМОВ,**

Қорақалпоғистон Республикаси  
Конституциявий назорат қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари.

# ҚАЙСАР БУЛБУЛ

*Зоглар орасида булбулни кўрдим,  
беш-ўн қўтир загча бошин чўқиган,  
юраги ёрилиб ўлсин деб шўрлик,  
булбул ҳақида кўп изво тўқилган.*

*Эмишки,  
хониши доим аразли,  
йўқотиш керакмиш сохта булбулни,  
сахар чоғларида вайсаб гаразли,  
атай ухлатармиш неча қизгулни.  
Бу ҳам етмагандай комил замонда  
салтанат қасрига пешоб тўкармиш,  
тагин ул миллатчи эмиш ашаддий,  
қайда сайраса эл исён кўтармиш.*

*Изволар ёзилур,  
беш-ўн қўтир зог  
янги арслоншоҳга тинмай хат ташир.  
Шотирлар ишидан юрар кайфи чоғ  
қора кўзойнакни таққан каттаси.*

*Арслоншоҳ алмашар,  
вазир алмашар,  
борлиқни қайтадан қурмоқда авом.  
Зоглар қағиллашиб бирам яйрашар,  
тагин извохатлар ёзилар равон.*

*Эмишки,  
бу булбул айбин яширар,  
ҳар наҳор ўн каклик гўштини ермиш,  
палон йил писмадон кавакда бирдан  
саккизта айиқни зўрлаган эмиш.  
Тагин бир айби бор,  
ўқирмиш намоз,  
ислом байроғига қилармиш сажда,  
ҳар қандай жазони берсангиз ҳам оз,  
ҳаммани қон қилиб бўлди бу аждар.*

*Изволар ёзилур,  
беш-ўн қўтир зог  
янги арслоншоҳга тинмай хат ташир.  
Шотирлар ишидан юрар кайфи чоғ  
қора кўзойнакни таққан каттаси.*

*Ажаб ҳангомалар бўлар қайтадан,  
зоғларнинг кўзида қайнар ажина.  
Зоглар орасида сайрар атайлаб,  
бу булбул ўзиям жуда гажир-да.  
Ҳой, булбул,  
Ўзингга бир оз раҳм қил,  
бўлмасми дамингни чиқармай турсанг.  
Ахир қайта қуриш...  
бўлмасми бир йил  
зоғлар орасида зог каби юрсанг...*